**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУБОРАК ҒАНИЕВА**

# «ШАХС ВА ЖАМИЯТ» ФАНИ БЎЙИЧА ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

**ТОШКЕНТ - 2008**

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Илмий Кенгашининг 2008 йил ................. .. – сон қарори билан нашрга тавсия этилди.

Ушбу услубий қўлланмада, педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб кириш зарурлиги, “Шахс ва жамият” ўқув дарси мисолида педагогик технология қонуниятларидан фойдаланган ҳолда таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштирилган тажриба - синов таълим технологияси келтирилган.

Китоб «Шахс ва жамият» фанини ўқитилаётган барча олий ва ўрта махсус, касб - ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари учун мўлжалланган.

***Муаллиф: Муборак Ғаниева***

**Лойиҳа раҳбари:**

Тарих фанлари номзоди, доцент Г.С.Фузаилова

**Тақризчилар:**

Фалсафа фанлари доктори, профессор И.Саифназаров
Тарих фанлари номзоди, профессор М. Лафасов

© Низомий номидаги ТДПУ, 2008.

# М У Н Д А Р И Ж А

**КИРИШ**.....……………………………………………………………..5

**«ШАХС ВА ЖАМИЯТ» ФАНИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**……………......6

1. «Шахс ва жамият» фанининг долзарблиги ва ўқитиш структураси…..........................................................................................7

**2.** Академик лицей ва касб - ҳунар коллежларида «Шахс ва жамият» предмети мавзуларининг тақсимоти ...........................................................9

3. «Шахс ва жамият» фани бўйича маъруза ва амалий машғулотларда ўқитиш технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари……………………........................................……………....11

**МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**………………………………………………......15

1-дарс. "Шахс ва жамият" предметининг мазмуни, вазифалари ва бошқа фанлар орасида тутган ўрни. Инсон - биоижтимоий мавжудот..................16

2-дарс. Инсоннинг вужудга келиши ва камолоти ҳақидаги концепциялар............................................................................................29

3-дарс. Қадимги дунёда инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар....................35

4-дарс. Қочоқлар ва кўчирилганларнинг ҳолати – турли даврларнинг долзарб муаммоси..........................................................................................44

5-дарс. Ўрта Осиё мутафаккирларининг инсон ва жамият ҳақидаги таълимотлари...........................................................................................52

6-дарс. Шахснинг қадр-қиммати ва эркинлиги............................................61

7-дарс. Европада инсон ва жамиятнинг моҳияти тўғрисидаги ғоялар. Ҳозирги замон жамиятшунослиги..............................................................71

8-дарс. Ҳимояга муҳтожларга муносабат: ўтмиш ва ҳозирги замон...........83

9-дарс. Жамиятнинг ижтимоий тузилиши. Ижтимоий адолат ва барқарорлик – Ўзбекистондаги ижтимоий ўзгаришларнинг бош мақсади....................................................................................................90
10-дарс. Болалар жамиятнинг ижтимоий структурасида..............................98
11-дарс. Жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизими. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамият қурилишининг асосий йўналишлари..........................104
12-дарс. Инсонпарварлик ва шафқатсизлик - инсоний муносабатларнинг икки томони........................................................................................113
13-дарс. Инсон ва жамиятнинг маънавий ҳаёти. Ўзбекистонда маънавий янгиланишнинг асосий масалалари............................................................123
14-дарс. Халқаро муносабатлар – жаҳон тараққиётининг кўзгуси.
Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимида.............................................135
15-дарс. Минтақавий можароларни ҳал қилишда Ўзбекистоннинг
ҳиссаси.. ......................................................................................................146
16-дарс. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг вужудга келиши ва тараққиёти.....................................................................................................155
17-дарс. Ўзаро ёрдам анаъналарининг жамият ҳаётидаги ўрни................163
18-дарс. XXI аср ва жамиятнинг келажаги ҳақидаги башоратлар.............171
19-дарс. Шахс ҳуқуқий маданиятининг қарор топиши..............................180
20-дарс. Замонамизнинг оламшумул муаммолари ва Ўзбекистоннинг келажаги....................................................................................................190

# К И Р И Ш

Ўрта махсус, касб - ҳунар таълими муассасаларида «Шахс ва жамият» фани бўйича фойдаланиладиган таълим технологияси дарсларни лойиҳалаш технологиялари асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур қўлланма кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари ҳамда ушбу фан мавзуларини ўқитиш технологияларидан таркиб топган.

Таълим технологиясининг концептуал асослари бўлимида «Шахс ва жамият» фанини ўқитишнинг долзарблиги асосланган. Сўнгра ўқув фани бўйича қўйидаги икки мақсадни кўзлаган ўқитиш технологиялари лойиҳалаштирилган:

1) маъруза машғулотларини олиб боришнинг кириш-маъруза, мавзу асосида анъанавий маъруза, муаммоли маъруза, визуаллаштирилган маъруза, конференция маърузалар кўринишлари қўлланилиши;

2) баҳс - мунозара машғулотларни олиб боришнинг топшириқларни индивидуал тарзда ёки гуруҳда бажарилиши, муаммоли амалий машғулот ҳамда билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган амалий топшириқларнинг бажарилиши.

Мазкур таълим технологияси «Шахс ва жамият» фанини ўқитишдаги барча олий ва ўрта махсус, касб - ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари томонидан қўлланилиши мумкин.

Муаллиф мазкур таълим технологиясини яратишда ўзларининг маслаҳатларини аямаганлиги, китобнинг янада мазмунли бўлишида фикрлари билан ўртоқлашганлиги ҳамда ташкилий ишларга ёрдам берганликлари учун ТДИУ ректори, профессор Б. Ю. Ходиевга, доцент А. Ҳукумовга, доцент Л. В. Голишга ҳамда С. С. Шоринга ўз миннатдорчилигини билдиради.

# «ШАХС ВА ЖАМИЯТ»  ФАНИ  БЎЙИЧА

# ТАЪЛИМ  ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ

# КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

# 1. «ШАХС ВА ЖАМИЯТ» ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ЎҚИТИШ СТРУКТУРАСИ

“Шахс ва жамият” фани мустақиллик йилларининг илк йилларидан бошлаб ўрта махсус, касб - ҳунар таълими муассасаларида алоҳида фан сифатида ўқитила бошланди. Бугунги кунда ушбу фанга муносабат ҳам тубдан ўзгарди.

Ҳаммамизга маълумки, демократик давлат ҳамда фуқаролик жамият ўз – ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Инсонлар биз орзу қилган жамиятни ўз меҳнати билан қуришади, барпо этишади. Ўзлари барпо этган жамиятда эса, инсон ва унинг манфаатлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилади. Шундай экан инсон, унинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари доимо биз барпо этмоқчи бўлган жамиятнинг диққат марказида туради, ушбу жамиятнинг қурувчиси ҳисобланади. Инсоннинг ўзи ким, жамиятнинг ўзи нима, инсон қандай вужудга келган, уларнинг ахлоқий, сиёсий, диний, эстетик, ҳуқуқий дунёқарашлари қандай таркиб топган, жамият ва шахснинг ўзаро муносабати қандай вужудга келган деган масалалари доимо инсониятни қизиқтириб келган. "Шахс ва жамият" предмети ана шу муаммоларни тушунтириш ва ўқувчиларда уларни қуршаб турган ижтимоий воқеликнинг мураккаб жараёнларида бевосита иштирок этиш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, киши ижтимоий жараёнларда ўз ўрнини билиши, жамитда вужудга келган турли вазиятларда ўзларини тутишлари, фикр билдиришлари лозим. Муаммоларни мустақил ҳал қилиб, олган билимларига суянган ҳолда мустақил хулосалар чиқаришга ҳаракат қиладилар. Айнан «Шахс ва жамият» фани ушбу долзарб масалалрни ҳал қилишга ёрдам беради.

Мазкур предметни ўзлаштириш давомида эса ўқувчиларда қуйидаги кўникмалар шаклланади:

- мактаб даврида тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, одобнома ва бошқа фанлардан илгари олган билимларини умумлаштириш;
- тарихий воқеаларнинг амал қилиши жараёнининг кишилар онгига, дунёқарашига таъсирини кўра билиш;
- дунёнинг келиб чиқиши, инсоннинг вужудга келиши ва жамиятнинг ривожи тўғрисидаги билимларни тарихий, антропологик материаллар воситасида кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- жамиятдаги ҳодиса ва жараёнларнинг характерини турли халқлар тарихи мисолида кўриб чиқиш ва уларнинг умумий тенденциясини аниқлаш;

- ижтимоий ўзгаришлар ва уларнинг моҳиятини давлат ҳужжатлари, оммавий ахборот воситалари хабарлари орқали тушунтириш;
- турли ижтимоий ғояларнинг мазмунини тушуна олиш;
- дарслардаги муаммовий вазиятлар ҳақидаги топшириқларни мустақил ишлаш воситасида жамиятда вужудга келадиган турли ҳолатларга муносабат билдира олиш;
- жамиятдаги сиёсий ўзгаришларнинг сабабларини тез англай олиш;
- юз бераётган ижтимоий воқеаларни мустақил таҳлил қила олиш;
- ҳар қандай шароитларда ҳам мустақил фикр юрита олиш қобилиятини шакллантириш;
- берилган саволлар ва топшириқларни бажаришда ёзма иш, реферат, конспект тайёрлаш;
- Дунёда юз бераётган ўзгаришлар йўналишини тез аниқлаш ва уларнинг мамлакатимиз учун аҳамиятини кўра билиш;
- ўзида ижтимоий жараёнларнинг йўналишини башорат қила билиш кўникмасини таркиб топтириш;
- инсоний муносабатларда юз бериши мумкин бўлган ҳар хил муаммоларга мустақил баҳо бериш;
- умуминсоний ва миллий қадриятларнинг диалектикасини тўғри англаш;
- байналмилаллик ва ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш;
- дарсда муҳокама қилинадиган муаммоларни илмий жиҳатдан асослаб бера олиш[1].

[1] Шахс ва жамият.Ўқитувчилар учун услубий қўлланма. (Г.Фузаилова ва бошқалар.) Т.2006.

## 2. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ – ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА "ШАХС ВА ЖАМИЯТ" ПРЕДМЕТИ МАВЗУЛАРИНИНГ ТАҚСИМОТИ (40 СОАТ)

| Дарслар | Мавзулар | Мавзулар номи | Соат |
|---|---|---|---|
| 1-дарс | 1-мавзу<br><br>2-мавзу | "Шахс ва жамият" предметининг мазмуни, вазифалари ва бошқа фанлар орасида тутган ўрни.<br>Инсон - биоижтимоий мавжудот. | 1<br>1 |
| 2-дарс | 3-мавзу | Инсоннинг вужудга келиши ва камолоти ҳақидаги концепциялар. | 2 |
| 3-дарс | 4-мавзу | Қадимги дунёда инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар. | 2 |
| 4-дарс | 1-баҳс дарси | Қочоқлар ва кўчирилганларнинг ҳолати – турли даврларнинг долзарб муаммоси. | 2 |
| 5-дарс | 5-мавзу | Ўрта Осиё мутафаккирларининг инсон ва жамият ҳақидаги таълимотлари. | 2 |
| 6-дарс | 2-баҳс дарси | Шахснинг қадр-қиммати ва эркинлиги. | 2 |
| 7-дарс | 6-мавзу<br>7-мавзу | Европада инсон ва жамиятнинг моҳияти тўғрисидаги ғоялар.<br>Ҳозирги замон жамиятшунослиги. | 1<br>1 |
| 8-дарс | 3-баҳс дарси | Ҳимояга муҳтожларга муносабат: ўтмиш ва ҳозирги замон. | 2 |
| 9-дарс | 8-мавзу | Жамиятнинг ижтимоий тузилиши. Ижтимоий адолат ва барқарорлик – Ўзбекистондаги ижтимоий ўзгаришларнинг бош мақсади. | 2 |
| 10-дарс | 4-баҳс дарси | Болалар жамиятнинг ижтимоий структурасида | 2 |
| 11-дарс | 9-мавзу | Жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизими. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамият қурилишининг асосий йўналишлари. | 2 |
| 12-дарс | 5-баҳс дарси | Инсонпарварлик ва шафқатсизлик - инсоний муносабатларнинг икки томони. | 2 |
| 13-дарс | 10-мавзу | Инсон ва жамиятнинг маънавий ҳаёти. Ўзбекистонда маънавий янгиланишнинг асосий масалалари. | 2 |
| 14-дарс | 11-мавзу<br>12-мавзу | Халқаро муносабатлар – жаҳон тараққиётининг кўзгуси.<br>Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимида. | 1<br>1 |
| 15-дарс | 6-баҳс | Минтақавий можароларни ҳал қилишда | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | дарси | Ўзбекистоннинг ҳиссаси. | 2 |
| 16-дарс | 13-мавзу | Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг вужудга келиши ва тараққиёти. | 2 |
| 17-дарс | 7-баҳс дарси | Ўзаро ёрдам анаъналарининг жамият ҳаётидаги ўрни. | 2 |
| 18-дарс | 14-мавзу | XXI аср ва жамиятнинг келажаги ҳақидаги башоратлар. | 2 |
| 19-дарс | 8-баҳс дарси | Шахс ҳуқуқий маданиятининг қарор топиши. | 2 |
| 20-дарс | 15-мавзу | Замонамизнинг оламшумул муаммолари ва Ўзбекистоннинг келажаги. | 2 |

# 3. «ШАХС ВА ЖАМИЯТ» ФАНИ БЎЙИЧА МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон миллий тараққиётнинг энг маъсулиятли босқичи – ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг кескин бурилиш даврини бошидан кечирмоқда. Жамиятимиз ҳар бир фуқароси XXI асри ибтидосида, ортда қолган йилларни сарҳисоб қилиш ва келажак ҳаётнинг турли жабҳалари режасини белгилаб олиш муаммосига дуч келиши ижтимоий фан олимлари зиммасига катта вазифаларни юклайди.

Бундай ҳолларда жамият ижтимоий ривожининг илмий асосланган истиқболи режасини тузиб, унинг устувор йўналишларини белгилаб олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Арасту ўз вақтида айтганидек, ҳар доим ва ҳар жойда эзгуликка эришиш икки шартнинг бажарилишига:

1. Ҳар қандай фаолият якунидаги мақсадни тўғри белгилашга;

2. Пировард мақсадга эришиш чора-тадбирларини излаб топишга боғлиқдир[2].

Илмий тилда буни фаолиятнинг методологик асосини аниқлаш ва мақсадга етишиш, усул ва услубларини тўғри белгилаш дейилади[3].

«Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак»[4], деган эди Ислом Каримов.

Республика Президенти таълим-тарбия соҳасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб, уни қуйидагича таърифлайди: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади»[5].

Президентимиз иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида жамиятимиз тараққиётининг яқин келажагидаги мақсад ва вазифаларини кўрсатади. У ўз нутқида жамият ривожининг етти асосий йўналишини бирма-бир тавсиялаб, уларнинг истиқболга қаратилган мақсад ва вазифаларини белгилаб берди. Долзарб масалалар ичида устувор йўналишлар қаторига сиёсат, давлат қурилиши ва иқтисодиёт соҳаларидан кейин таълим-тарбияни қўйди ва унинг мақсади ҳамда унга етишиши чора-тадбирларини белгилаб берди. Таълим соҳасидаги биринчи масала қилиб «…миллий қадриятларимизни тиклаш,

---

[2] Аристотель. Политика. -М.: 1911. С.330.
[3] Бўри Эшмуҳаммедов. Илм ҳикмати. –Т.: Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1999, 12-бет.
[4] Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. –Т., «Ўзбекистон», 1999. 4-бет.
[5] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». –Т., «Ўзбекистон», 1992. 78-бет.

ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг, маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир»[6] - деди. Президентимизнинг Ушбу кўрсатмалари ижтимоий соҳада фаолият кўрсатаётганларга, шу жумладан таълим-тарбия билан шуғулланувчиларга ҳам, умумий методологик асос вазифасини ўтайди.

Маъсулиятли ва мураккаб бу вазифа, давлатнинг бошқа тадбирлари қаторида, Республика Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш орқали бажарилади. Бу дастурнинг таркибий қисми сифатида таълимнинг янги модели яратилди.

Президент томонидан илмий асослаб берилган таълим-тарбия моделини амалиётга татбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Шу боисдан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «Ўқув-тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юқори савияга эга бўлган мутахассислар тайёрлашдир. Ушбу мураккаб муаммоларни ечимини топиб уларни амалда кенг қўллаш олий таълим тизими ходимлари олдига жуда катта вазифалар белгилайди. Бунда аниқ вазифалар сифатида бевосита ўқув жараёнини яхшилаш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини амалга жорий қилиш, техник воситаларидан кенг фойдаланиш ва шу асосда масофадан ўқитишни кенг жорий қилишдан иборатдир.

Таълим сифати ва усулига қараб билим ҳосил бўлади. Бу ўқитувчининг маҳоратинигина эмас, балки тингловчининг истак-хоҳиши, қобилияти ва билим даражасини ҳам белгилайди. Таълим узоқ давом этадиган жараёндир. Билим эса таълимнинг узлуксизлиги воситасида бериладиган мавҳум тушунчага эга бўлган ҳодисадир. Билим хусусийликка эга бўлса, таълим умумийликка эгадир. Таълим барча учун бир хилда давом этадиган жараён. Билим объектив борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг инъикоси натижасида инсон миясидаги мушоҳадалар ва тасаввурлар натижасида ҳосил бўладиган тушунчалар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Таълимдаги сифат уни беришда иштирок этадиган кишилар сифати билан белгиланса, билим индивидualликка эга бўлади. Таълимни амалга оширадиган ёки дарс берадиган кишиларнинг савияси

---

[6] Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз». –Т., «Ўзбекистон», 2000.

турлича бўлиши мумкин. Лекин гуруҳдаги талабаларга бериладиган таълим бир хилдир. Ўқитувчи билим эмас, балки таълим беради. Талаба эса ана шу таълим жараёнида билимга эга бўлади. Бунинг учун у мустақил ўқийди, тайёрланади, мушоҳада қилади, тасаввурларга эга бўлади, эшитганлари ва ўқитганларини синтез қилади. Натижада билимга эга бўлади.

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка ундаш, эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди.

Айтилганлардан келиб чиқган ҳолда «Шахс ва жамият» фани бўйича таълим технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндошувларни келтирамиз:

***Шахсга йўналтирилган таълим.*** Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиқган ҳолда ёндошилишни назарда тутади.

***Тизимли ёндошув.*** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жарённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

***Фаолиятга йўналтирилган ёндошув.*** Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жарёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

***Диалогик ёндошув.*** Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларнинг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

***Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.*** Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

***Муаммоли таълим.*** Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан

бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

***Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш*** – янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

***Ўқитишнинг усуллари ва техникаси.*** Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар ва лойиҳалар усулларии, амалий ишлаш усули.

***Ўқитишни ташкил этиш шакллари***: диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асоланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

***Ўқитиш воситалари*** ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

***Коммуникация усуллари:*** тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

***Тескари алоқа усуллари ва воситалари***: кузатиш, блиц-сўров, оралиқ ва жорий ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

***Бошқариш усуллари ва воситалари***: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

***Мониторинг ва баҳолаш***: ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

# МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

| | |
|---|---|
| **1-дарс** | **“ШАХС ВА ЖАМИЯТ” ПРЕДМЕТИНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА БОШҚА ФАНЛАР ОРАСИДА ТУТГАН ЎРНИ. ИНСОН-БИОИЖТИМОИЙ МАВЖУДОТ** |

## 1. Дарснинг таълим технологияси

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Кириш-тематик мавзу бўйича ақлий ҳужум ва блиц-сўров техникаларидан фойдаланилган назарий машғулот |
| *Мавзу режаси* | 1. Дунёни илмий билиш масаласи. “Шахс ва жамият” предметининг мазмуни ва унинг бошқа фанлар орасида тутган ўрни.<br>2. Жамият тараққиётига формациявий ва цивилизациявий ёндашувлвр.<br>3. Инсонда биофизик ва ижтимоий томонларнинг ўзаро нисбати. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида.<br>4. Шахснинг таркиб топишига таъсир кўрсатувчи омиллар. Жамият ҳаётида инсоннинг ўрни.<br>5. Ватанпарвар, фидойи ва баркамол шахсларни тарбиялаш масалалари. |
| *Дарснинг мақсади:* Ўқув машғулотининг мақсади, “Шахс ва жамият” фани тўғрисида яхлит тасаввурни шакллантириш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Инсон ва жамия тўғрисидаги билимлар тизимида ушбу фаннинг ўзига хос ўрни билан таништиради. | Жамиятшунослик билимлари соҳасида фанлар интеграцияси ва дифференциациясини изоҳлаб берадилар. |
| Жамиятни тушунтиришга формациявий ва цивилиза-циявий ёндашувларнинг аҳа-миятини тушунтиради. | Ижтимоийлашув жараёнининг асосий босқичларини санаб берадилар. |
| Инсон биологиявийлик, ижтимоийлик ва маънавийлик бирлик эканлигини ёритиб беради. | Инсон табиатнинг бир қисми эканлигини тасвирлаб берадилар. |
| Шахснинг таркиб топишига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақида гапириб беради. | Инсоннинг тафаккури ва унинг маънавий оламини очиб берадилар. |

| | |
|---|---|
| Ватанпарвар, фидойи ва баркамол шахсларни тарбиялашнинг аҳамиятини тушунтиради. | Ватанпарвар, фидойи ва баркамол шахсларни тарбиялаш давр талаби эканлигини тушунтиради. |
| *Ўқитиш усуллари* | Ақлий ҳужум, блиц-сўров, баҳс-мунозара. |
| *Ўқитиш воситалари* | Проектор, визуал материаллар, тарқатма материаллар. |
| *Ўқитиш шакллари* | Жамоавий, фронтал, жуфтликда ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Техник воситалар билан таъминланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида. |

**Дарснинг технологик харитаси**

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (20 минут) | 1.1 Ўқувчи-талабалар билан танишади, ўзи ҳақида маълумлтлар беради. | Тинглайдилар, танишувда фаол қатнашадилар. |
| | 1.2. Дарснинг мавзуси, мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. |
| | 2.1. Билимларни фаоллаштириш учун диққатни жалб қилувчи саволлар беради:<br>1. Инсоннинг “ўзлиги” деганда нимани тушунасиз?<br>2. Инсон, индивид, шахс ва жамият тушунчаларига таъриф беринг.<br>Ўқувчи-талабаларнинг жавоб-ларини тинглаб, умумлаштиради. | Индивидуал равишда ишлайдилар, муҳокама қиладилар ва жавоб берадилар. |
| | 2.2. Экранга визуал материалларни чиқаради (1-илова) ва ушбу фаннинг мақсади, вазифалари, фан нимани ўргатади ва у бошқа фанлар билан қандай боғлиқлигини слайдлар ёрдамида кўрсатиб беради. “Шахс ва жамият” фанининг ўрни ва аҳамияти ҳақида маълумотлар беради. | Слайдларни ўрганадилар, фикр билдирадилар. Саволларга жавоб берадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | 2.3. Экранга “Фаннинг таркиби”ни изоҳловчи слайдни чиқаради, фаннинг мавзулари билан таништиради, уларни қисқача шархлайди. Фан бўйича рейтинг мезонлари, жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари билан таништиради. Асосий адабиётлар рўйхати, ўқувчиларга қўйиладиган талаблар билан таништиради. | Слайдларни ўрганадилар, шарх мобайнида схема, жадвалларни муҳокама қиладилар. Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар. |
| | 2.4. Иккинчи савол, “Жамият тараққиётига формациявий ва цивилизациявий ёндашувларини” “Ақлий ҳужум” техникасидан фойдаланилган ҳолда бошлайди. Ўқувчиларга “Цивилизация деганда нимани ткшунасиз?”,- деб савол билан мурожаат қилади.(2-илова) Фикрларни умумлаштириб, иккинчи масаланинг баёнини бошлайди. | Саволларга жавоб берадилар, тинглайдилар,ёзиб оладилар. |
| | 2.5. Учинчи ва тўртинчи саволларни слайдлар ёрдамида ўқувчиларга тушунтиради. Мавзунинг асосий мазмунига эътиборини қаратади, уларни ёзиб олишни таклиф этади. | Ёзиб оладилар. |
| | 2.7. Бешинчи саволни ёритишдан олдин ўқувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларга жонлантирувчи саволлар билан мурожаат қилади:<br>1. Ватанпарварлик деганда нимани тушунасиз?<br>2. Ўз миллатига садоқатли бўлиш деганда-чи?<br>3. Қандай инсон баркамол шахс бўла олади?<br>Фикрларни умумлаштириб, охирги саволни ёритиб беради ҳамда якуний хулоса чиқаради. | Эркин фикр билдирадилар Саволларга жавоб берадилар. |
| III босқич. Якуний. (10 минут) | 3.1. Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блиц-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради. (3-илова) | Тинглайдилар. Саволларга жавоб берадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | 3.2.Фаол талабаларни баҳолаш мезонлари орқали рағбатлантиради. | Ўзини қизиқтирган саволлар беради. |
| | 3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш бўйича топшириқлар (4-илова) ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тавсия этади. | Эшитадилар.<br>Ёзиб оладилар. |

## **Визуал материаллар**

1.1- Илова
1-слайд

## **“Шахс ва жамият” фанининг таркибий қисмлари**

Биринчи бўлим

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Инсон-вужудга келиши ва моҳияти. | Инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар. | Жамият: тузилиши ва ривожланиш тамойиллари. | Дунё ҳамжамияти: халқаро муносабатлар ва инсонпарварлик тамойиллари. | Инсониятнинг ривожланиш истиқболлари. |

М а в з у л а р

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1.Инсон биоижтимоий мавжудот. 2.Инсоннинг вужудга келиши ва ривожланиши. | 3. Қадимги дунёда ижтимоий фикрлар. 4.Ўрта Осиё мутаффаккирларининг инсон ва жамият ҳақидаги таълимотлари. 5. Европада инсон ва жамиятнинг моҳияти тўғрисидаги ғоялар. | 6. Шахс ва жамият муаммолари ҳақидаги ҳозирги фикрлар ва қарашлар. 7. Жамиятнинг ижтимоий тузилиши. 8. Жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий тузилиши. 9.Инсон ва жамиятнинг маънавий ҳаёти. | 10. Ҳалқаро муносабатлар – жаҳон тараққиётининг кўзгуси. 11.Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимида. 12. Ҳалқаро инсонпарлик ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши. | 13. XXI аср ва жамиятнинг келажаги ҳақидаги прогнозлар. 14.Давримизнинг оламшумул муаммолари ва Ўзбекистоннинг келажаги. |

Иккинчи бўлим

Жамият ва шахс: муносабатлар диалектикаси.

Шахс ва жамият: хаёти ҳаракатлар диалектикаси.

М а в з у л а р

1.Бошпана қидириб.
2.Шахс қадр – қимматига ҳурмат.
3.Ҳимояга муҳтожлар.
4.Болалар – жамиятнинг келажаги.
5.Инсонийлик ва шавқатсизлик – ўзаро муносабатларнинг икки томони.

6. Давлат ва фуқаро мажбуриятлари.
7. Анъаналар ва ўзаро ёрдамнинг жамият ҳаётидаги ўрни.
8. Шахснинг ҳатти – ҳаракатлари ва маъсуляти.

## Баҳолаш мезонлари

2 – слайд

Баҳолаш мезонлари:

Ўқувчиларнинг дарсларда ижтимоий масалалар, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти, унинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва роли, инсоннинг ички дунёси ва маьнавий эҳтиёжлари ҳақида мустақил ҳулоса чиқаришлари ўсиб келаётган ёш авлодни умуминсоний қадриятлар, маданий – тарихий анъаналар асосида маънавий – ахлоқий тарбиялаш вазифаларини ечиш имконини беради.

Жорий назорат
1. Ўқувчининг машғулотдаги фаоллиги.
2. Уйга вазифани бажариши.
3. Мустақил иш.
4. Реферат.
5. . . .

Оралиқ назорат
1. Тест.
2. Ёзма иш.

Якуний назорат
1. Оғзаки назорат

3 – слайд




4 – слайд



5 – слайд

| Жамият тушунчасининг мазмуни |
|---|

| Кенг маънода | Тор маънода |
|---|---|
| Моддий дунёнинг табиатдан ажралиб чиққан ҳамда одамлар ўртасида ҳаёт фаолияти жараёнида шаклланадиган муносабатларнинг тарихий ривожланувчи қисми. | 1. Инсоният тарихининг муайян бир босқичи.<br>2. Алоҳида олинган конкрет жамият. |

6 – слайд




7 – слайд



8 – слайд

## Цивилизацияларнинг типлари

**Космоген** — Тарихан биринчи тип, курол техникаси ва қўл технологиясига асосланган, жамиятнинг табиат кучларига кўп даражада боғлиқлиги билан характерланган.

**Техноген ёки индуст-риал** — Объекти машина техникаси, илм-фаннинг кенг ривожланиши ва бевосита ишлаб чиқарувчи кучга акйланиши, ёлланма меҳнат, бозор муносабатлари, юқори даражадаги касб маданияти.

**Антропо-ген** — Моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий негизи ўзгаради, ахборот технологиялари,фаол қўлланилади ва бу ижтимоий тузилишдаги туб ўзгаришларга олиб келади.

9 – слайд

## Н. Ю. Данилевский цивилизацияларни хронологик кетма – кетликда қўйидаги тартибда жойлаштиради

1.Мисрликлар цивилизацияси

2.Хитой цивилизацияси

3.Оссурия-бобил, холдей цивилизацияси

4. Ҳинд цивилизацияси

5. Эрон цивилизацияси

6. Яхудий цивилизацияси

7. Юнон цивилизацияси

8. Рим цивилизацияси

9. Араб цивилизацияси

10. Европа цивилизацияси

10-слайд

О. Тоффер жамият тараққиёти унинг бошланишидан то ниҳоясигача уч босқични босиб ўтади деб ҳисоблайди

- Анъанавий жамият
- Индустриал жамият
- Ахборотлашган жамият

11-слайд

Ўзбекистоннинг баъзи олимлари фикрича, кишилик тарихи ўз тараққиёт йўлида беш марта цивилизациявий юксалишларни бошидан кечирган

Қадимги Шарқ цивилизацияси (мил. авв.) уч минг йиллик охирларида Хуросонга-мил. авв. икки минг йил. бошларида Мовороуннахрга ёйилди

Антик давр цивилизацияси (Македониялик Александрнинг Қадимги Шарққа томон ҳарбий юришдан сўнг Ўрта Осиёга кириб келди

9-13 асрларда юз берган Мовороуннахр, Хуросон, Яқин Шарқ, Андалусия (Испания) цивилизациялари

14-15 асрлардаги Европа ва Осиё уйғониш даври

Бутун жаҳонни қамраб олган 20-аср цивилизацияси

12-слайд

Ҳайвонот ва инсонни бир-биридан ажратиб турадиган асосий белгилар

- Меҳнат
- Тил
- Тафаккур

13-слайд

Инсон ижтимой мавжудот сифатида




14-слайд

***Индивид*** - биоижтимоий мавжудот сифатида алоҳида бир инсонни ажратиб кўрсатади, яъни уни одам турининг алоҳида вакили сифатида акс эттирилади.

***Индивидуаллик*** - инсоннинг ўзига хос жиҳатларини, уни бошқалардан ажратиб турувчи, фақатгина ана шу инсонга мавжуд бўлган хусусиятларни, ноёб хислатларни билдиради.

***Шахс*** - ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлган индивид сифатида ижтимоий муносабатлар тизимига кирган инсондаги эмоционал, иродавий, ахлоқий, эстетик, ижтимоий ва шу каби хусусиятларнинг бир бутунлиги, яхлитлиги.

15-слайд



16-слайд

Жамият –кишиларнинг турли муносабатлари ва ўзаро таъсирлари тизимидан иборат

Ижтимоийлашув жараёни туфайли ўзининг жамиятдаги муайян ижтимоий роли ёки ижтимоий мақомига эга бўлишни ёхуд уларни ўзгартириш орқали шахс ўзини жамиятда намоён қилади

Кишининг ўз жинси, ёши, мутахасислиги , келиб чиқиши, қариндошлик алоқалари, оилавий аҳволи, оладиган даромадининг даражасига кўра жамиятда тутган ўрнига унинг ижтимоий мақоми дейилади.

1.2-Илова

***«Ақлий ҳужум» техникасининг асосий қоидалари:***

- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;
- «ҳужум»ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

1.3-Илова

**Мавзуни мустаҳкамлашга қаратилган**
**«Блиц-сўров» саволлари**

| № | Саволлар | Жавоблар |
|---|---|---|
| 1. | Дунёга келган пайтда инсон жамиятда мавжуд бўлган муайян алоқадорликлар ва муносабатлар тизимига тушуши ва унга сингиб кетиши | Ижтимоийлашув деб аталади |
| 2. | Локал маданиятлар ривожланишидаги муайян босқич | Цивилизация |
| 3. | Ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлган индивид сифатида ижтимоий муносабатлар тизимигка кирган инсондаги эмоционал, иродавий, ахлоқий, эстетик, ижтимоий ва шу каби хусусиятларнинг бир бутунлиги, яхлитлиги | Шахс деб аталади |
| 4. | Кишиларнинг турли муносабатлари ва ўзаро таъсирлари тизими | Жамиятдир |

1.4-Илова

**Такрорлаш учун саволлар**

1. Оламни ўрганувчи фанлар қандай йўналишларга бўлинади?
2. Ижтимоий фанларда рўй берувчи дифференциацияга оид мисолларни айтиб бера оласизми? Ижтимоий фанлар интеграциясига оид мисолларничи?
3. "Шахс ва жамият" фани ривожига кучли таъсир кўрсатувчи қайси фанларни кўрсата оласиз?
4. Жамият тараққиётига формациявий ёндошув нимани англатади?
5. Ижтимоий тараққиётни цивилизациявий ёндошув қандай тушунтиради?
6. Жамият ҳаётининг қандай соҳалари мавжуд?
7. Инсонни қандай фанлар ўрганади?
8. Инсон ва жониворлар учун умумий бўлган қандай хусусиятлар мавжудми?
9. Инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турувчи қандай хислатларни кўрсатиб бера оласиз?
10. Инсоннинг "ўзлиги"ни қандай таърифлаш мумкин?
11. "Индивид" ва "индивидуаллик" тушунчалари нимани акс эттиради?

| 2-<br>дарс | **ИНСОННИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА КАМОЛОТИ ҲАҚИДАГИ КОНЦЕПЦИЯЛАР** |
|---|---|

## 2. Дарснинг таълим технологияси

| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Мавзу бўйича информацион маълумотга эга бўлган, Т-схема техникасидан фойдаланилган, билимларни чуқурлаш-тириш ва мустаҳкамлашга қаратилган дарс. |
| *Мавзу режаси* | 1. Инсоннинг келиб чиқиши муаммосининг асосланиши масаласига доир.<br>2. Инсон эволюциясига табиатдаги (ташқи) ва психологик (ички) омилларнинг таъсири. |
| *Дарснинг мақсади:* Инсоннинг вужудга келиши ҳамда турлича қарашлар ҳақида ўқувчиларга аниқ билим ва кўникмалар бериш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Антропогенезнинг геологик, биологик, географик, космик, антрологик, ижтимоий асос-лари ва концепцияларини ёритиб беради | Инсоннинг вужудга келиши ҳақидаги турли назарияларни санаб, айтиб беради. |
| Инсоннинг вужудга келишига таъсир кўрсатган омиллар билан таништиради. | Геологик ва психологик омиллар инсоннинг вужудга келишига энг муҳим омиллар эканлигини изоҳлаб беради. |
| *Ўқитиш усуллари* | Т-схема, баҳс-мунозара. |
| *Ўқитиш воситалари* | Проектор, визуал материаллар, тарқатма материаллар. |
| *Ўқитиш шакллари* | Жамоавий, фронтал, жуфтликда ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Техник воситалар билан таъминланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида. |

## Дарснинг технологик харитаси

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (20 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини ўтказиш учун ўқувчиларнинг тайёргарлигини назоратдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўрадилар |
| | 1.2. Ўтилган мавзунинг таянч иборалари асосида блиц-сўров ўтказади. Қуйидаги тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади: инсон, индивид, шахс, шахснинг таркиб топишига таъсир этувчи омиллар, тафаккур, маънаият, ахлоқ, қадриятлар ва буюк шахс мақоми. | Блиц-сўровда фаол иштирок этадилар |
| | 1.3.Ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириб, фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали баҳолайди. | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. |
| II босқич. Асосий (60 минут) | 2.1. Янги мавзуни эълон қилади. Мавзунинг режаси, таянч ибора ва тушунчаларига изоҳ беради . Ҳар бир ўқувчига мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади. | Диққат билан тинг-лаб, мавзуни ёзиб оладилар.Тарқатма материаллардан фойдаланадилар. |
| | 2.2. Ўқув машғулотининг биринчи саволини визуал материаллар ёрдамида ёритиб беради. (1-илова) | Слайдлар ёрдамида янги мавзуни ўрганади. |
| | 2.3. Ўқувчилар қай даражада биринчи саволни ўзлаштир-ганлигини аниқлаш мақсадида саволлар билан мурожаат қилади:<br>1. Ҳаёт ерда қандай пайдо бўлган?<br>2. Инсонни вужудга келиши ҳақида нималар дея оласиз? | Саволларга жавоб берадилар. |
| | 2.4. Инсон эволюциясига табиатдаги ва психологик омилларни мисоллар ёрдамида тушунтиради. Иккинчи саволни умумлаштириш мақсадида ўқувчиларга “Т-схема” жадвалини тўлдиришни талаб қилади. (2-илова) | Тинглайдилар. Жадвални мустақил тўлдирадилар. |
| | 3.1. Мавзу бўйича якун чиқаради, | Тинглайдилар. |

| | | |
|---|---|---|
| III босқич. Якуний. (10 минут) | фаол талабаларни баҳолаш мезонлари орқали рағбатлантиради. | Саволларга жавоб берадилар. |
| | 3.2. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш бўйича топшириқлар беради. (3-илова) | Эшитадилар. Ёзиб оладилар. |

## Визуал материаллар

2.1-Илова

1-слайд

| |
|---|
| ***Антропогенез*** – инсоннинг вужудга келиши ҳақидаги масаладир. Бунда грекча “antropos” ибораси-инсон, грекча “ genesis” ибораси – илдизлар деган маънони англатади. |

| |
|---|
| ***Антропосоциогенез*** - инсон ва жамиятнинг вужудга келиши, шаклланиши муаммолари дейилади. |

2-слайд

| Инсоннинг вужудга келиши, борлиқнинг юзага келиши ва ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши масаласи билан боғлиқ бўлган концепциялар | |
|---|---|
| Физик-химик эволюция концепцияси | Мазкур концепция ҳозирги давр табиий-илмий ва ижтимоий билимлар соҳасида энг кенг тарқалган концепция ҳисобланади. Унинг илмий асосларини И.Кант (1724-1804) ва П. Лапласнинг (1749-1824) қуёш системасининг вужудга келиши тўғрисидаги космогоник гипотезалари, инглиз олими Чарлиз Дарвиннинг (1809-1882) 1871-йилда “Инсоннинг вужудга келиши ва жинсий танланиш” асарида олға сурилган гипотезалари, академик А.И. Орариннинг (1894-1980) 1922-йили “Ҳаётнинг вужудга келиши” асарида олға сурган “коосерват моддалар” ғояси ва биология фанларининг ютуқлари ташкил қилади. |
| Креатцонизм концепцияси | Дунёнинг ва инсоннинг вужудга келиши ҳақида мавжуд дунёвий ва миллий динлар ўзига хос қарашларини ишлаб чиқишган. Бу концепцияга кўра, ҳаёт ўтмишга юз берган ғайритабиий воқеа натижасида вужудга келган. |

| | |
|---|---|
| Ўз-ўзидан вужудга келиш концепцияси | Бу онцепция нотарик жисмлардан ҳаётнинг пайдо бўлиши мумкинлиги ҳақида бўлиб, креатсионизмга муқобил концепция сифатида Қадимги Миср, Бобил ва Хитойда тарқалган эди. |
| Доимий (стационар) ҳолатли концепцияси | Бу концепцияга мувофиқ Ер ҳеч қачон пайдо бўлган эмас, у доимо мавжуд бўлган , у ҳамма вақт ҳаёт учун мос бўлиб, жуда кам даражада ўзгарган.Ердаги ҳаёт турғун, доимий ҳолатдадир. |
| Панспермия концепцияси | Бу концепция ўз эътиборини ҳаётнинг пайдо бўлиши масаласига қаратмайди, балки унинг тўсатдан вужудга келиши ҳақида фикр юритади. Ҳаёт турли даврларда ва Коинотнинг ёки Галлактиканинг турли қисмларида бир ёки бир неча марта вужудга келган бўлиши мумкин. |

3-слайд



2.2-Илова

## «Т - схема» техникаси

- бу технология мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган; бунда уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, бир ғоянинг икки томони, фойда ва зарарлари;

- танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлаш муваффақияти ривожлантиришига ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имкон яратади;

- маъруза якунида қўлланилади;

Т-схема қонун-қоидалари билан танишиб чиқади.
Якка таркибда ёки жуфт-жуфт бўлиб Т-схемани тўлдиради

Ўз ғояларини ёзма равишда ўнг ва чап тарафларида ёзиб чиқадилар. Ғоялар қарама-қарши бўлиши мумкин.

Схемадаги ғоялар таққосланиши ва якка тартибда, жуфт-жуфт ҳолда ёки кичик гуруҳларда тўлдирилиши мумкин.

Ҳар бир тингловчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин.

### Т-схема жадвали

| Инсоннинг вужудга келишига таъсир кўрсатган геологик омиллар | Инсоннин вужудга келишига таъсир кўрсатган психологик омиллар |
|---|---|
| | |

2.3-Илова

**Такрорлаш учун саволлар:**

1. "Антропогенез" ва "социогенез" иборалари нимани англатади?

2. "Концепция" иборасининг мазмунини тушунтириб беринг. Инсоннинг вужудга келиши ҳақида қандай концепциялар мавжуд?

3. Инсон пайдо бўлишининг физик-химик концепцияси қандай асосларга суянади? Унинг асосий вакиллари кимлар?

4. Инсон пайдо бўлишида меҳнат ва нутқнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эгалиги ҳақидаги фикрга қандай баҳо берасиз?

5. Академик А.И.Опариннинг ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фикрига қандай қарайсиз?

6. Инсоннинг яратилиши ҳақидаги диний қарашларда қандай асослар мавжуд?

7. В.И.Вернадскийнинг ҳаётнинг вужудга келишига оид мулоҳазалари ҳақида қандай фикрдасиз?

8. Ҳаётнинг абадийлиги ва доимийлиги ҳақидаги концепцияда жон борми?

9. Антропогенезга таъсир кўрсатган космик ва геологик омиллар ҳақида нималар дея оласиз?

| 3-дарс | ҚАДИМГИ ДУНЁДА ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАР |
|---|---|

## 3. Дарснинг таълим технологияси

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Мавзу бўйича информацион – кўргазмали маъруза. |
| *Мавзу режаси* | 1. Қадимги Миср ва Месопотамияда инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар.<br>2. Қадимги Ҳиндистон ва Қадимги Хитойдаги ижтимоий фикрлар.<br>3. Қадимги Греция ва Қадимги Римдаги ижтимоий фикрлар. |
| *Дарснинг мақсади:* Шарқ ва Ғарб мамлакатларида тарқалган асотирий (афсонавий), диний, дунёвий ҳамда фалсафий назарияларда инсон ва ижтимоий тузум масалалари бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Қадимги Миср ва Месопотамияда инсон ва жамият ҳақидаги қарашларни очиб беради. | Қадимги Миср ва Месопотамияда инсон ва жамият ҳақидаги қарашларни айтиб бера олади. |
| Қадимги Ҳиндистон ва Қадимги Хитойдаги ижтимоий қарашларни ёритиб беради. | Қадимги Ҳиндистон ва Қадимги Хитойдаги инсон ва жамият ҳақидаги қарашларни айтиб бера олади. |
| Қадимги Греция ва Қадимги Римдаги ижтимоий фикрлар билан таништиради. | Қадимги Греция ва Қадимги Римдаги ижтимоий фикрларни изоҳлаб беради. |
| *Ўқитиш усуллари* | Кичик гуруҳларда ишлаш, Веер теҳнологияси, Ажурли арра методи. |
| *Ўқитиш воситалари* | Лазерли проектор, визуал материаллар, тарқатма материаллар. |
| *Ўқитиш шакллари* | Жамоавий, фронтал, жуфтликда ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Техник воситалар билан таъминланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз – ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида баҳолаш. |

**Дарснинг технологик харитаси**

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (20 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини ўтказиш учун ўқувчиларнинг тайёргарлигини назоратдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўради. |
| | 1.2. “Веер” теҳнологиясидан фойдаланилган ҳолда ўқувчиларга қуйидагича савол билан мурожаат қилади. (1–илова)<br>-“Инсоният вужудга келиши ҳақидаги диний ва дунёвий назарияларни таққосланг?” | Мустақил топшириқ устида ишлайди. |
| | 1.3. Ўқувчиларни 3 та кичик гуруҳларга бўлади. Машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради. (2- илова) | Интерфаол усул-лардан фойдала-нилган ҳолда кичик гуруҳларга бўлинади. |
| | 1.4. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради. Жавобларни тинглайди, умумлаш-тиради. Топшириқларнинг бажари-лишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Ғолибларни аниқлайди. Фаол талабаларни рағбатлантиради. | Жамоа бўлиб, бажа-рилган ишнинг тақ-димотини ўтказади-лар, баҳс – мунозара юритадилар, қўшим-чалар қиладилар, ҳулоса чиқарадилар ва баҳолайдилар. |
| II босқич. Асосий (60 минут) | 2.1. Янги мавзуни эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва вазифаларини тушунтиради. Мавзу бўйича режа ва таянч ибораларни илова қилади. (3 – илова) | Тинглайдилар,ёзиб оладилар. |
| | 2.2. “Ажурли арра” услубидан фойдаланилган ҳолда ўқувчиларга тарқатма материаллар беради.<br>(4 – илова) | Топшириқлар устида ишлайдилар. |
| | 2.3. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради ва қуйидагича тавсияларни илова қилишади:<br>а) берилган материалларни қунт билан ўрганинг ва муҳокама қилинг; | Матн ва топшириқларни ўзлаштиришга киришадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | б) бир – бирингиздан сўранг ва ўқув материалларни ҳар бирингиз тушуниб олганингизга ишонч ҳосил қилинг;<br>в) ўз жамоангизга қайтиш зарурия-тини ҳисобга олиб, материалнинг муҳим ўқув эътиборни қаратинг; | |
| | 2.4. Ҳар бир матн мавзу режаси асосида тузилган бўлиб, ўқувчилар бу саволни қанчалик ўрганганлиги-ни текшириш мақсадида блиц-сўров ўтказади. | Савол – жавобларга фаол қатнашади. |
| | 2.5. Ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириб, визуал-материаллар орқади мавзуни қолиб кетган томонларини ёритиб беради.<br>(5 – илова) | Тинглайдилар. Ёзиб оладилар. |
| III босқич. Якуний. (10 минут) | 3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол талабаларни баҳолаш мезонлари орқали рағбатлантиради. | Эшитади. |
| | 3.2. Инсерт услубидан фойдаланил-ган ҳолда 1 – баҳс дарсини ўқиб келишни ҳамда саволларга жавоб беришни уйга вазифа қилиб беради. (6 – илова) | Эшитади. Аниқлайди, ёзиб олади. |

3.1-Илова

## “Веер” технологияси

Бу технология мураккаб, кўптармоқли, мамакин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.Техниканинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади.Айни пайтда уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади.

3.2-Илова

## Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

| Гуруҳлар | Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл | Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл | Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл | Жами балл |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

“5”- аъло
“4”- яхши
“3”- қониқарли

3.3- Илова

## Таянч ибора ва тушунчалар

| | |
|---|---|
| 1. Қадимги Шарқ (Миср, Шумер ва Вавилон) цивилизациялари. | 8. «Маҳобҳорат». |
| 2. Асотирлар. | 9. «Рамаяна». |
| 3. Ведалар. | 10. Чорваклар. |
| 4. Ҳинд эпослари. | 11. Брахманизм ҳиндуизм мактаблари. |
| 5. Даосизм. | 12. Моизм. |
| 6. Конфуцийчилик | 13. Билимларнинг системалаштирилиши. |
| 7.Қадимги грек файласуфларининг дунёқараши. | 14. Қадимги рим файласуфларининг дунёқараши. |

3.4-Илова

**«Ажурли арра» қоидалари**

1. Топшириқни бўлиш: Топшириқ ва матнни бир неча асосий қисмларга қирқилади.
2. Биринчи гуруҳлар: ҳар бир гуруҳ аъзолари қирқилган мавзуни оладилар ва экспертга айланадилар.
3. Эксперт гуруҳлар: Қўлида бир мавзуга оид ўқув топшириқлари мавжуд бўлган талабалар мавзуни муҳокама қилиш, бошқаларга ўргатиш режасини эгаллаш учун эксперт гуруҳга бирлашадилар.
4. Бирламчи гуруҳлар: Талабалар ўзларининг бирламчи гуруҳларига қайтадилар ва эксперт гуруҳларда ўрганганларини ўқитишади.



## **Визуал материаллар**

3.5-Илова

1-слайд

**Қадимги Миср ва Месопотамияда инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар**

**Қадимги Миср** — Қадимги Мисрдаги кишиларнинг дунё, жамият, инсон ва инсоний муносабатлар ҳақидаги қарашлар-ини милоддан олдинги III – II минг йилликларда ушбу халқнинг афсоналарида, Плутархнинг "Исида ва Осирис ҳақида" асарида, Геродотнинг "Тарих" асарида учратамиз.

**Месопотамия** — Шумер, Аккад, Аморий, Вавилон, Ассирий қулдорлик давлатида ҳам мавжуд ижтимоий муносабатлар худоларнинг иродаси сифатида тушунтирилган ва уларни ўзгартириш инсонларнинг қўлидан келмаслиги ўқтирилган. Унинг ёрқин ифодаси "Хўжайиннинг қул билан суҳбати" номли фалсафий асарда ўз ифодасини топган.

2-слайд

**Қадимги Ҳиндистон ва Қадимги Хитойдаги ижтимоий фикрлар**

**Қадимги Ҳиндистон** — Қадимги ёзма ёдгорликлар ҳинд жамияти ҳаёти тўғрисидаги дастлабки ахборот манбаи ҳисобланади. Мил. авв. 1500 – 600 йилларда яратилган Ведалар, кейинроқ ёзилган Упанишадлар, ҳинд эпослари "Маҳобҳорат", "Рамаяна" киради.

3-слайд

***Буддизмнинг*** асосчиси (тахминан э.о. 583-483 йилларда яшаган) Сиддхартха Гаутама ҳисобланади. У 29 ёшида уйини ташлаб кетади ва бир неча йиллик саргардонлик ҳаётидан сўнг унда ҳаётнинг моҳиятини тушуниш даражасига эришади. У кейинчалик Будда *(Ўйғонган)* номини олади. Унинг таълимоти марказида тўрт ҳақиқат ғояси ётади. Унга мувофиқ инсоннинг мавжудлиги *азоб-уқубат чекиш* билан чамбарчас боғланган.

Биринчи ҳақиқат

Туғилиш, касалликлар, қарилик, ўлим, яхшилик ва ёмонликка дучор бўлиш, истакларга эришишнинг қийинчилиги – буларнинг барчаси азоб-уқубат чекишга олиб келади

Иккинчи ҳақиқат

Азоб-уқубатларнинг сабаби хурсандчилик ва орзуга эришишга *чанқоқликдир*

Учинчи ҳақиқат

Азоб-уқубат сабабларини йўқотишга уларга эришишга чанқоқликни йўқотиш орқали содир бўлади

Тўртинчи ҳақиқат

Азоб-уқубатларни йўқотишга саккиз пиллапояни босиб ўтиш билан эришилади – тўғри фикрлаш, тўғри ечим, тўғри нутқ, тўғри ҳаёт, тўғри интилиш, тўғри эътибор. Бунда ҳиссий ҳузур-ҳаловатга асосланган ҳаёт кечириш ҳам, шунингдек, зоҳидларча бефарқлик ва ўз-ўзини қийнашга асосланган ҳаёт ҳам рад этилади

4-слайд

***Конфуций*** фикрича қуйидаги икки сифатга эга бўлиши лозим: инсонийлик ва бурч (инсоф) ҳисси. Инсонийлик Конфуций томонидан жуда кенг тушунилган ва унда қуйидаги сифатлар акс этиши айтилади: оддийлик, адолатлилик, вазминлик, яхши хислатлилик, беғаразлик, инсонни севиш ва ҳ.к. Инсонийлик (жэнь) – олий, деярли эришиб бўлмайдиган идеалдир, у барча конкрет етуклик, такомилликларнинг йиғиндиси бўлиб унга фақат ўтмишда яшаганлар эришгандилар.

5-слайд

Қадимги Греция ва қадимги Римдаги ижтимоий фикрлар

**Гераклитнинг** фикрича, барча нарсаларнинг ибтидоси оловдир. *"Дунёни худолардан ҳам инсонлардан ҳам ҳеч ким яратмаган, у доимо гоҳ алангаланиб турувчи, гоҳ ўчаётган олов бўлган, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади"*.

6-слайд

**Демокрит** атомистик таълимот асосчиларидан бири. Унинг фикрича дастлабки кишилар сув ва балчиқдан пайдо бўлган. Кишилар чувалчангга ўхшаб, ҳеч қандай илоҳий кучсиз, ердан пайдо бўлишган. ҳатто инсоннинг жони ҳам думалоқ, тез ҳаракатчан, майда зарра (атом) лардан тузилган. Жон тана билан бирга ўлади. Худолар ҳам инсонлар каби атомлардан тузилган, улар ҳам инсонлар каби ўткинчидир, фақат улар узоқроқ яшайдилар.

7-слайд

**Платоннинг** фикрича моддий дунё ғоялар, идеялар дунёсининг соясидир. Шунинг учун дунёдаги барча нарса ва ҳодисалар ўткинчи, улар дунёга келади, ўзгаради ва таназзулга юз тутади. Ғоялар эса доимий, ўзгармас ва абадийдир

8-слайд

**Аристотельнинг** мактабини кўпинча *перипатетиклар мактаби* деб ҳам аташади (перипатео – сайр қиламан), чунки у ўз ғояларини шогирдлари билан сайр қилиш жараёнида муҳокама қиларди. Аристотель антик даврдаги билимларнинг илк илмий тизимини яратган мутафаккирдир.

Унинг фикрича инсон *ижтимоий мавжудотдир.* Давлат жамоалар иттифоқининг ривожланган шаклидир, жамоа эса – ривожланган оиладир.

9-слайд

**Марк Туллий Цицерон -** машҳур сиёсатшунос ва нотиқ. Ўзининг ижтимоий қарашларида Цицерон Рим жамияти юқори қатламларининг вакили сифатида энг яхши жамият уч асосий давлат шаклларининг, яъни монархия, аристократия ва демократиянинг ўзаро синтезидан ҳосил бўлади, деб ҳисоблаган. Давлатнинг мақсади, унинг фикрича, фуқаролар учун хавфсизликни ва мулкдан эркин фойдаланишни таъминлашдан иборат.

10-слайд

**Тит Лукреций Кар** грек файласуфлари Демокрит ва Эпикурнинг издоши ва атомистик таълимотнинг давомчисидир. Унинг фикрича, Ер ва бошқа дунёлар табиий сабабларга кўра пайдо бўлишган.

11-слайд

**Сенеканинг** деярли барча асарлари ахлоқий масалаларга бағишланган. "Жаҳл ҳақида", "Бахтли ҳаёт ҳақида", "Бўш вақт ҳақида", "Яхши фазилатлар ҳақида" ва бошқа асарларида Сенека инсон ва инсоний муносабатлар, хислатлар тўғрисидаги фикрларини баён қилади.

12-слайд

**Марк Аврелий** дунё тўхтовсиз ўзгаришда деб ҳисоблайди. Инсон интилишларининг мақсади яхши фазилатларга эришишдир. У инсон ўз фикрларини, ҳатти-ҳаракатини адолатга бўйсундириши лозим деб ҳисоблаган. Аслини олганда Марк Аврелий сўнгги стоик ҳисобланади. Кейинчалик унинг қарашларидаги инсоннинг ўз-ўзини дунёвий ақлга, логосга, худога бўйсундириши лозимлиги ҳақидаги фикрлари кейинчалик христианлик таълимотига бўйсундирилган.

3. 6-Илова

**Такрорлаш учун саволлар:**

1. Қадимги Миср ва Месопотамиядаги ижтимоий фикрлар қандай характерда бўлган?
2. Одамлар орасидаги тенгсизлик Қадимги Ҳиндистон брахманлари томонидан қандай изоҳланган?
3. Буддизмдаги тўрт ҳақиқат ғоясининг мазмунини тушунтириб беринг.
4. Қадимги Хитой дунёқараши бошқа Шарқ мамлакатлари дунёқарашидан нимаси билан фарқланади?
5. Қадимги Греция ва Рим ижтимоий фикри тараққиётига ҳисса қўшган мутафаккирларнинг таълимотлари ва уларнинг тарихий хизматларини тушунтириб беринг.

| 1-<br>баҳс<br>дарси | **БОШПАНА ҚИДИРИБ** |
|---|---|

## 4. Дарснинг таълим технологияси

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган баҳс-мунозарали дарс |
| *Мавзу режаси* | 1. Кишилар ўз уйини ташлаб кетишга мажбур қилувчи ижтимой ва табиий вазиятларнинг таҳлили.<br>2. Турли давр қочоқлкри.<br>3. Қочоқларга ва мамлакат ичида кўчирилган шахсларга ёрдам кўрсатиш зарурлиги масалалари. |
| *Дарснинг мақсади:* Инсонпарварлик ғояларини ўқувчилар онгига сингдириш,ўзаро ёрдам анъаналарига содиқлик руҳини тарбиялаш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Ўз ўйини ташлаб кетишга мажбур бўлган кишилар ҳақида гапириб беради. | Муҳтожлик ва чорасизлик, бошпанадан ва ватандан жудолик ва унинг оқибатларини айтиб бера олади. |
| Турли давр қочоқларини тарихий мисоллар билан ёритиб беради. | Қочоқлар ва кўчирилганларнинг ҳолати турли даврларнинг долзарб муаммоси эканлигини очиб берадилар. |
| Инсонпарварлик – ўзаро ҳамдардликни муҳтожликдаги, заиф, камбағал, чорасиз, касал, бошпанасиз ва шу каби кишиларга нисбатан амалий муносабат орқали акс этишини изоҳлаб беради. | Бошпанасиз қолганларга ёрдам кўрсатиш зарурлигини кўрсатадилар. |
| *Ўқитиш усуллари* | Кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара. |
| *Ўқитиш воситалари* | Проектор, визуал материаллар, тарқатма материаллар. |
| *Ўқитиш шакллари* | Жамоавий, фронтал, жуфтликда ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Техник воситалар билан таъминланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими |

| | |
|---|---|
| | асосида. |

## Дарснинг технологик харитаси

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (15 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини бошлаш учун ўқувчиларнинг тайёргарлигини назоартдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўрадилар. |
| | 1.2. Ўқувчиларни 4 та кичик гуруҳларга бўлади. Машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсатгичлари ва мезонлари билан таништиради. (1,2-илова) | Интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда кичик гуруҳларга бўлинади. |
| | 1.3.Ўтилган мавзуни такрорлаш мақсвдида ҳар бир гуруҳга эксперт қоғозларини тарқатади (3-илова), (ўқувчилар эксперт қоғозларида берилган топшириқларни бажаришлари шарт). | Топшириқ билан танишиб чиқадилар. |
| | 1.4. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради. Жавобларни тинглайди,умумлаштиради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан аниқлаб, ғолибларни белгилайди. Фаол ўқувчиларни рағбатлантиради. (4,5-илова). | Жамоа бўлиб, бажарилган ишнинг тақдимотини ўтказадилар, баҳс-мунозара юритадилар, қўшимчалар қиладилар, хулоса қиладилар ва баҳолайдилар. |
| II босқич. Асосий (55 минут) | 2.1. Янги мавзунинг мавзуси, мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. | Диққат билан тинглаб, мавзуни ёзиб оладилар. |
| | 2.2. Таянч иборалар ва тушунчалар билан таништиради (5-илова). | Тинглайдилар. |
| | 2.3. Режа саволлари буйича мавзу материалларини гапириб беради, визуал материаллардан фойдаланади (6-илова). | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. |
| | 2.4. Режадаги 1- савол буйича, - Сизнинг фикрингизча, | Саволга жавоб берадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | бошпаналарини ташлаб кетган кишилар нима учун халқаро инсонпарварлик ташкилотлари даражасида ҳимоя қилиниши зарур?,- мазмунидаги саволни беради. | |
| | 2.5. Мавзунинг 2 – саволини ёритишда дарсликдан фойдаланади. Дарсликнинг 201- бетидаги иккита матнни мустақил ўқиб, парчаларда акс эттирилган турли давр қочоқларининг азоб-уқубатларини жисмоний ва руҳий турларга ажратинг,- деб топшириқ беради (7-илова). | Дарсликдаги 201-бетдаги матнни мустақил ўрганиб, жадвални тўлдирадилар. |
| | 2.6. Мавзудаги 3 режани ҳаётий мисоллар билан ёритиб беради. “Ҳа” ёки “Йўқ” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқ беради (8-илова). | “Ҳа” ёки “Йўқ” жадвалини тўлдирадилар. |
| | 2.7. Янги мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларга “Ақлий ҳужум” техникасидан фойдаланган ҳолда “Қочоқлар кимлар?” деган савол билан мурожаат қилади. Жавобларни тинглаб, янги мавзуни хулосалайди. | Эркин фикр билдирадилар.”Ақлий ҳужум”техникасининг саволларини ечадилар. |
| III босқич. Якуний. (10 минут) | 3.1. Фаол гуруҳларни аниқлаб, ўқувчиларни рағбатлантиради. | Тинглайдилар. |
| | 3.2. Мустақил иш учун вазифа беради: Қуролли можаро вақтида кўчирилган одамлар учун лагерни режалаштириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишга ҳаракат қилинг: бу лагерни жойлаштириш режасини ва унга жойлашадига шахсларга кўрсатиладиган асосий хизматлар руйхатини тузинг. | Ёзиб оладилар. |
| | 3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш бўйича топшириқлар ва фойдала-ниладиган адабиётлар тавсия этилади. | Эшитадилар. Ёзиб оладилар. |

4.1 – Илова

***Кичик гуруҳларда ишлаш***

| |
|---|
| • Гуруҳдаги ишни режалаштиради.<br>• Гуруҳ ичида топшириқларни тақсимлайди.<br>• Якка тартибда топшириқларни бажаришади.<br>• Гуруҳ музокарасини ўтказиш қоидаларига асосланиб якка тартибда эришилган натижаларни муҳокама қилишади ва гуруҳ ишининг умумий натижасини шакллантиришади.<br>• Тақдимот учун биргаликда олиб борилган иш натижаларини тайёрлашади.<br>• Ушбу материаллар қисмини бошқалар ҳам ўзлаштирганликларини аниқлаш мақсадида ўзаро текширув саволларини тайёрлашади. |

4.2 - Илова

***Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари.***

| | Баҳолаш мезонлар / кўрсаткичлари | 1 топшир. | 2 топшир | 3 топшир | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Берилган топшириқ тўлиқ ёритилди. (2 балл). | | | | |
| 2. | Мисоллар келтирилди. (1,5 балл) | | | | |
| 3. | Гуруҳ аъзолари фаол қатнашди. (1,5 балл) | | | | |
| Жами | | | | | |

4.3 - Илова

***1 – топшириқ (эксперт қоғозлари)***

1 – гуруҳ.

Қадимги Миср ва Месопотамияда ижтимоий фикрлар қандай бўлган?

1. Қадимги Мисрдаги ижтимоий фикрлар.
2. Қадимги Месопотамиядаги ижтимоий фикрлар.

2 – гуруҳ.

Қадимги Ҳиндистон ва Хитойда тжтимоий фикрлар қандай бўлган?

1. Буддизмнинг тўрт ҳақиқат ғоясининг мазмунини тушунтириб беринг.
2. Хитойдаги ижтимоий фикрлар.

3 – гуруҳ.

Конфуцийнинг ижтимоий қарашларидаги асосий ғоянинг мазмуни нимада?

1. Конфуцийнинг ижтимоий қарашлари.
2. Конфуцийнинг асосий ғояси.

4 – гуруҳ.

Қадимги Греция ва қадимги Римдаги ижтимоий фикрлар қандай бўлган?

1. Гераклит, Демокрит, Платон ва Аристотелларнинг ижтимоий фикрлари.
2. Цицерон, Тир Лукреций Кар, Сенека ва Марк Аврелий Антонийларнинг ижтимоий фикрлари.

4.4 - Илова

***Тақдимот***

- Гуруҳ аъзолари биргаликда бажарган иш натижаларини кўргазмали воситалар ёрдамида тақдимот этадилар.
- Бошқалар ушбу материал қисмини ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида ўзаро текширув саволларини берадилар.

4.5 – Илова

***Асосий тушунча ва иборалар***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Инсоннинг моддий турмуши. | 6. | Қочоқлар. |
| 2. | Шахс. | 7. | Мамлакат ичкарисига кўчирилган шахслар. |
| 3. | Индивидуаллик. | 8. | Оила яхлитлигини сақлаб қолиш. |
| 4. | Ижтимоий фикрлар. | 9. | Инсонпарварлик тушунчалари. |
| 5. | Тарихий жараён. | 10. | Қуролли можаро туфайли кўчирилган кишиларнинг эҳтиёжлари. |

4.6 – Илова

***Визуал материаллар***

1 – слайд

“Инсон борлиғининг асосий хусусияти имкониятларни эркин танлашдир”

Ж.П.Сартр

2 –слайд

**“Қочоқ”** атамаси ирқи, диний эътиқоди, фуқаролиги, муайян ижтимоий гуруҳга мансублиги ёки сиёсий эътиқоди белгиларига кўра таъқиб қурбони бўлишидан асосли равишда хавфсираб,ўзи фуқароси бўлган давлат ташқарисида турган ва бу мамлакат ҳимоясидан фойдалана олмайдиган ёки шундай хавфсираш туфайли бу ёрдамдан фойдаланишни истамаётган шахсни билдиради.

3 –слайд

**Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларация-си** →

1948 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ва инсон ҳуқуқларини ҳалқаро даражада ҳимоя қилишга тааллуқли бўлган биринчи дастурий хужжат.

4 –слайд

**БМТнинг Қочоқ-ларнинг мақоми ҳақидаги конвен-цияси(1951 йил)** →

Қочоқлар учун минимум даражадаги кафолатларни белгилаб берган халқаро шартнома.

5 –слайд

**Ҳалқаро Қизил Хоч Қўмитаси (ҲҚХҚ)** →

1863 йилда жисмоний шахсларни ташаббуси билан тузилган инсонпарварлик ташкилоти. Ташкилотнинг вазифаси урушдан ва мамлакатдаги ички зўравонликлардан азият чекканларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам беришдир.

6 –слайд

**Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Миллий жамиятлари**

→

Инсонпарварлик масалаларида аҳолига ва давлат тузилмаларига ёрдам кўрсатувчи кўнгилли жамоат ташкилотлари. Қуролли низолар пайтида халқаро шартномалар – 1949 йилги Женева конвенциялари ва 1977 йилги уларга қўшимча протоколларга асосан фаолият юритадилар.

7 –слайд

**БМТнинг қочоқлар иши буйича Олий комиссари Бошқармаси (БМТ ҚБОКБ)**

→

БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича махсус ташкилоти. Унга бутун дунёда қочоқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг муаммоларини ечишга ёрдамлашиш буйича халқаро фаолиятни мувофиқлаштириш ҳамда бошқаришга БМТ томонидан ваколат берилган.

4.7 – Илова

**2 – топшириқ.**

**“Шахс ва жамият” ўқув қўлланмасидаги 199 ва 201 бетлардаги матнни ўқиб чиқинг. Матн асосида қўйидаги жадвални тўлдиринг.**

| | Жисмоний азоб – уқубатлар | Руҳий азоб - уқубатлар |
|---|---|---|
| 1 – матн | | |
| 2 – матн | | |

4.8 – Илова

**3 – топшириқ**

| Бошпанасиз қолган оилаларга ёрдам берар эдингизми? | |
|---|---|
| Ҳа (асослаб беринг) | Йўқ (асослаб беринг) |
| | |

| 5-<br>дарс | ЎРТА ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТЛАРИ |
|---|---|

## 5. Дарснинг таълим технологияси

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Конференция – дарс |
| *Конференцияда муҳокама қилинадиган масалалар* | 1. Ўрта Осиёда инсонгача бўлган ижтимоий фикрлар.<br>2. Атоқли илм – фан намоёндалари таълимотида инсон ва жамият масалалари.<br>3. Машҳур дин арбоблари ижодида шахс ва жамият муносабатлари, ижтимоий адолат масалалари.<br>4. Машҳур давлат арбобларининг ижтимий тараққиёт, инсоний муносабатларининг мураккаблиги ҳақидаги фикрлар.<br>5. Туркистон тафаккур аҳлининг ижтимоий қарашларига шахс ва жамият масалалари.<br>6. Жадидчилик намоёндаларининг ижтимоий тараққиёт ҳақидаги фикрлари. |
| *Дарснинг мақсади:* Ўрта Осиё мутафаккирларининг инсон ва жамият ҳақидаги таълимотлари тўғрисида билимларни шакллантириш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Мавзуларни мустақил ўрганиш учун асос яратади. | Конференцияда муҳокама қилинадиган мавзулар билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради. |
| Мавзу бўйича билмларни чуқур ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради. | Манбалар билан ишлашни ўрганади, изланишлар олиб боради. Маърузалар тайёрлайди. Тақдимотини ўтказади. Маълум билим ва кўникмаларга эга бўлади. |
| *Ўқитиш усуллари* | Маъруза – конференсия, мунозара, блиц – сўров. |
| *Ўқитиш воситалари* | Маърузалар тизими, кўргазма материаллар (Маърузачиларнинг слайд-тақдимоти), лазерли проектор. |
| *Ўқитиш шакллари* | Индивидуал, фронтал, жамоавий. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Техник воситалар билан таъминланган |

| | |
|---|---|
| | хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, "5"балли рейтинг тизими асосида. |

**Дарснинг технологик харитаси**

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| Тайёргарлик босқичи | (1) Маърузаларнинг мавзуларини (1-илова) маърузага тайёрланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини беради. | Маърузачилар мавзуни танлайдилар. |
| | (2) Маърузачиларга мавзуларни бириктиришни, тақризчи ва оппонентларни аниқлашни ташкил этади. | Мустақил ҳамкорликда тайёргарлик кўрадилар. |
| | (3) Махрузачиларга танланган мавзу бўйича реферат режасини тузиш вазифасини беради, маслаҳатлар беради, олиб борувчи , тақризчи , экспертлар роли, чиқишларнинг тартиби ва регламенти, баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари билан таништиради. | Маърузa режасини тузадилар. |
| | (4) Ъарча ўқувчиларга маъруза ва қўшимча материаллар билан танишиш, маърузачиларга саволлар тайёрлаш топшириғини беради. | Маъруза ва қўшимча материалалр билан танишадилар.Маъру-зачиларга саволлар тайёрлайдилар. |
| | (5) Маърузачилар билан чиқишнинг таркиби ва усулини муҳокама қилади, маърузага ўзгартиришлар киритади.Слайдлардан фойдала-нишни ўргатади.(2- илова) | Маърузачилар реферат ёзадилар, қўшимчалар киритадилар. Маъруза учун кўргазмали материаллар тайёрлайдилар. |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш. (10 минут) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси , мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини эълон қилади. Олиб борувчини таништиради. | Диққат билан тинг-лайдилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | 1.2. Иш регламентини, мунозара ўтказиш қоидаларини (3-илова), баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари билан таништиради.(4-илова) | Иш регламенти, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш жадвали билан танишадилар, аниқловчи саволлар берадилар. |
| II босқич. Ахборот босқичи. ( 70 мунут) | 2.1.Ўқувчиларнинг тайёрланган маъруза ва хабарлари билан чиқишларини ташкил этади. Диққат билан тинглайди. | Маърузачи чиқиш қилади. |
| | 2.2. Тақризчиларга сўзга чиқишни ва саволлар беришни таклиф этади. | Тақризчи маърузанинг ижобий жиҳатларини, тўлдириш лозим бўлган томонларини айтиб ўтади. |
| | 2.3.Маърузаларни жамоа бўлиб муҳокама қилиш жарёнини ташкил этади:<br>- оппонентларга сўз беради, қўшимча саволлар беришни таклиф қилади;<br>- саволлар беради (5-илова) ;<br>- маърузага аниқлик киритади;<br>- ўқувчиларнинг фикрига эътибор билан қрайди; | Мунозара иштирокчилари жамоавий равишда маърузани муҳокама қиладилар, мунозара юритадилар. |
| | 2.4. Ҳар бир маърузани қисқача умумлаштириш билан якунлайди. | Тинглайдилар. |
| III босқич. Якуний. (10 минут) | 3.1. Ўқув фаолияти натижаларига якун ясайди. Фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. | Тинглайдилар. Саволларга жавоб берадилар. |
| | 3.2. Мустақил иш учун вазифа беради: 213-бетдаги “ Шахс қадр-қимматига ҳурмат” мавзусини ўқиб келиш. | Эшитадилар. Ёзиб оладилар. |

5.1-Илова

**Конфереция – дарсда маъруза қилиш учун мавзулар**

1. Ўрта Осиёда исломгача бўлган ижтимоий фикрлар: зардуштийлик,монийлик, маздакийлик.
2. Ўрта Осиёлик атоқли илм-фан намоёндалари таълимотида инсон ва жамият масалалари.
3. Ўрта Осиёлик машҳур мутасаввуфлар ижодида шахс ва жамоа муносабатлари, ижтимоий адолат масалалари.
4. Ўрта Осиёлик машҳур давлат арбобларининг ижтимоий тараққиёт, инсоний муносабатларнинг мураккаблиги ҳақидаги фикрлари.
5. Туркистон тафаккур аҳлининг ижтимоий қарашларида шахс ва жамият масалалари.
6. Жадидчилик ҳаракати намоёндаларининг ижтимоий тараққиёт ҳақидаги фикрлари

**Визуал материаллар**

5.2-Илова
1-слайд



2-слайд




3-слайд




4-слайд



5-слайд

***Монийлик*** фикрича дунё – зиё ва зулматнинг кураш майдони, инсоннинг вазифаси ёвузликни йўқотиш ва эзгуликка кўмаклашишдир. Моний таълимотига кўра жамият икки тоифа кишилардан – мумтоз зодагонлар (қашшоқликда яшовчи аслзодалар), яъни кам миқдордаги моддий неъматлар билан қаноатланувчи, турмуш қурмайдиган, зоҳидларча яшовчи кишилардан ҳамда меҳнаткаш ва савдогарлар тоифасидан иборат.

6-слайд

***Маздак*** ўз таълимотида одамлар азалдан тенг бўлган, деган ғояни илгари суради. Улар ўртасидаги кескин дунёвий фарқни имкони борича йўқотиш ва қисқартиришни, катта бойларнинг ер ва мол-мулкини тортиб олиб, камбағалларга бўлиб бериш фикрини тарғиб қилди. Улар одамларни худо тенг яратган, шунинг учун улар неъматларни тенг тақсимлаши керак, деган фикрга таяниб баъзиларда кўп тўпланган бойликларни тортиб олиш қонуний, зеро улар ортиқча нарсалардир ва ноқонуний йўл билан тўпланган, деб ҳисоблаганлар.

7-слайд

***Форобийнинг*** инсон ва жамият ҳақидаги фикрлари унинг "Фозил шаҳар аҳолиси" асарида кенг баён қилиб берилган. Унинг фикрича "Ақл ва нафс инсоннинг бошланғичидир... аммо бу бошланғичлар одамзотнинг шу табиий бошланғичлар (яъни моддий борлиқ) таъсири остида камол топиб, инсонга айланиши учун кифоя қилмайди, чунки инсон инсоний камолотга эришуви учун сўзлаш, ишлаш (касб-ҳунар)га муҳтождир".

8-слайд

***Беруний*** фикрича инсон табиат тараққиётининг гултожидир, чунки "инсон тури барча ҳайвонлардан етукроқдир... унга ерни яхшилаш ва унда бошқаришни амалга ошириш учун... тафаккурдек куч ато этилган".

9-слайд

***Ибн Сино*** фикрича жамият ҳаётида никоҳ муносабатлари бирламчи аҳамиятга эга. Давлат бошлиғи энг аввало никоҳ ҳақидаги қонунга аҳамият бериши керак, чунки никоҳ авлоднинг давом этишига, жамият фуқароларининг келажагига бевосита дахлдордир

10-слайд

А***ҳмад Яссавий*** ахлоқ-одобга даъват, ғариблар кўнглига фароғат бағишлаш, айни пайтда нодонлардан қочиш, бу дунёни айшу ишрат дегувчиларни инсофга чақиришда ҳалигача улуғ даъватчилардан бири

| |
|---|
| бўлиб қолмоқда. |

11-слайд

| |
|---|
| ***Нақшбанд*** таълимоти бировлар ҳисобидан яшашни қатъий рад этган, фақат пешона тери, ўз қўл меҳнати билан топилган ризқ-рўзни ҳалол деб ҳисоблаган. Унинг асосий шиори "Дил ба ёру, даст ба кор" ("Дил Оллоҳда, қўл ишда"). |

5.3 – Илова

| |
|---|
| Мунозара иштирокчисига элатма |

1. Мунозара ўзаро муносабатларни аниқлаштириш учун эмас, муаммоларни ҳал этиш усулидир.
2. Бошқалар ҳам фикрини айта олиш учун кўп гапирма.
3. Сенинг фикрларинг мақсадга етиб бориш учун сўзларни ўйлаб гапир, ҳиссиётларингни жиловла.
4. Оппонент фикрини тушунишга интил, уни ҳурмат қил.
5. Оппонент фикрларини бузиб кўрсатмасдан қарши фикр билдир.
6. Фақат мунозара мавзуси бўйича фикр билдир, ўқимишлигингни ва билимдонлигингни кўз-кўз қилма.
7. Ўз чиқишинг билан кимгадир ёқиш ёки кимдандир ўч олишга интилма.

| |
|---|
| Мунозара ўтказишнинг тартиби ва регламенти |

1. Олиб борувчи маъруза мавзусини эълон қилади ва маърузачига сўз беради.
2. Маъруза 8 дақиқагача давом этади.
3. Тақризчи 2 дақиқа сўзлайди.
4. Оппонент мавзу бўйича мулохазаларини 2 дақиқа баён қилади.
5. Жамоавий муҳокама – 5 дақиқа давом этади.

5.4 -Илова

**Бахс-мунозарага қатнашувчиларни баҳолаш мезонлари**

| *Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари* | | *Маърузачиларнинг исми ва шарифи* | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *1* | *2* | *3* | *4* |
| 1. | Маърузанинг мазмуни: (1,5) | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | - мавзуга тўғри келади (0,5) | | | | |
| | - кетма-кет, мантиқан ва аниқ баён этилди (0,5 балл) | | | | |
| | - аниқ хулоса чиқарилди (0,5) | | | | |
| 2. | Маълумотларни тақдим этишда воситалардан фойдаланилди (кўргазма) (0,4) | | | | |
| 3. | Регламентга риоя этди (0,1) | | | | |
| | *Жами:* | | | | |
| *Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари* | | *Тақризчиларнинг исми ва шарифи* | | | |
| | | *1* | *2* | *3* | *4* |
| 1. | Маърузага қўшимча қилади: (0,5). | | | | |
| 2. | Маърузанинг ижобий томонларини кўрсатади (0,6). | | | | |
| 3. | Маърузанинг саёз томонларини кўрсатади (0,6). | | | | |
| 4. | Регламентга риоя этади (0,3). | | | | |
| | *Жами:* | | | | |
| *Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари* | | *Оппонентларнинг исми ва шарифи* | | | |
| | | *1* | *2* | *3* | *4* |
| 1. | Саволлар: | | | | |
| | - миқдори (ҳар бир саволга 0,1 балл) | | | | |
| | - мазмуни (0,3) | | | | |
| 2. | Қўшимчалар қисми (1,0 балл) | | | | |
| | *Жами:* | | | | |

**Муҳокама учун саволлар.** 5.5-Илова

***1-Мавзу.*** Ўрта Осиёда исломгача бўлган ижтимоий фикрлар: зардуштийлик,монийлик, маздакийлик.

1) Зардуштийликда инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар қандай белгиланган?

2) Монийлик ва маздакийлик таълимотида инсон ва жамоа масалалари?

3) Зардуштийлик, монийлик ва маздакийликнинг умумий жиҳатлари нималардан иборат?

***2-Мавзу.*** Ўрта Осиёлик атоқли илм-фан намоёндалари таълимотида инсон ва жамият масалалари.

1) Абу Наср Форобийнинг адолат ҳақидаги фикрларини изоҳлаб беринг?

2) Беруний жамиятнинг вуужулга келиши асосида кишиларнинг моддий эҳтиёжлари ҳақида қандай фикр билдирган?

3) Ибн Сино жамият тузилишидаги иерархияликни қандай тушунтиради?

***3-Мавзу.*** Ўрта Осиёлик машҳур мутасаввуфлар ижодида шахс ва жамоа муносабатлари, ижтимоий адолат масалалари.

1) Тасаввуф таълимоти вакилларининг инсон ҳаёти ва ўзаро муносабатлардаги ахлоқий хислатлар ҳақида қандай фикрлари мавжуд?

2) Машҳур дин арбоблари ижодида шахс ва жамият масалалари қандай ёритилган?

3) Машҳур дин арбоблари ижодида ижтимоий адолат масалаларини таҳлил қилиб беринг?

***4-Мавзу.*** Ўрта Осиёлик машҳур давлат арбобларининг ижтимоий тараққиёт, инсоний муносабатларнинг мураккаблиги ҳақидаги фикрлари.

1) Атоқли давлат арбоболарининг ижтимоий тараққиёт, инсонпарварлик ҳақидаги фикрларини изоҳлаб беринг?

2) А.Темур ўз "Тузуклар"ида давлат ва жамият ҳақида қандай фикрларни илгари суради?

3) Навоий ижодида инсонпарварлик қандай намоён бўлади?

***5-Мавзу.*** Туркистон тафаккур аҳлининг ижтимоий қарашларида шахс ва жамият масалалари.

1) Турди Фароғийнинг ижтимоий тузум ва жамият ҳаёти, инсонларнинг турмуш тарзи ҳақидаги қарашларини изоҳлаб беринг?

2) Увайсийнинг ижтимоий қарашлари қандай бўлган?

3) Маърифатпарварларнинг асосий фикрлари нимадан иборат эди?

***6-Мавзу.*** Жадидчилик ҳаракати намоёндаларининг ижтимоий тараққиёт ҳақидаги фикрлари.

1) Жадидчилик ҳаракати намоёндаларининг ўз ғоялари мезонлари қандай шаклланган?

2) Миллий тикланиш, миллий мустақиллик учун кураш ғояларини таркиб топишида жадидчилик ҳаракати намоёндаларининг ўрни қандай бўлган?

3) Жадидлар ўзбек халқининг XIX аср охирида қолоқлик гирдобига тушиб қолишининг сабабларини қандай изоҳлашган?

| | |
|---|---|
| **2- баҳс дарси** | **ШАХС ҚАДР—ҚИММАТИГА ҲУРМАТ** |

## 6. Дарснинг таълим технологияси

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | “Қандай?” ва “Нимаучун?” техникаларидан фойдаланилган, билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган баҳс-мунозарали дарс. |
| *Мавзу режаси* | 1. Инсон: ким у?<br>2. Инсон ва жамиятга хос идеаллар?<br>3. Ҳимоя қоидаларининг вужудга келиши.<br>4. Қоидаларни қўллаш муаммолари? |
| *Дарснинг мақсади:* Инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳар қандай шароитда ҳам ҳурмат қилиш зарурлиги ғоясини шакллантириш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| “Инсон” тушунчасининг моҳиятини буюк мутафаккирлар таълимоти ёрдамида ёритиб беради. | “Инсон” тушунчасининг моҳиятини изоҳлаб беради. |
| Инсон ва жамиятга хос идеаллар билан таништиради. | Барча одамлар инсоний идеалга интилиши ҳақида айтиб беради. |
| Ҳимоя қоидаларининг вужудга келиш тарихини ёритиб беради. | Ижтимоий қоидаларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамиятини изоҳлаб беради. |
| Қоидаларни қўллаш муаммоларини таҳлил қилиб беради. | Муаммоларга барҳам бериш йўлларига ечим топа олади. |
| *Ўқитиш усуллари* | Кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, “Қандай?” ҳамда “Нима учун?”,”Т-схема” график ташкил қилувчилар. |
| *Ўқитиш воситалари* | Проектор, визуал материаллар, тарқатма материаллар. |
| *Ўқитиш шакллари* | Жамоавий, фронтал, жуфтликда ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Техник воситалар билан таъминланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида. |

## Дарснинг технологик харитаси

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини бошлаш учун ўқувчиларнинг тайёргарлигини назоартдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўрадилар. |
| | 1.2. Ўқувчиларни 4 та кичик гуруҳларга бўлади. Машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсатгичлари ва мезонлари билан таништиради. (1-илова) | Интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда кичик гуруҳларга бўлинади. |
| | 1.3.Ўтилган мавзуни такрорлаш мақсвдида блиц-сўров ўтказади. (2-илова) | Савол-жавобларга фаол қатнашади. |
| | 1.4. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлайди. | Тинглайдилар. |
| II босқич. Асосий (60 минут) | 2.1. Янги мавзунинг мавзуси, мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. | Диққат билан тинглаб, мавзуни ёзиб оладилар. |
| | 2.2. Таянч иборалар ва тушунчалар билан таништиради (3-илова). | Тинглайдилар. |
| | 2.3. Визуал материаллардан фойдаланилган ҳолда янги мавзуни тушунтиради. (4-илова). | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. |
| | 2.4. “Нима учун?” график ташкил этувчисидан фойдаланилган ҳолда талабаларга савол билан мурожаат қилади. (5-илова) | Жамоа бўлиб жадвални тўлдирадилар. |
| | 2.5. Мавзунинг биринчи режасини тўлдириб, иккинчи режадаги инсон ва жамиятга хос идеалларга изоҳ беради. ”Қандай?” график ташкил этувчисидан фойдаланилган ҳолда ўқувчиларга савол билан мурожаат қилади, “ Инсоний муносабатлар идеали” тушунчасига изоҳ беради. (6-илова) | Тинглайдилар, эркин ўз фикрларини билдирадилар. |
| | 2.6. Ўқувчи – талабаларни фаоллаштириш мақсадида, саволлар билан мурожаат қилади:<br>1) Сиз яна қандай ҳатти-ҳаракат қоидаларини умумэътироф этилган қоидалар туркумига киритган | Саволларга жавоб берадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | бўлардингиз?<br>2) Бу қоидалар ҳар қандай инсоннинг ор-номусини қадрлаш билан қай тариқа боғланган?<br>3) Атрофдагиларнинг ор-номусини қадрлаш билан боғлиқ бўлган қандай урф-одатларни айтиб бера оласиз? | |
| | 2.7. Жавобларни умумлаштириб, ҳар бир гуруҳга топшириқлар беради. (7-илова). Топшириқларни бажа-рилишига ёрдам беради, тақдимотини тинглайди. | Топшириқлар устида мустақил ишлаб, тақдимотини тайёрлайдилар. Эркин баҳс-мунозара юритадилар. |
| | 2.8. Ҳимоя қоидаларининг вужудга келишини слайдлар ёрдамида ёритиб беради (4-илова). Ўқувчилар диққкатини қўйидаги саволларга жалб қилади:<br>1) Амир Темур “Тузуклари”нинг ҳарбий асирларга оид қоидалари ва улар билан қилинадиган муомала тўғрисидаги Женева Конвенцияси меъёрлари бир-биридан нимаси билан фарқ қилади?<br>2) Сиз бу тафовутни қандай тушунтириб берасиз?<br>3) Нега бу қоидалар турли мамлакатларда пайдо бўлган бўлсада, улар XX асрда умумбашарий аҳамият касб этди?<br>4) Амир Темур “Тузуклари” (ҳарбий асирларга оид қисми бўйича) ўша даврдаги ҳар қандай вақт ва шароитларда амал қила олармиди? Ўз жавобингизни тушунтириб беринг.<br>5) Ҳарбий асирларга ҳурмат билан муносабатда бўлишнинг<br>— Амир Темур давлати учун;<br>— ҳозирги замон давлати учун;<br>— алоҳида киши учун афзаллик томонлари қандай?<br>2.9. Тўртинч масала ”Қоидаларни | Тинглайдилар, саволларга жавоб берадилар.<br><br><br>Тинглайдилар,ёзиб |

| | | |
|---|---|---|
| | қўллаш муаммоларини” ўқув дарслигидаги 225-226 бетдаги матнлар ҳамда слайдлар ёрдамида ёритиб беради. Ҳар бир режани умумлаштиради. | оладилар. |
| III босқич. Якуний. (10 минут) | 3.1. Якунлар чиқаради. Фаол гуруҳларни аниқлаб, ўқувчиларни рағбатлантиради. | Тинглайдилар. |
| | 3.2. Мустақил иш учун вазифа беради:<br>1. Кейинги мавзуни “ Инсерт” техникасидан фойдаланилган ҳолда ўқиб келиш.<br>2. Асирларнинг ҳаёти ва инсоний қадр-қимматини қандай ҳимоя қилиш мумкинлиги ҳақида эссе ёзинг. Сиз ўз фикрларингизни уларга нисбатан маълум қоидалар шаклида ифодалашингиз ҳам мумкин.(8-илова) | Ёзиб оладилар. |

6.1-Илова

**Талабаларни баҳолаш мезонлари кўрсаткичлари**

| *Гуруҳ* | *Баҳо* | *Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари* | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *Мавзуни тўлиқ билади* | *Фаоллик* | *Мисоллар келтира олди* | *Жами* |
| | *Балл* | *1,0* | *0,5* | *1,5* | *3* |
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |

**Гуруҳларга қўйилган баллар кўрсаткичлари**

| *Гуруҳ* | *1* | *2* | *3* | *Умумий балл* | *Баҳо* |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |

2,2 – 3 балл – аъло
1,2 – 2 балл – яхши
0,5 – 1,1 балл – қониқарли

6.2-илова

**Блиц-сўров саволлари**

| *№* | *Савол* | *Жавоб* |
|---|---|---|
| 1. | Зардуштийлик тушунчасини изоҳлаб беринг? | |
| 2. | Монийлик ва маздакийлик ҳақида нималарни биласиз? | |
| 3. | Тасаввуф таълимоти ва унинг атоқли намоёндалари ҳақида нималарни биласиз? | |
| 4. | Тасаввуфда баркамол жамият ва комил инсон масалалари қандай акс эттирилган? | |
| 5. | Ўрта Осиёнинг илм-фан вакиллари ва атоқли давлат арбобларининг ижтимоий қарашлари ҳақида гапириб беринг? | |
| 6. | Жадидчилик таълимотида инсон ва жамият масалалари қандай ёритилган? | |

6.3- илова

**Иборалар асосида визуал материаллар**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Шахс қадр-қиммати. | 16. | Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи мъёрий ҳужжатлари. |
| 2. | Агрессив ҳатти-ҳаракат. | 17. | Ҳарбий асирлар. |
| 3. | Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи. | 18. | Ҳибсда сақланаётганлар билан муомала. |

6.4-Илова

1-слайд

Буюк мутафаккирларнинг инсонннинг моҳияти ҳақидаги қарашлари.

***"Инсон насли барча ҳайвонлардан устундир..., унга – ер юзини ободонлаштириш ва унда ўз бошқарувини ўрнатиш учун идрок кучидек шон-шараф инъом этилган"***

Абу-Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний (973 – 1048), қомусчи олим.

***"Барча жонли мавжудотлар ичида инсон энг мукаммалидир"***

Вольтер (1694 – 1778), француз ёзувчиси, маърифатпарвар файласуф.

2-слайд

## Ҳимоя қоидалари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан:
*"27-модда. Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан... ҳимояланиш... ҳуқуқига эга."*

3-слайд

*"Ғаним сипоҳийларидан қайси бири ўз давлатининг тузини оқлаб, бизга қарши қилич чопган, сўнгра ихтиёрий равишда, ёки мажбур бўлиб, паноҳимизга келса, бундай аскарга ишониб, уни азиз тутсинлар. Чунки у ўз соҳибига вафодорлик қилиб, еган туз ҳақини оқлаган."*

**Амир Темур "Тузуклари"дан**

4-слайд

*"Агар оддий аскар ўз вазифаларини бузиб, заифга қўл кўтарса, уни ўша заиф қўлига топшириш керак, токи у ўзи йўл қўйган таҳқирлашни бошидан кечирсин".*

**Амир Темур "Тузуклари"дан.**

5-слайд

*"Ҳарбий асирларга нисбатан ҳар доим инсоний муносабатда бўлиш шарт. Асирликда ушлаб турган Давлат томонидан ўз ҳукми остида бўлган ҳарбий асирларнинг ўлимига сабаб ўлувчи ёки уларнинг соғлиғини жиддий хавф остида қолдирувчи ҳар қандай ноқонуний ҳатти-ҳаракат ёхуд ҳаракатсизликка йўл қўйиш тақиқланади.*

**(13-модда)**

**Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисидаги Женева Конвенциясидан, 1949 й.**

6-слайд

*Ҳарбий асирлар, агар улар мансуб бўлган Давлат қонунчилиги бунга йўл берса, ўзларининг чин сўзлари ёки муайян мажбуриятлари асосида чекланган ёхуд тўла озодликка чиқарилишлари мумкин.*

**(21-модда)**

**Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисидаги Женева Конвенциясидан, 1949 й.**

7-слайд

*...Давлат лагерларининг тозалик ва соғлиқ учун муҳим ҳисобланган қулай ҳолатини таъминлаш ҳамда эпидемия тарқалишининг олдини олишга қаратилган барча гигиена чора-тадбирларини қўллашга мажбурдир.*

**(29-модда)**

**Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисидаги Женева Конвенциясидан, 1949 й.**

8-слайд

*Ҳар бир лагерь ҳарбий асирлар ўзлари муҳтож бўлган ёрдамни олиш ...мумкин бўлган лазаретга эга бўлади... Ногиронлар, хусусан, кўзи ожизларни парваришлаш... учун алоҳида қулай шарт-шароитлар яратилади.*

**(30-модда)**

**Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисидаги Женева Конвенциясидан, 1949 й.**

9-слайд

*Ҳарбий асирларга хат ва почта карточкаларини олиш ва жўнатиш учун рухсат берилади.*

**(71-модда)**

**Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисидаги Женева Конвенциясидан, 1949 й.**

10-слайд

*Олий Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири қоидаларнинг у ёки бу жиддий бузилишини содир этганликда ёхуд бу ҳақда буйруқ берганликда айбланаётган шахсларни қидириб топиш ва қайси мамлакат фуқароси эканидан қатъи назар, уларни ўз судига топшириш мажбуриятини оладилар".*

**(129-модда)**

**Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисидаги Женева Конвенциясидан, 1949 й.**

6.5-Илова

## “Нима учун ?” схемаси




## 1-ўқув топшириқ

## «Нима учун?» техникаси



6.6-Илова

“Қандай?” иерархик диаграммаси




**2-ўқув топшириқ**
**«Қандай ?» органайзерини тўлдиринг**



**3-ўқув топшириқ.** 6.7-Илова

Ҳар бир гурухга “ Т-схема” техникасидан фойдаланилган ҳолда топшириқ тарқатилади.

***Иккита рўйхат тайёрланг. Бирига ўз-ўзингизни ҳурмат қилиш мезонларингизни, иккинчисига – сизни бошқалар нима учун ҳурмат қилиши сабабларини киритинг. Уларни қиёслаб кўринг. Кимни ранжитиш осонроқлиги ҳақида мулоҳаза юритиб кўринг. Бу ҳақда ўзингизга маълум воқеаларни сўзлаб беринг. Шундай воқеаларни тушунтира туриб, юқорида тузган рўйхатингиздан нималарга эътибор бермаслик мумкин бўлса, шуларни ўчиринг.***

**“Асосланган эссе” ёзиш қоидаси** 6.8-Илова

***Асосланган эссе-*** қўйилган саволга асосли жавоб келтирилган ёзма ишдир. Муаллиф маълум бир позицияни эгаллайди ва уни ҳимоя қилади, бунда ўзининг позициясини қўллаб-қувватлаш учун бир қанча асосланган исботларни келтиради. Мақсад - муаллиф лозим топадиган карашларни бошқаларнинг ҳам қабул қилишига ишонтириш.

## 7-дарс ЕВРОПАДАГИ ИНСОН ВА ЖАМИЯТНИНГ МОҲИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҒОЯЛАР. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЖАМИЯТШУНОСЛИГИ.

### 7. Дарснинг таълим технологияси

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Ахборот – маъруза - визуализация. |
| *Мавзу режаси* | 1.Христиан назариётчилари ва уйғогиш даври мутафаккирларининг инсон ва жамият тўғрисидаги фикрлари.<br>2.Хаёлий социализм ҳақидаги таълимотлар.<br>3.XVII-XVIII асрларда инглиз, француз ва немис мутафаккирларининг ижтимоий тараққиёт ҳақидаги ғоялари.<br>4. Коммунистик жамият ҳақидаги ғоя ва унинг жаҳон тарихий тараққиётига ҳалокатли таъсири.<br>5.Шахс ва жамият муаммолари ҳақидаги ҳозирги фикрлар ва қарашлар. |
| *Дарснинг мақсади:* Европадаги инсон ва жамиятнинг моҳияти тўғрисидаги ғоялар ҳамда ҳозирги замон жамиятшунослиги тўғрисидаги билимларни шакллантириш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Христиан назариётчиларининг жамият ва инсон ҳақидаги ғоялари ҳамда уйғониш даври мутафаккирларининг инсон ва ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги фикрлари билан таништиради. | Августин, Ф.Аквинский, Данте Алигьери, Франческо Петрарка ва бошқа мутафаккирларнинг инсон ва жамият ҳақидаги ғояларини айтиб бера оладилар ва тахлил қиладилар. |
| Хаёлий социализм ҳақидаги таълимотларни характерлаб беради. | Томас Мор, Томаззо Кампонелла, Сен-Симон ва бошқа утопик социалистларнинг қарашларини изоҳлаб берадилар. |
| 17-18 асарларда инглиз, француз ва немис мутафаккирларининг ижтимоий тараққиёт ҳақидаги ғояларини ёритиб беради. | Томас Гоббс, Жон Локк, Жан Жак Руссо, Жоганн Гофред Гердер ва бошқа мутафаккирларнинг ижтимоий тараққиёт ҳақидаги ғояларини айтиб беради. |
| Коммунистик жамият ҳақидаги ғоялар билан таништиради. | Коммунистик жамият ҳақидаги ғоянинг жахон тарихий тараққиётига ҳалокатли таъсирини кўрсатиб бера олади. |

| | |
|---|---|
| Шахс ва жамият муаммолари ҳақидаги фикрлар ва қарашларни изоҳлаб беради. | Шахс ва жамият муаммолари ҳақидаги фикрларни фалсафий тахлил қила олади. |
| *Ўқитиш усуллари* | Маъруза – визуализация. |
| *Ўқитиш воситалари* | Лазерли проектор, визуал материаллар, тарқатма материаллар. |
| *Ўқитиш шакллари* | Жамоавий, фронтал, жуфтликда ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Техник воситалар билан таъминланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз – ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида баҳолаш. |

## Дарснинг технологик харитаси

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (20 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини ўтказиш учун ўқувчиларнинг тайёргарлигини назоратдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўради. |
| | 1.2. Ўтилган мавзуни такрорлаш мақсадида таянч ибора ва тушунчалардан фойдаланилган ҳолда “Блиц-сўров” ўтказади.(1-илова) | Савол-жавобларда фаол қатнашадилар. |
| | 1.3. Ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириб, фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали баҳолайди. Ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратади. | Тинглайдилар. Интерфаол усул-лардан фойдала-нилган ҳолда кичик гуруҳларга бўлинади. |
| II босқич. Асосий (60 минут) | 2.1. Янги мавзуни эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва вазифаларини тушунтиради. Мавзу бўйича режа ва таянч ибораларни илова қилади. (3 – илова) Ҳар бир ўқувчига мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади. | Тинглайдилар,ёзиб оладилар. Тарқатмалардан фойдаланадилар. |
| | 2.2. Ўқув мвшғулотининг биринчи саволини визуал материаллар ёрдамида ёритиб беради. (2-илова) | Слайдлар ёрдамида янги мавзуни ўрганади. |

| | | |
|---|---|---|
| | 2.3. Ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида гуруҳларга савол билан мурожаат қилади.<br>1. Христиан назариётчиларининг инсон ва жамият ҳақидаги фикрларини изоҳлаб беринг?<br>2. Уйғониш даври гуманизмининг моҳияти нимадан иборат? | Саволларга жавоб берадилар. |
| | 2.4. Ҳаёлий социализм ҳақидаги таълимотни “Қандай” услубидан фойдаланилган ҳолда тушунтириб беради. ( Илова 3) | Ҳамкорликда иккинчи режани тушуниб оладилар. |
| | 2.5. XVII – XVIII асрларда инглиз француз ва немис мутафаккирлари-нинг ижтимоий тараққиёт ҳақидаги ғояларини визуал материаллардан фойдаланилган ҳолда тушунтириб беради. (2 – илова) | Тинглайдилар, ёзадилар. |
| | 2.6. “Веер” теҳнологиясидан фойдаланилган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради. (Илова 4) Топшириқларни бажарилишини назорат қилади. Қисқа вақт ичида жадвални тўлдиришга имкон яратади. Шу тариқа 3 – режани умумлаштиради. | Гуруҳлар тез ва қисқа изоҳлар билан топшириқни бажаради. |
| | 2.7. 4 ва 5 режани слайдлар ёрдамида тушунтириб, твҳлил қилиб беради. (2-илова) | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. |
| | 2.8. Янги мавзуни қай даражада ўзлаштиришганлигини аниқлаш мақсадида талабаларга “Блиц – савол” лар билан мурожаат қилади. (Илова 5) | Саволларга жавоб берадилар. |
| III босқич. Якуний. (10 минут) | 3.1. Ғолиб гуруҳларни аниқлайди. Фаол талабаларни рағбатлантиради. | Тинглайдилар, олқишлайдилар. |
| | 3.2. Мустақил тайёргарлик кўриш учун уйга вазифа беради: 230 – бетдаги 3 – баҳс дарсини “Инсерт” техникасидан фойдаланилган ҳолда ўқиб келинг. (Илова 6) | Ёзиб оладилар. |

7.1-Илова

## Мавзуни мустаҳкамлашга қаратилган «Блиц-сўров» саволлари

| № | Саволлар | Жавоблар |
|---|---|---|
| 1. | Зўравонлик нима? Зўравонлик инсонга хос хусусиятми? | |
| 2. | Инсонпарварлик идеали ва шахс қадр-қимматига ҳурмат қилиш муаммоларини санаб беринг? | |
| 3. | Қуролли можаро вазиятидаги хатти-ҳаракат қоидаларини санаб беринг? | |
| 4. | Ҳарбий ҳаракат қурбонларининг азоб-уқубатларини енгиллаштириш муаммолари ҳақида гапириб беринг. | |

7.2-Илова

## Визуал материаллар

1-слайд

Христиан назариётчилари ва уйғониш даври мутафаккирларининг инсон ва жамият тўғрисидаги фикрлари

Аврелий Августин →

Августин фикрича **инсон ҳаётининг мақсади ва мазмуни бахтга эришишдир.** Бахтга эса ягоналик бўлмиш худода эришиш мумкин. Шу маънода инсоний бахтга эришиш энг аввало **худони англаш, билишни ва жонни синаб кўришни** тақазо қилади. Августин ижтимоий-сиёсий таълимоти тенгсизлик ғояси асосига қурилган, бу ҳолат ижтимоий ҳаётнинг абадий ва ўзгармас тамойилидир. Тенгсизлик худо томонидан яратилган ижтимоий организм иерархияли (қуйининг юқорига бўйсуниши) тузилишининг бир томонидир.

2-слайд

Фома Аквинский

Ахлоҳий хислатлар, фазилатлар ҳаҳида гапирганда у *донишмандлик, мардлик, адолат, ўртамиёналик*ни таъкидлаган анъанавий юнон ҳарашларига *ишонч, умид, муҳаббат* каби христиан сифатларини ҳам қўшади. ҳаёт кечиришлан маҳсад бахтга эришишдир, у эса *худони англаш ва у билан уйғунлашиб кетиш демакдир.* Билиш инсоннинг энг улуғ функциясидир, худо эса – билишнинг чексиз предметидир. Инсон мавжудлигининг сўнгги маҳсади худони билиш, уни кузатиш ва унга мухаббатдир.

3-слайд

Данте Алигьери

Унинг фикрича инсон ўз хаётининг яхшилиги ёки ёмонлиги учун ўзи масъулдир, бунда инсоннинг шахсий хусусиятлари белгиловчи ахамиятга эга ва бунда унинг бойлиги ёки меросий ахволи хеч қандай рол ўйнамайди. Инсониятнинг вазифаси тафаккурнинг имкониятларини амалга ошириш, айниқса назарий тафаккур имкониятларини амалий фаолиятга айлантиришдир

4-слайд

Франческо Петраркани

**Франческони** кўпинча "биринчи гуманист", "гуманизмнинг отаси" деб аташади. У "абадийлик"ни Дантедан фарқли равишда умуман инкор этади. Петраркани кўпроқ инсоннинг ички, ахлоқий масалалари қизиқтиради.

5-слайд

Пико делла Мирандола

Пико фикрича, инсон табиатнинг бошқа қисмларидан фарқ қилади ва ўз "илоҳий етуклиги" сари боради. Инсон ўз бахтининг яратувчисидир. Шундай қилиб, Пико инсонни дунёнинг марказига қўяди. Инсон табиати ҳайвонот дунёси табиатидан фарқли ҳолда юқори даражада ташкил топган, етукроқ; инсон "илоҳий" етукликка интила оладиган мавжудотдир. Бундай ҳолат туғма эмас, балки уни инсон ҳаракати вужудга келтиради.

6-слайд

Никколо Макиавелли →

Макиавелли сиёсий ҳодисалар, ижтимоий воқеалар ҳақида гапирганда теологияга, диний асосларга умуман ўрин қолдирмайди. Шу маънода у ўрта асрлар ва антик дунёда кузатилмаган янги бир қонун билан чиқади: сиёсий воқеалар, давлат шаклларининг ўзгариши худонинг иродаси билан ёки кишиларнинг истаги ва фантазияси билан эмас, балки объектив равишда "ҳодисаларнинг тасаввурдаги эмас, табиий равишдаги кечиши" таъсирида юз беради. У давлатга хос ҳаётни теологиядангина эмас, балки ахлоқдан ҳам ажратиб ташлайди.

7-слайд

Хаёлий социализм ҳақидаги таълимотлар

Томас Мор →

Унинг фикрича, жамият – бойларнинг фитнаси натижасидир. Давлат эса – уларнинг оддий қуролидир. Ундан бойлар халқни итоатда тутиб туриш, ўзларининг ғаразли мақсадларини ҳимоя қилиш учун фойдаланадилар. Улар алдов, куч ва айёрлик билан камбағалларни ўзларига бўйсундирадилар. Бу нарсаларни улар қонун ёрдамида, ҳокимиятнинг буйруғи, давлатнинг иродаси сифатида ва давлат номидан амалга оширадилар.

8-слайд

Томмазо Кампанелла →

Унинг фикрича, ҳокимият тармоқлари фаолият турларига мрс келувчи уч йўналишга бўлинади. Бу фаолият турлари: биринчидан, ҳарбий ишлар, иккинчидан - илм-фан, учинчидан – аҳолини ишлаб чиқариш, уни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш ва тарбиялаш. Ушбу ҳокимият тармоқларини Қудрат, Донишманд, Муҳаббат деб аталувчи уч бошқарувчи ирода қилади. Уларнинг ҳар бири уч раҳбарга бошчи, улардан пастда эса яна уч мансабдор мавжуд. ҳокимият тепасида Метафизик номли бошқарувчи туради, у ўз фуқароларидан олимлик, талант, тажриба ва амалиётда устундир.

9-слайд

Анри де Сен-Симон →

Унинг фикрича, бир босқичдан бошқасига, ундан учинчисига ўтиш билан жамият ўз тараққиёнинг "олтин асрига" томон боради. Антик ва феодализм даврини ўз ичига олган **теологик босқич** ўз ўрнини буржуа даврини ифодаловчи **метафизик босқичга** бўшатиб беради. Ундан сўнг кишиларнинг барча эҳтиёжларини қондирадиган, уларни бахтли яшашларини таъминлайдиган **позитив (ижобий) босқич** бошланади. Агар биринчи босқичда жамиятда ҳукмронлик руҳонийлар ва феодалларда, иккинчи босқичда – юристлар ва метафизикларда бўлган бўлса, учинчи босқичда у олимлар ва саноатчиларга ўтади.

10-слайд

Шарл Фурье →

Фурье таълимотида ижтимоий тараққиёт хусусий мулкчилик ҳукмронлигига ва халқ оммасининг эзилишига олиб келганлиги ва уни ўзгартириш зарурияти асосланади. Хусусий мулкчилик шароитида қонунлар ва декларацияларда эълон қилинган турли ҳуқуқ ва эркинликлар аслида қоғозда қолиб кетади. Фурьенинг энг қимматли фикрларидан бири, жамиятда энг аввало расмий равишда "меҳнат қилиш ҳуқуқи" қабул қилиниши керак . Чунки ана шу ҳуқуқсиз бошқа ҳуқуқлар ўз аҳамиятини йўкотади.

11-слайд

Роберт Оуэн →

Унинг фикрича, зўравонлик ҳолларига йўл қўйилиши ва ижтимоий тартибсизлик шундоқ ҳам абгор бўлиб турган жамиятнинг ҳолатини янада ёмонлаштиради, инсониятни орқага тортади, нурли келажак вужудга келишини ортга суради. Инқилобни унга тайёр бўлмаган ва фақатгина синфий қасосга ташна кишилар амалга оширсалар оқибат табиий равишда ана шундай бўлади.

12-слайд

XVII-XVIII асрларда инглиз, француз ва немис мутафаккирларининг ижтимоий тараққиёт ҳақидаги ғоялари.

Томас Гоббс →

Унинг фикрича кишилар бир-бирлари билан жисмоний ва ақлий жиҳатдан тенг яратилган, шунинг учун уларнинг ҳар бири "ҳамма нарсага эгалик қилиш" ҳуқуқига эга. Аммо инсонда айни ҳолда шахсиятпарастлик, очкўзликка интилувчанлик, қўрқув ва шуҳратпарастлик хусусиятлари ҳам мавжуд. У ўзига ўхшаган, демак унга рақиб бўлган.

13-слайд

Жон Локк →

Давлатнинг асосий белгиси деб Локк қонун ва қонунчиликни кўрсатади. Фуқаролик жамиятининг ёки қонунчилик органининг ҳар қандай кўрсатмалари қонун бўлавермайди. Умумий фаровонликка ва айни ҳолда кишининг шахсий манфаатларига мос келувчи онгли мазмундаги шахсий ҳатти-ҳаракатларга изн берувчи актларгина қонун бўла олади. Бундан ташқари, Локкнинг фикрича, қонун доимийлик (ўзгармаслик) ва узоқ амал қилиш хусусиятларига эгадир

14-слайд

Вольтер →

Жамиятда амал қилувчи ва йўқотилиши лозим бўлган ижтимоий ёвузликларнинг илдизини Вольтер энг аввало билимсизликда (жаҳолатда), хурофот ва ирим-чиримларнинг кучли эканлигида деб билди. Унинг фикрича буларнинг асосий суянчиғи ва сабабчиси черков, католицизмдир. Вольтернинг қатъий ишончига кўра диний фанатизм ҳар қандай эркинликнинг асоси бўлмиш сўз ва виждон эркинлигини ўз исканжасига олади ва ҳалок қилади

15-слайд

Жан Жак Руссо →

У ўз қарашларида ижтимоий тенгсизлик масалаларига катта аҳамият беради. Руссо фикрича дастлабки даврда, яъни табиий ҳолатда кишиларда хусусий мулк бўлмаган пайтда, барча эркин ва тенгдир. Бу ҳолатда улар орасида фақат табиат ато этган жисмоний тенгсизлик бўлиши мумкин

16-слайд

Иоганн Гот-фрид Гердер →

Гердер фикрича инсоният ўз тараққиётида қонуний равишда гуманизмга келади, яъни улар табиат томонидан ато этилган кучларни ўзларининг тафаккур ва ахлоқини мукаммаллаштириш, бир-бирларига ижобий таъсир қилиш йўлида сарфлайдилар.

17-слайд

Имманиул Кант →

Кантнинг фикрича, ҳар бир киши ўзи англамаган ҳолда (априори) инсоннинг табиатдаги бошқа нарсалар ва жониворлардан юқорида туришини ҳамда ўзларининг бошқа кишилар билан тенглигини кўрадилар.

18-слайд

Гегел →

Унинг фикрича қонунийлик соҳаси бўлиб, бу соҳадаги қонунийлик табиий қонунийликдан фарқ қилади. Мазкур қонунийлик кишиларнинг онгли фаолияти орқали амалга оширилади.

19-слайд

Шахс ва жамият муаммолари ҳақидаги ҳозирги фикрлар ва қарашлар.

**Ҳозирги замон жамиятшунослигининг асосий йўналишлари**

| | |
|---|---|
| Иррационализм | фалсафий атама бўлиб, жамият ҳодисаларини билиш соҳасида ҳам икки хил маънода ишлатилади: биринчиси – фақат ақл ёрдамида билимга эга бўлиш тамойилининг қарама-қарши томонидир. Иккинчиси - билишнинг ноақлий босқичлари борлигини эътироф қилади. |
| Позитивизм | Конт позитив фалсафасининг асосий ғояси - фан ҳодисаларининг ташқи қиёфасини тасвирлаб кўрсатиш билан чегараланиши керак. |
| Неотомизм | Неотомизм таълимотига кўра, илм ва диний эътиқод биргаликда мавжуд бўлади. |
| Прагматизм | Прагматизмнинг асосий тушунчаси инсоний хатти-ҳаракатлардир . |
| Экзистенциализм | Экзистенциализм сўзи «мавжудлик», «мавжуд бўлмоқ» деган маънони англатади. Дастлаб экзистенциализмнинг макони Россия бўлган (Бердяев, Шестов). Кейинчалик Германияда кенг ривожланди. Бунда Хайдеггер, Ясперс ва Бубер каби йирик немис файласуфларининг ҳиссаси катта бўлган. |
| Фрейдизм ва неофрейдизм | Фрейд таълимотининг дунёқарашига оид имкониятлари инсон ва маланиятнинг ўзига хослиги билан боғлиқ. |

7.3-Илова

**1-ўқув топшириқ**
**«Қандай ?» органайзерини тўлдиринг**




7.4-Илова

**2-ўқув топшириқ**

Веер технологиясидан фойдаланилган ҳолда қўйидаги саволга жавоб беринг.(3.1-Илова)

| |
|---|
| Савол: XVII-XVIII аср инглиз ва француз мутафаккирларининг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги фикрларининг афзаллиги ва камчиликларини кўрсатиб беринг? |

7.5-Илова

**Мавзуни мустаҳкамлашга қаратилган**
**«Блиц-сўров» саволлари**

| № | Саволлар | Жавоблар |
|---|---|---|
| 1. | Христиан назариётчилари ким? | |
| 2. | Уйғониш даври деганда нимани тушунасиз? | |
| 3. | Маърифатпарварлик даври бу... | |
| 4. | Жамиятшунослик фанларининг ривожланиш хусусиятлари ҳақида гапириб беринг? | |

7.6-Илова

**«Инсерт» техникасининг қоидалари:**

1. Текстни ўқиб чиқинг.
2. Олинган маълумотни тизимлаштиринг.
3. Ҳар бир қаторга қалам ёрдамида белгилар қўйинг.

**V** – маълумотлар мавзуга оид билимларимга тўғри келади.

**+** – янги маълумотдир.

**-** – олган билимларимга тўғри келмайди.

**?** – мени ўйлантириб қўйди, бу масала юзасидан қўшимча маълумотлар керак.

| 3-<br>баҳс<br>дарси | ҲИМОЯГА МУҲТОЖЛАР. |
|---|---|

**8. Дарснинг таълим технологияси**

| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Муаммоли вазиятларни таҳлил қилишга қаратилган баҳс-мунозарали дарс. |
| *Мавзу режаси* | 1.Файласуфлар давримиз муаммолари ҳақида. А. Навоий даврига бир назар.<br>2. Урушда фуқаро аҳолининг мақоми.<br>3. Қуролли низо пайтида фуқаро аҳолиннг ҳимояга муҳтожлиги.<br>4. Фуқаро аҳолининг эҳтиёжлари ва ҳимоя турларини таҳлил қилиш. |
| *Дарснинг мақсади:* Инсонларнинг турли вазиятлардаги ижтимоий аҳволи, уларга нисбатан инсоний муносабатга бўлиш зарурияти ҳақидаги билимларни шакллантириш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| XX аср файласуф ва социологларининг жамият тараққиёти ҳақидаги қарашларини тушунтириб беради. | Жамият тараққиёти ҳақидаги қарашларга таъриф бера олади. |
| Ҳарбий ҳаракатларда қатнашмайдиган кишиларга инсоний муносабатда бўлиш зарурлигини тушунтиради. | Инсонийлик ва инсонпарварлик ғоялари тмоҳиятини очиб бера олади. |
| Қуролли низо пайтида ва у тугагандан кейин тинч аҳоли ёрдамга муҳтож бўлишини ёритиб беради. | Қуролли низода фуқаро шахсларнинг ҳимояга муҳтожлигига оид вазиятларга мисоллар келтира олади. |
| Фуқаро аҳолининг эҳтиёжлари ва ҳимоя турлари ҳақида маълумотлар беради. | Фуқаро аҳолининг эҳтиёжлари ва ҳимоя турларини санаб беради. |
| *Ўқитиш усуллари* | Муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, баҳс-мунозара, суҳбат, "уйла-жуфт бўлиб ишла – фикр алмаш ", 4х4, Кластер, Инсерт. |
| *Ўқитиш воситалари* | Дарслик, тарқатма материаллар, маркер ва ватман. |
| *Ўқитиш шакллари* | Жамоавий, фронтал, жуфтликда ишлаш. |

| | |
|---|---|
| *Ўқитиш шароитлари* | Техник воситалар билан таъминланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида. |

**Дарснинг технологик харитаси**

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини бошлаш учун ўқувчиларнинг тайёргарлигини назоартдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўрадилар. |
| | 1.2. Уйга берилган топшириқни назоратдан ўтказади. Ўқувчиларга қўйидаги саволлар билан мурожаат қилади:<br>1) “Ҳимояга муҳтож” деб номланган мавзудан нималарни сиз билар эдингиз?<br>2) Ушбу мавзуда нималар сиз учун янгилик эди?<br>3) Қандай маълумотлар билганларингизга зид эди?<br>4) Сизни қандай саволлар уйлантирмокда? | Саволларга жавоб берадилар. |
| | 1.3.Ўқитувчи ўқувчи талабаларнинг жавобларини диққат билан тинглаб, уларнинг фикрини умумлаштиради. Ўқувчи-талабаларни кичик гуруҳларга ажратади. | Тинглайдилар. Интерфаол усуллардан фойдаланилган ҳолда гуруҳларга ажраладилар. |
| II босқич. Асосий (70 минут) | 2.1. Ўқитувчи XX аср файласуф ва социологларининг жамият тараққиёти ҳақидаги қарашларини гапириб беради.Ўқувчиларга “Кластер” техникасидан фойдаланилган ҳолда “Қандай кишиларни бизлар “ҳимояга муҳтожларлар” деб атай оламиз?”- деб савол билан мурожаат қилади. (1-илова). | Диққат билан тинглаб, мавзуни ёзиб оладилар. Жамоа бўлиб “Кластер”ни тўлдирадилар. |
| | 2.2. Ўқувчи талабаларнинг фикрларини умумлаштириб, уларга “4х4” | Тинглайдилар. Кичик гуруҳларда |

| | | |
|---|---|---|
| | техникасидан фойдаланилган ҳолда, ҳар бир гуруҳга қўйидагича савол билан мурожаат қилади: “Бекам-у кўст яшаш ва ўзини яхши ҳис этиш учун зарур омиллар рўйхатини тузинг.” (2-илова). | ишлайдилар. |
| | 2.3. Ўқитувчи ўқувчи-талабаларнинг фикрларини умумлаштириб бўлгач, ҳарбий ҳаракатларда қатнашмайдиган кишиларга инсоний муносабатда бўлиш, урушда фуқаро аҳолининг мақоми ҳақида маълумотлар беради. (3-илова). | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. |
| | 2.4. Иккинчи саволни умумлаштириш мақсадида ҳар бир гуруҳга 4-иловада келтирилган жадвални тўлдиришни таклиф этади. | Жамоа бўлиб жадвални тўлдирадилар. |
| | 2.5. Ҳар бир гуруҳнинг ишини кўриб чиқиб, уларга дарсликнинг 238-бетдаги А.Навоийнинг “Хайратул Аброр” достонида келтирилган парча, ҳамда 239, 240, 241 бетлардаги матнлар ўқиб эшиттирилади. Сўнгра ўқувчи-талабаларга қўйидаги саволлар билан мурожаат қилади:<br>1. Ушбу парчаларда қандай мусибатлар тасвирланмоқда?<br>2. Тўқнашувлар оқибатида тинч аҳоли орасидан кимлар кўп азоб чекади?<br>3. Нега уруш тинч аҳоли учун шунчалик кўп азоб – уқубатлар келтиради?<br>4. Уруш вақтида улар қандай ҳуқуқлардан маҳрум бўлишади?<br>Шу тариқа мавзунинг 3 ва 4 саволи ёритиб берилади. | Матнларни диққат билан тинглаб, саволларга – жавоб берадилар. Ёзиб оладилар. |
| | 2.6. Ўқувчи ва талаба мавзуни қай даражада ўзлаштирганини аниқлаш мақсадида 244 – бетдаги “ Келажак ҳақида ўйланг” деб номланган ролларга бўлиниб ўйналадиган ўйинни таклиф этади. | Ролларга бўлиниб, ўз позицияларини эгалайдилар. |
| | 3.1. Фаол гуруҳлар аниқланиб, | Ўзини |

| | | |
|---|---|---|
| III босқич. Якуний. (10 минут) | талабаларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезони орқали баҳолайди. (8.5 – илова) | қизиқтирган саволлар беради. |
| | 3.2. 244 – бетдаги топшириқни бажаришни уйга вазифа қилиб беради. | Ёзиб оладилар. |

8.1-Илова

**КЛАСТЕРНИ ТЎЛДИРИНГ.**




**Кластерни тузиш қоидалари**

1. Топшириқни диққат билан ўқиб чиқинг.
2. Фикрларни тармоқлантириш жараёнида пайдо бўлган ҳар бир фикрни ёзинг.
3. Имло хатолар ва бошқа жиҳатларга эътибор берманг.
4. Белгиланган вақт тугамагунча ёзишни тўхтатманг, фикрингизни жамлашга ҳаракат қилинг.
5. Фикрларни чегараламанг, улар ўртасида ўзаро алоқадорликка эътибор қаратинг.

8.2-Илова

**“4х4” техникаси**

Ушбу техника орқали қисқа вақт мобайнида барча ўқувчи талабалар бирорта масалани муҳокама қилади ва гуруҳ аъзоларидан аксариятининг қарашларини билиб олиш имкониятларига эга бўлади.

## Визуал материаллар

8.3-Илова

1-слайд

***Асосий тушунча ва иборалар***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ҳозирги замон жамиятшунослиги. | 6. | Тинч аҳоли. |
| 2. | Ижтимоий ҳодисалар ва муносабатлар. | 7. | Фуқаро шахслар. |
| 3. | Цивилизация. | 8. | Ҳимоя ва дахлсизлик. |
| 4. | Ижтимоий-сиёсий қарашлар тизими. | 9. | Инсон ҳуқуқлари. |
| 5. | Уйғониш даври. | 10. | Яшаш воситалари. |

2-слайд

Бутун жаҳон озиқ-овқат дастури → БМТ нинг махсус муассасаси, мақсади планетадаги оммавий очликка қарши курашиш.

3-слайд

Фуқаро шахс → Халқаро Инсонпарварлик Ҳуқуқининг мазмуни бўйича комбатант бўлмаган ҳар қандай шахс.

4-слайд

Фуқаролик ва шахсий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пакт (1966 й.) → Инсон ва фуқаронинг асосий шахсий ва сиёсий ҳуқуқларини акс эттирувчи универсал халқаро шартнома.

5-слайд

**Ижтимоий муносабатлар** → Биргаликдаги амалий ва анъанавий фаолият жараёнида кишилар ўртасида вужудга келувчи муносабат.

6-слайд

**Умуминсоний қадриятлар** → Бутун инсониятнинг тарихий маънавий тажрибасини акс эттирувчи ва ҳар қандай шахснинг тўлақонли ҳаёт кечириши ва ривожланиши, умуминсоний манфаатларнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратувчи дунёқараш идеаллари, ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар.

7-слайд

**Инсон ҳуқуқларининг “асосий мағзи”** → Ҳар қандай шароитларда ҳам инсондан ажратиб бўлмайдиган ҳуқуқлар.

**Жадвални тўлдиринг** 8.4-Илова

| | Комбатант | Фуқаро шахс |
|---|---|---|
| *ҳатти-ҳаракати* | *уруш ҳаракатларида қатнашади* | |
| *ҳуқуқлари* | *жанг майдонида душман томон ҳарбий комбатантини ўлдириш ҳуқуқига эга (ХИҲ доирасида)* | |
| *Жавобгарлиги* | *уруш ҳаракатларида қатнашганлиги ва ХИҲ доирасида куч ишлатганлиги учун таъқиб қилиниши мумкин эмас* | |
| *ҳужумдан ҳимоя* | *унга ҳужум қилиниши мумкин, у қонуний ҳарбий нишон бўлади* | |
| *Душман томонидан қилинадиган муомала* | *асирга тушганда, ҳарбий асир мақомини олади ва шунга мувофиқ ҳуқуқидан фойдаланади* | |

8.5-Илова

**Гуруҳларнинг машғулотдаги фаоллигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари**

| Топшириқлар | I Гуруҳ | II гуруҳ | III гуруҳ | IV гуруҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1-топшириқ (2,5 балл) | | | | |
| - топшириқ ўз вақтида тез ва тўғри бажарилди (2 балл) | | | | |
| - гуруҳ фаол (0,5 балл) | | | | |
| 2-топшириқ (2,5 балл) | | | | |
| - топшириқ ўз вақтида тез ва тўғри бажарилди (2 балл) | | | | |
| - гуруҳ фаол (0,5 балл | | | | |
| Ж а м и (5 балл) | | | | |

| 9-дарс | ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛИШИ. ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА БАРҚАРОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ БОШ МАҚСАДИ. |
|---|---|

## 9. Дарснинг таълим технологияси

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Информацион маълумотга эга бўлган баҳс-мунозарали дарс. |
| *Мавзу режаси* | 1. Жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар таснифи. Ўзбекистонда мулкдорлар табақасининг пайдо бўлиши.<br>2. Кишилар этник бирлигининг тарихий шакллари.<br>3. Оила – жамият ижтимоий тизимининг ажралмас қисмидир. Оиланинг моҳияти ва ижтимоий функциялари. |
| *Дарснинг мақсади:* Жамиятнинг ижтимоий тизими тўғрисидаги билимларни чуқурлаштириш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Ижтимоий гуруҳлар (уюшмалар) билан таништиради. | Ижтимоий гуруҳлар ва уюшмаларга тасниф беради. |
| Кишилар этник бирлигининг тарихий шаклларини ёритиб беради. | Уруғ, миллат ва миллий муносабатлар тушунчаларини изоҳлаб беради. |
| Оила – жамият социал тизимининг ажралмас қисми эканлигини ёритиб беради. | Оиланинг моҳияти, тарихий шакллари, ижтимоий функцияларини айтиб беради. |
| *Ўқитиш усуллари* | Баҳс – мунозара, ФСМУ, Блиц – сўров ва асосланган эссе. |
| *Ўқитиш воситалари* | Кўргазма материаллар, лазерли проектор, аҳборот таъминоти. |
| *Ўқитиш шакллари* | Жуфт – жуфт бўлиб, жамоавий ва кичик гуруҳларда ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Керакли жиҳозлар билан таъминланган аудитория. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз – ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида баҳолаш. |

## Дарснинг технологик харитаси

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини ўтказиш учун ўқувчи (талаба) ларнинг тайёргарлигини назоратдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўради. |
| | 1.2. Ўтилган мавзуни таянч иборалари асосида "Блиц-сўров" ўтказади. Қуйидаги тушунчаларга таъриф беришни таклиф этади: ҳозирги замон жамиятшунослиги; ижтимоий ҳодисалар ва муносабатлар; цивилизация; ижтимоий-сиёсий қарашлар тизими; Уйғониш даври; фуқаро шахслар; тинч аҳоли; инсон ҳуқуқлари. | Блиц-сўровда фаол қатнашадилар. |
| | 1.3. Ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириб, фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали баҳолайди. | Тинглайдилар. |
| II босқич. Асосий (60 минут) | 2.1. Янги мавзуни эълон қилади. Янги мавзунинг режаси, таянч ибора ва тушунчаларига изоҳ беради. Ҳар бир ўқувчига мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади. | Тинглайдилар,ёзиб оладилар. Тарқатмалардан фойдаланадилар. |
| | 2.2. Режа саволлари бўйича маъруза материалларини гапириб беради, визуал материаллардан фойдаланади. (1-илова) Диққатни жалб қилувчи саволлар беради. Режадаги биринчи савол бўйича – "Ижтимоий гуруҳлар" деганда нимани тушунасиз?" Режадаги иккинчи савол бўйича – " Этник бирлик" ёки " этнос" деганда нимани тушунасиз?" Режадаги учинчи савол бўйича – " Оила деганда нимани тушунасиз?" | Тинглайдилар,ёзиб оладилар.Саволларга жавоб берадилар. |
| | 2.3. Ўқувчи-талабаларни жуфтликларга ажратиб, ФСМУ технологиясидан фойдаланилган | Жуфт-жуфт бўлиб ФСМУ жадвалини тўлдирадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | ҳолда жадвални тўлдиришни ттаклиф этади. (2-илова) Жадвални тўлдиришга ёрдам беради. | |
| | 2.4. Доскага жадвални чизади ва уни ўқувчи-талабалар ёрдамида тўлдиради. | Ўзлари тўлдирган ФСМУ жадвали билан таққослайди. |
| | 2.5. Мавзунинг асосий жиҳатларига эътиборни қаратади ва уларни ёзиб олишни таклиф қилади. | Тинглайдилар, ёзадилар. |
| III босқич. Якуний. (10 минут) | 3.1. Блиц – сўров техникасидан фойдаланилган ҳолда, ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида саволлар беради. (3-илова) | Саволларга жавоб берадилар. |
| | 3.2. Мустақил тайёргарлик кўриш учун уйга вазифа беради: “Ўзбекистонда ўрта ва кичик мулкдорлар синфининг вужудга келиши мавзусида эссе ёзиб келинг”. | Ёзиб оладилар. |

## **Визуал материаллар**

9.1-Илова

1-слайд




2-слайд



3-слайд

Гетерогенетик → Жамиятдаги ранг-баранглик, турличалилик даражаларининг кўрсаткичлари йиғиндисини ифодалайди

4-слайд

Этник бирлик ёки этнос → Бу ўзларининг умумийлигини англаган ва умумий маданий – психологик хусусиятларига эга бўлган ҳамда муайян худудда тарихий таркиб топган кишилар йиғиндисидан иборат.

5-слайд

Миллатнинг умум-эътироф этилган белгилари:

- Худудий бирлик
- Иқтисодий ҳаёт уклади
- Тарихий тақдир бирлиги
- Ягона тил
- Маданиятнинг умумийлиги
- Миллий ўз-ўзини англаш

6-слайд

Ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфият

**Миллий ғурур**

7-слайд

Миллат маънавий камолатининг барча жихатларини, мероси ва бугунги қадриятларини ўз ичига олади

**Миллий ифтихор**

8-слайд

Бу миллат манфаати билан яшаш, ўзининг кимлигини таниш.

**Миллий ҳис**

9-слайд

Ҳар бир халқнинг, миллат-
нинг асрлар давомида ша-
клланган ва аста –секин
уларнинг қон-қонига сингиб
кетган ўзига хос хислатлар,
хусусиятлар жамланмасидир.

**Миллий характер**

10-слайд

Оила

Ўзига хос ижтимоий бирлик бўлиб,унинг асосида эр-хотин иттифоқи, қариндошлик муносабатлари, маиший ҳаёт бирлиги, ахлоқий ва ҳуқуқий маъсулият ҳамда жамият томонидан ўрнатилган ота-оналарнинг болаларини тарбиялаши бўйича ва фарзандларнинг ўз ота-оналари учун муайян мажбуриятлари туради.

9.2-Илова

**Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси**
**ФСМУ технологияси**

**(Ф)** – Фикрингизни баён этинг.

(С) – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

(М) – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.

(У) – Фикрингизни умумлаштиринг.

Ушбу технология ўқувчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, эгалланган билимларни таҳлил қилишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

**Миллий ғурур деганда нимани тушунасиз?**

**F**

Фикрингизни баён этинг.

**S**

Фикрингизни баёнига бирор сабаб кўрсатинг.

**M**

Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.

**U**

Фикрингизни умумлаштиринг.

9.3-Илова

**Мавзуни мустаҳкамлашга қаратилган**
**«Блиц-сўров» саволлари**

| № | Саволлар | Жавоблар |
|---|---|---|
| 1. | Ижтимоий гуруҳлар деганда нимани тушунасиз? | |
| 2. | Гетерогенетик тушунчаси нимани ифодалайди? | |
| 3. | Миллат бу... | |
| 4. | Миллий муносабатлар бу... | |
| 5. | Никоҳ нима? | |
| 6. | Оиланинг вазифалари нималардан иборат? | |

| 4 бахс-дарси | БОЛАЛАР – ЖАМИЯТНИНГ КЕЛАЖАГИ. |
|---|---|

## 10. Дарснинг таълим технологияси

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Билимларни чуқурлаштиришга қаратилган бахс-мунозарали дарс. |
| *Мавзу режаси* | 1. Болалар ва ижтимоий тараққиёт.<br>2.Мустақил Ўзбекистонда ёшлар муаммолари.<br>3. Аскар – болалар – аччиқ воқелик. Болаларни ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро ҳужжатлар. |
| *Дарснинг мақсади:* Ҳар қандай даврда ҳам болалар ҳимояга муҳтож эканлиги ҳамда жамиятнинг келажаги эканлигини ўқувчилар онгига сингдириш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Болаларнинг жамиятдаги аҳволи, ўтмиш ва ҳозирги замон ҳақида тушунча беради. | Болаларнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрнини изоҳлайди. |
| Мустақил Ўзбекистонда ёшлар муаммоси, уларни ечиш йўлларини ёритиб беради. | Ушбу муаммога ўз муносабатини билдира олади. |
| Аскар болалар жамият учун хавфли эканлигини ҳамда болаларни ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро ҳужжатларнинг асосий мазмуни билан таништиради. | Болалар қуролли низо пайтида ҳимоя остида бўлишлари кераклигини айтиб беради, болаларни ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро ҳужжатларга тасниф бера олади. |
| *Ўқитиш усуллари* | Т – схема, Ролли ўйини, Резюме, кичик гуруҳларда ишлаш. |
| *Ўқитиш воситалари* | Кўргазма материаллар, лазерли проектор, аҳборот таъминоти. |
| *Ўқитиш шакллари* | Жуфт – жуфт бўлиб, жамоавий ва кичик гуруҳларда ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Керакли жиҳожлар билан таъминланган аудитория. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз – ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида. |

## Дарснинг технологик харитаси

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини ўтказиш учун ўқувчи (талаба) ларнинг тайёргарлигини назоратдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўрадилар. |
| | 1.2. Уйга берилган вазифанинг назоратини ўтказади. “Ўзбекистонда ўрта ва кичик мулкдорлар синфининг вужудга келиши” мавзусида ёзилган энг яхши эссе муаллифини аниқлайди ва рағбатлантиради. | Уйга берилган вазифаларни ўқиб берадилар. |
| II босқич. Асосий (70 минут) | 2.1. Янги мавзуни эълон қилади. Янги мавзунинг режаси, таянч ибора ва тушунчаларига изоҳ беради. (1 – илова) Ҳар бир ўқувчи – талабага мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади. Баҳолаш мезони билан таништиради.(2-илова) | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. |
| | 2.2. Биринчи саволни ўқитувчи слайдлар ёрдамида ёритиб беради. талабаларни фаоллаштириш мақсадида уларга жонлантирувчи саволлар беради.<br>1. “Бола” сўзи сизда қандай тасаввур уйғотади?<br>2. Болага туғилганда табиат томонидан бериладиган хусусиятлардан ташқари, у жамиятда яшаши учун яна нималар керак?<br>3. Сизнинг фикрингизча, ўз қилмишлари учун бола қайси ёшдан ва қанақа жавобгарликка тортилиши мумкин. | Тинглайдилар, ёзиб оладилар ва саволларга жавоб берадилар. |
| | 2.3. Мустақил Ўзбекистонда ёшлар муаммолари ҳамда уларни ечиш йўлларига алоҳида тўхталиб ўтади. Болаларнинг жамиятдаги ҳолати адабий ва тарихий манбаларга таянган ҳолда ёритиб беради. | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. |
| | 2.4. Ўқувчи-талабаларни кичик гуруҳларга ажратади. Ҳар бир гуруҳга “Резюме” (3-илова) услубидан | Интерфаол усуллардан фойдаланилган |

| | | |
|---|---|---|
| | фойдаланилган ҳолда топшириқлар беради:<br>1. Ота-оналарини йўқотган болалар ҳаётини қандай тасаввур қиласиз?<br>2. Ушбу саволларга жавоб бераётиб, иккита рўйхат тузинг:<br>а) тинчлик пайтида болалар учун нималар зарур?<br>б) уруш пайтида болалар нималарга муҳтож бўлишади? | ҳолда кичик гуруҳларга бўлинадилар. Топшириқ устида мустақил ишлайдилар. |
| | 2.5. Ўқувчи-талабаларнинг жавобларини умумлаштириб, 256-бетдаги Раҳмат Файзийнингт “Ҳазрати инсон” асаридан кичкина парчани ролларга бўлиб ўқишни таклиф этади. Ўқувчи-талабаларни баҳс-мунозарага тортиш мақсадида қўйидаги савол билан уларга мурожаат қилади: Тошкентлик темирчининг ҳатти-ҳаракатидаги қайси жиҳатлар сизга кўпроқ таъсир қилди? | Ролларга бўлиниб, матнни биргаликда ўқийдилар. Саволларга жавоб берадилар. |
| | 2.6. Ўқувчи-талабаларга 260-бетдаги матнларни мустақил ўқишни ҳамда 14, 15,16 ҳамда 17 саволларга жавоб беришни таклиф қилади. 362-бетдаги 18- саволга алоҳида тўхталиб ўтиб, жадвалда келтирилган жавобларни гуруҳларда таҳлил қилишни таклиф қилади (4-илова). Жавобларни умумлаштиради. | Кичик гуруҳларда мустақил ишлаб,эркин баҳс-мунозара юритадилар. |
| | 2.7. Слайдлар ёрдамида болаларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро қонунларга алоҳида тўхталиб, ёритиб беради. | Тинглайдилар ёзиб оладилар. |
| III босқич. Якуний. (10 минут) | 3.1. Тақдимот ва гуруҳларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади. Шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосаларга эътибор қаратади. | Қўшимчалар қилинади. Баҳоланади. |
| | 3.2. Мустақил уйда тайёргарлик кўриш мақсадида уйга вазифалар беради: Ўқув юртида “Болалар жамиятнинг келажаги” мавзусида плакатлар, | Ёзиб оладилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | колажлар ва расмлар кўргазмасини ташкил этинг. | |

## Визуал материаллар

10.1- Илова

1-слайд

### Таянч ибора ва тушунчалар

| | |
|---|---|
| 1.Ижтимоий улғайиш. | 8. Аскар болалар. |
| 2. Ижтимоий ҳодиса. | 9. Қуролли низолар пайтида болаларни ҳимоя қилиш. |
| 3. Тарбия анъаналари. | 10. Урушдан кейин жамиятга мослашув. |
| 4. Боланинг психологик хусусиятлари. | 11. Болалик. |
| 5. Болаларнинг эҳтиёжлари. | 12. Қуролли кучларга ёллаш. |

2-слайд




3-слайд




4-Слайд




10.2-Илова

**Талабаларни баҳолаш мезонлари кўрсаткичлари**

| *Гуруҳ* | *Баҳо* | *Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари* | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *Топшириқни аниқ бажарди.* | *Муаммога ечим топди* | *Фаол қатнашди* | *Жами* |
| | *Балл* | *1,5* | *1* | *0,5* | *3* |
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |

**Гуруҳларга қўйилган баллар кўрсаткичлари**

| *Гуруҳ* | *1* | *2* | *3* | *Умумий балл* | *Баҳо* |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |

2,2 – 3 балл – аъло
1,2 – 2 балл – яхши
0,5 – 1,1 балл – қониқарли

10.3-Илова

# “Резюме” технологияси

Бу технология мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар. муаммо характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади.Айни пайтда ,уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади.Масалан, ижобий ва салбий томонлари,афзаллик. фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

**1-ўқув топширик** 10.4-Илова

***Болалар нима учун куролли кучларга қўшиладилар? Қуйида келтирилган жавоб вариантларини таҳлил қилинг ва ўз жавобларингиз билан тўлдиринг.***

| Командирларга улар нима учун керак | Қўшилиш сабаблари |
|---|---|
| Улар савол бермайдилар, улар буйруқларни бажарадилар.<br>Уларни назорат қилиш осон.<br>Улар ўлимга тайёр туришлари мумкин.<br>Аскарларга бўлган эҳтиёж.<br>Улар хавф-хатарни охиригача англаб етмайдилар. | Қасос олиш, ғазаб туйғулари.<br>Ота-оналари, оиласи томонидан қаровсизлик.<br>Ўзини мудофаа қилиш.<br>Муҳтожлик, яшаш учун маблағи йўқлиги.<br>Аскар, уруш қаҳрамони, қурбон бўлиш юксак шараф ҳисобланган анъаналарга эргашиш.<br>Тенгдошларининг ундаши натижаси. |

| 11-дарс | ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ. |
|---|---|

**11 . Дарснинг таълим технологияси**

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Информацион маълумотга эга бўлган баҳс-мунозарали дарс. |
| *Мавзу режаси* | 1.Жамиятнинг сиёсий тизими.<br>2. Давлат - сиёсий системанинг асосий институти.<br>3. Ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили.<br>4. Ҳуқуқ бошқарувнинг ижтимоий-сиёсий институти сифатида.<br>5. “Фуқаролик жамияти” тушунчаси. |
| *Дарснинг мақсади:* Жамиятнинг сиёсий ва хуқуқий тизими ҳамда Ўзбекистонда хуқуқий демократик жамият қурилишининг асосий йўналишлари ҳақида билимларни шакллантириш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Жамиятнинг сиёсий тизими, моҳияти, тузилиши, элементлари ва унинг социал тузилишига характеристика беради. | Жамиятнинг сиёсий тизимининг моҳиятини ёритиб бера олади. |
| Давлат –сиёсий системанинг асосий институти эканлиги ҳақида маълумотлар беради. | Давлатнинг пайдо бўлиши, моҳияти, белгилари, типлари, шакллари ва функцияларига таъриф беради. |
| Ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилларини тушунтириб беради. | Ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилларини айтиб бера олади. |
| Ҳуқуқ-бошқарувнинг ижтимоий-сиёсий институти эканлигини очиб беради. | Жамиятнинг ҳуқуқий ҳолати, қонуннинг устиворлиги, конститутция ва Парламент каби тушунчаларнинг моҳиятини изоҳлаб беради. |
| Фуқаролик жамиятининг моҳиятини очиб беради. | Фуқаролик жамият ҳақида тасаввурга эга бўлади. |
| *Ўқитиш усуллари* | Маъруза, Б.Б.Б.техникаси ва Блиц – сўров |
| *Ўқитиш воситалари* | Маъруза матнлари, такдимот учун вароғлар, маркер ва скотч. |
| *Ўқитиш шакллари* | Фронтал, жамоавий ва кичик гуруҳларда ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Керакли жиҳожлар билан таъминланган |

| | |
|---|---|
| | аудитория. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз – ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида баҳолаш. |

**Дарснинг технологик харитаси**

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (15 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини ўтказиш учун ўқувчи (талаба) ларнинг тайёргарлигини назоратдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўради. |
| | 1.2. Ўтилган мавзуни таянч иборалари асосида “Блиц-сўров” ўтказади. Қуйидаги тушунчаларга таъриф беришни таклиф этади: ижтимоий улғайиш; ижтимоий ҳодиса (феномен); тарбия анъаналари; боланинг психологик хусусиятлари; боланинг эҳтиёжлари, аскар болалар; урушдан кейин жамиятга мослашув. | Блиц-сўровда фаол қатнашадилар. |
| | 1.3. Ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириб, фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали баҳолайди. | Тинглайдилар. |
| II босқич. Асосий (60 минут) | 2.1. Янги мавзуни эълон қилади. Янги мавзунинг режаси, таянч ибора ва тушунчаларига изоҳ беради. Ҳар бир ўқувчи -талабага мавзу бўйича Б.Б.Б. жадвалини тарқатади. Мавзу режаси асосида жадвалнинг иккинчи устунини тўлдиришни вазифа қилиб беради. (1-илова). | Тинглайдилар,ёзиб оладилар. Тарқатмалардан фойдаланадилар. Маъруза режаси асосида жадвални тўлдиради. |
| | 2.2. “Инсерт” техникасидан фойдаланилган ҳолда, маърузада белгиланган белгилар асосида укувчи – талабаларга қуйидаги саволларга жавоб беришни таклиф қилади:<br>1) нимани улар билишади? (яъни мустақил гапириб бера олишади) | Учинчи ва тўртинчи устунларни тўлдирадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | 2) нима тушунарсиз бўлиб қолди ва ўзлаштирилмади?<br>3) қандай қўшимча маълумот талаб қилинади?<br>Юқоридагилардан келиб чиқиб, учинчи ва тўртинчи устунни тўлдиришни ҳамда таянч тушунчаларнинг тартиб рақам-ларидан фойдаланишни таклиф этади. (2-илова) | |
| | 2.3. Блиц-сўров орқали бир неча жавоблар тингланади ва жуфт-жуфт бўлиб ишлашни таклиф қилади. | Тинглайдилар,ёзиб оладилар.Саволларга жавоб берадилар. |
| | 24. Талабаларнинг жавобларини умумлаштириб, Жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун топшириқлар беради:<br>1) Б.Б.Б. жадвалининг тўртта устунидаги жавобларни таҳлил қилинг;<br>2) ўзлаштирилмаган саволларни умумлаштиринг;<br>3) биргаликда манбалардан жавобларни излаб топинг;<br>4) Жавоб беришга тайёргарлик кўринг.<br>Жуфт-жуфт бўлиб ишлашга ёрдам беради. | Жуфт-жуфт бўлиб топшириқни бажарадилар. Баҳс-мунозара юритадилар. |
| | 2.5. Жавоблар тинглаб бўлингач, слайдлар ёрдамида ўқув машғулотининг ўрганилмаган қисмлари тушунтирилади. (3-илова) | Тинглайдилар, ёзадилар. |
| | 2.6. Таянч тушунча ва ибораларга қайтилади, талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади. Б.Б.Б. жадвалининг бешинчи устунини тўлдиришни таклиф қилади. | Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Жадвални тўлдирадилар. |
| III босқич. Якуний. (15 минут) | 3.1. Мавзунинг ҳар бир саволига умумий якуний хулоса беради. | Эшитади. |
| | 3.2. Ўқувчи – талабаларнинг фаоллиги баҳолаш мезонлари орқали баҳоланади. (4-илова) | Ўзини қизиқтирган саволлар беради. |

| | | |
|---|---|---|
| | 3.3. Мустақил тайёргарлик кўриш учун уйга вазифа беради: ”Ўзбекистонда фуқаролик жамияти вужудга келишда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ўрни” мавзусида эссе ёзиб келинг. | Топшириқни ёзиб оладилар. |

11.1-Илова

## Б.Б.Б. техникаси

Б.Б.Б. жадвали: Биламан, Билишни хоҳлайман, Билдим.

- матн (мавзу, бўлим) бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш имконини беради;

-тизимли мулоҳаза қилиш, таркибга ажратиш кўникмаларин ривожлантиради.

Б.Б.Б жадвалини тузиш қоидалари билан таништиради. Якка тартибда ( жуфтликда) жадвал расмийлаштирилади.

↓

Қўйидаги саволга жавоб берилади: Ушбу мавзу бўйича сиз нимани биласиз?” ва “Нимани билишни хоҳлайсиз?” ( Келгуси иш учун тахминий асос яратилади)

↓

Якка тартибда ( жуфтликда) жадвалнинг 1 чи ва 2 чи устуни тўлдирилади.

↓

Мустақил равишда маъруза матнини ўқийди ( маърузани эшитади)

↓

Жадвалнинг 3-устунини мустақил (жуфтликда ) тўлдиради.

## БББ техникасининг қоидаси.

1. “Инсерт” техникасидан фойдаланилган ҳолда матнни ўқиб чиқинг.
2. Олинган маълумотларни индивидуал соҳаларга ажратинг. Қалам билан қўйилган белгилар асосида БББ жадвалини тўлдиринг.

**“Инсерт” техникасининг қоидаси:**

1. Матнни ўқиб чиқинг.
2. Олинган маълумотларни диққат билан ўрганиб, соҳаларга ажратинг. Қалам билан ҳар бир қаторга қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:

*V* – биламан;
+ – янги маълумот;
– – билганларимга зид;
? – мени ўйлантирмоқда.

**1-ўқув топшириқ** 11.2-Илова

**БББ жадвали**

| *№* | *Мавзу саволлари* | *Биламан* | *Билишни истайман* | *Билиб олдим* |
|---|---|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** |
| 1. | Жамиятнинг сиёсий тизими. | | | |
| 2. | Давлат сиёсий системанинг асосий институти. | | | |
| 3. | Ҳокимиятнинг бўлиниш тамойиллари. | | | |
| 4. | Ҳуқуқ бошқарувнинг ижтимоий-сиёсий институти сифатида. | | | |
| 5. | “Фуқаролик жамияти” тушунчаси. | | | |

## Визуал материаллар

11.3-Илова
1-слайд

**Иборалар асосида визуал материаллар**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Сиёсий тизим. | 9. | Ижро этувчи орган. |
| 2. | Давлат. | 10. | Суд ҳокимиятлари. |
| 3. | Ҳокимият. | 11. | Сиёсий плюрализм. |
| 4. | Сиёсий онг. | 12. | Ижтимоий ҳаракатлар. |
| 5. | Сиёсий маданият. | 13. | Сиёсий партиялар. |
| 6. | Ҳуқуқ. | 14. | Фуқаролик жамияти. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 7. | Ўзбекистоннинг сиёсий ва ҳуқуқий тизими. | 15. | Ўз-ўзин бошқариш шакллари. |
| 8. | Қонун чиқарувчи орган. | 16. | Маҳалла қўмиталари. |

2-слайд




3-слайд




4-слайд



5-слайд

**Сиёсий муносабатлар** → Сиёсат субъектларининг ўзаро таъсирларининг шакли, сиёсий ҳокимиятни эгаллаш, ўрнатиш, амал қилиш, қўллаш, ривожлантириш ва ўзгартириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлаш туридир; бу – сиёсий система институтлари, сиёсий ва ижтимоий системалар ўртасида таркиб топадиган ўзаро таъсирларнинг бир-бирига муносабатлари ва ўзаро таъсир шаклларининг йиғиндисидир.

6-слайд

**Сиёсий нормалар** → Жамият сиёсий ҳаётини мувофиқлаштириб, бошқариб турувчи норма ва анъаналар йиғиндисидир. Сиёсий муносабатларнинг қандай шаклда ва қанақа доирада бўлиши фақат давлат-сиёсий институциялари билангина эмас, шу билан бирга норматив тизим (мамлакат Конституцияси, бошқа қонун ва қонунга оид ҳужжатлар), булардан ташқари ёзилмаган сиёсий анъаналар, одатлар, жамоат ташкилотлари нормалари, ахлоқий нормалар билан бошқариб турилади.

7-слайд

*Сиёсий маданият* ўз ичига қуйи-даги элемент-ларни олади

- муайян жамият учун типик бўлган ва мустаҳкамланиб қолган сиёсий ҳатти-ҳаракат намуналари ва қадрият мўлжаллари;
- мазкур жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий институциялар ва жараёнларнинг хусусиятларини белгилаб берувчи билимлар, ҳатти-ҳаракат нормалари ва намуналари, қадрият ва анъаналари;
- ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида кишиларнинг сиёсат соҳасидаги сиёсий ҳатти-ҳаракатларга таъсир кўрсатувчи тарихий тажрибаси, хотираси, ҳатти-ҳаракат маданияти, шахсий мўлжаллари ва кўникмалари.

8-слайд




9-слайд

Бошқарувнинг монархия ва республикадек асосий икки шакли мавжуд.

Монархияда олий давлат ҳокимияти давлат бошлиғи - монархнинг (қирол, шоҳ, император ва ҳ.к.) якка ўзига тегишли бўлади, одатда улар тахтни мерос қилиб оладилар.

Республикаларда эса давлат ҳокимияти маълум муддатга сайланган ва сайловчилар олдида масъулияти бўлган сайланган органларга тегишли бўлади.

10-слайд

Давлат тузилишининг унитар ва федератив деб аталувчи икки асосий шакли мавжуд.

Унитар давлатда ҳокимият марказлаштирилган бўлади, унинг маъмурий-ҳудудий бирликлари (вилоятлар, провинциялар, округлар ва шу кабилари) давлат тузилмаси мақомига, суверен ҳуқуқларга эга бўлмайди.

Федератив давлат (федерация) – мураккаб иттифоқ давлатидир, унинг қисмлари (республикалар, штатлар, ерлар, кантонлар ва ҳоказолар) давлат ҳисобланади ёки давлат мақомига эга ҳодисалар бўлиб, улар суверенитетга эга.

11-слайд

Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятнинг қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлиниши Асосий Қонун – Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган (11-модда). Асосий Қонуннинг бешинчи бўлими ("Давлат ҳокимиятининг тузилиши") қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятларининг, шунингдек қонунчиликни бутун мамлакат ҳудудида аниқ ва бир хил бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг тузилиши ва фаолияти тамойилларига бағишланган

12-слайд

Фуқаролик жамияти →

Шахсга томон йўналтирилган, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат вазиятини, умумгуманистик идеалларни яратувчи, ижод ва тадбиркорлик эркинлигини таъминловчи, инсон ва фуқаро ҳуқуқларини амалга оширувчи ва бахт-саодатга эришувни таъминловчи эркин демократик ҳуқуқий жамиятдир.

| 5-бахс дарси | ИНСОНИЙЛИК ВА ШАФҚАТСИЗЛИК –ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИККИ ТОМОНИ. |
|---|---|

## 12. Дарснинг таълим технологияси

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган баҳс-мунозарали дарс. |
| *Мавзу режаси* | 1. Можаро турлари.<br>2.Кишилар ўзаро муносабатлиридаги шавқатсизлик.<br>3. Уруш олиб бориш усул ва воситаларини чеклаш. |
| *Дарснинг мақсади:* Инсонийлик шавқатсизлик инсоний муносабатларнинг икки қарама – қарши томони эканлиги ҳақида тасаввурни шакллантириш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Можаронинг мазмуни ва инсонпарварлик концепциясининг моҳиятини ёритиб беради. | Можаро, инсонпарварлик тушунчаларига таъриф беради. |
| Кишилар ўзаро муносабатларидаги шафқатсизлик ҳамда шафқатсизликни чеклаш аҳамияти билан таништиради. | Шафқатсизлик, ўта шафқатсизлик ҳамда шафқатсизликни чеклаш каби тушунчаларнинг моҳиятини изоҳлаб беради. |
| Ҳаддан ортиқ азоб – уқубат етказадиган ва нишон танламайдиган хусусиятга эга қуроллардан фойдаланиши нима учун тақиқланганлигини тушунтириб беради. | Уруш олиб бориш қоидаларини айтиб беради. |
| *Ўқитиш усуллари* | Кичик гуруҳларда ишлаш, Ақлий хужум. |
| *Ўқитиш воситалари* | Маруза матнлари, тақдимот учун вароғлар, маркер ва скотч. |
| *Ўқитиш шакллари* | Фронтал, жамоавий ва гуруҳларда ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз – ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида. |

## Дарснинг технологик харитаси

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини ўтказиш учун ўқувчи (талаба) ларнинг тайёргарлигини назоратдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўрадилар. |
| | 1.2. Ўтилган мавзунинг таянч ибора ва тушунчалари асосида блиц – сўров ўтказади. Қуйидаги тушунчаларга таъриф беришни таклиф етади: давлат; ҳокимият; сиёсий онг; Ўзбекистоннинг сиёсий ва ҳуқуқий тизими; сиёсий плюрализм; ижтимоий ҳаракатлар; ўз – ўзини бошқариш шакллари. Уйга берилган вазифанинг назоратини ўтказади. Энг яхши эссе муаллифини аниқлайди. | Жавоб берадилар фикр – мулоҳаза билдирадилар. |
| | 1.3. Ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириб, фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали баҳолайди (1 – илова). | Тинглайдилар. |
| II босқич. Асосий (70 минут) | 2.1. Янги мавзуни эълон қилади. Янги мавзунинг режаси, таянч ибора ва тушунчаларига изоҳ беради. Ўқувчи - талабаларни 3 та кичик гуруҳга бўлади. | Тинглайдилар, ёзиб оладилар, гуруҳларга бўлинадилар. |
| | 2.2. Ҳар бир гуруҳга ақлий ҳужум теҳникасидан фойдаланилган ҳолда топшириқлар беради (2 – илова). Гуруҳларда топшириқларни бажарилишига ёрдам беради. Уларнинг тақдимотини тинглайди. Фикрларини умумлаштиради. | Гуруҳларда ишлайдилар. |
| | 2.3. Ўқувчиларнинг “шафқатсизлик вазиятида инсонийлик” тушунчасини ўзлаштириб олишларига ёрдам беради (3–илова). Инсонийлик, инсонпарвар-лик, ижтимоий можаро каби тушунчаларининг моҳиятини ёритиб беради. | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. |
| | 2.4. Ўтмиш саҳифаларига ўқувчи-талабаларнингдиққатини жалб қилади, уларга “Нодира”, “Қўқон ҳони Муҳаммад Али”, “Буҳоро амири | Тинглайдилар, саволларга жавоб берадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | Насруллаҳон" ҳақида гапириб беради. Қуйидаги саволларга жавоб беришни таклиф қилади:<br>1. Агар Нодира зулмга йўл қўймай, обрў – эътибор қозонган бўлса, бунга у қандай эришган?<br>2. Зулмнинг қайси шакллари обрўга барҳам беради?<br>3. Қўқон ҳонлари Умаржон, Муҳаммад Али ва Буҳоро амири Насрулло зулм оловини ёқиб, қандай мақсадларга интилган едилар? | |
| | 2.5. Талабаларнинг саволларини умумлаштириб 3 та гуруҳга топшириқлар беради (4, 5–илова). Топшириқларини бажарилишига кўмак берадилар. Тақдимотни тинглаб ўз фикрларини билдиради. | Топшириқлар устида ишлайдилар. Тақдимот ўтказадилар. |
| | 2.6. Замонавий уруш усули ва воситаларини чеклаш ҳақидаги масалани слайдлар ёрдамида ёритиб беради (3 – илова). | Тинглайдилар ёзиб оладилар. |
| III босқич. Якуний. (10 минут) | 3.1. Мавзунинг ҳар бир саволига умумий якуний ҳулоса беради. | Эшитади. |
| | 3.2. Талабаларнинг фаоллигини баҳолаш мезони орқали баҳолайди. | Ўзини қизиқтирган саволлар беради. |
| | 3.3. Уйга вазифа беради: "Инсонпарварлик – энг олий қадрият" мавзусида эссе ёзиб келинг. | Ёзиб оладилар. |

12.1-Илова

**Ўқувчи - талабаларни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

| *Гуруҳ* | *Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонл* | | | |
|---|---|---|---|---|
| | *1-вазифа* | *2-вазифа* | *3-вазифа* | *Жами* |
| | *5 балл* | *5 балл* | *5 балл* | *15 балл* |
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |

12.2-Илова

**1-ўқув вазифа**

“Ақлий ҳужум” техникасидан фойдаланилган ҳолда қўйидаги вазифаларни бажаринг:

1-гуруҳ




2-гуруҳ




3-гуруҳ



12.3-Илова

**Визуал материаллар**

1-слайд

**МОЖАРО** → бу ўзаро таъсирдаги субъектларнинг манфаатлари, тутган йўллари, фикрлари ёки қарашларининг тўқнашувидир. Ҳар қандай можаро замирида муайян вазият ётади.

2-слайд

**ИНСОНИЙЛИК** → бу одамларга ҳурмат, улар фаровонлиги тўғрисида қайғуриш, меҳр-оқибат, эзгулик, шафқатлиликдир.

3-слайд

Шафқатсизлик → одамлар ёки ҳайвонларга ёвуз ниятларни кўзлаб, ўта қаттиққўллик, бераҳмлик, аёвсизлик билан муносабатда бўлиш, ҳатти-ҳаракат содир этиш, муомала қилиш ва азоб беришдир.

4-слайд

**Қуролли можаро пайтидаги чекловлар**

***Милоддан олдинги VI аср – Қадимий Юнонистон***

Давлатлараро можароларни тартибга солувчи қуйидаги келишувлар бўлган:

- *уруш ҳаракатлари баъзан ножоиз; муқаддас тинчлик сулҳларига, айниқса, Олимпиада ўйинлари пайтида эълон қилинганларига риоя қилиш шарт;*
- *уруш жангчиларнинг иши, шунинг учун тинч аҳолига ҳужум қилиш мумкин эмас;*
- *қуролларнинг жуда шафқатсиз турларидан (масалан, палақмонлардан) фойдаланишни чеклаш зарур.*

*KOINA NOMINA*

5-слайд

**Қуролли можаро пайтидаги чекловлар**

***Эрамиздан олдинги I аср – Ҳиндистон***

*90. У душман билан жанг қилаётганда, дарахтга бекитиб қўйилган қуролини ҳам, ўткир тишлари бўлган ёки заҳарланган, ёхуд учида олов ёқилган қуролини ҳам ишлатмасин.*

*91. Ухлаётган одам ҳам, яланғоч ёки қуролсиз одам ҳам, жангни четдан кузатиб турган ҳам, бошқа душман билан жанг қилаётганларга ҳам тегинилмасин.*

*92. Қуроли синиб қолганларга ҳам, ғам-ғуссага ботганларга ҳам, оғир ярадор бўлганларга ҳам, қўрқиб турганларга ҳам, жанг қилишни тўхтатганларга ҳам тегмайлик; бироқ бундай барча ҳолатларда ҳам у шонли жангчи бурчини унутмасин.*

*МАНУ КОДЕКСИ*

6-слайд

**Қуролли можаро пайтидаги чекловлар**

***VII аср – Яқин Шарқ***

*Агар сен жангда ғолиб бўлган бўлсанг, қочаётган ёки ярадор аскарни ўлдирма; жинсий аъзоларини яланғочлама ва одобсизлик қилма; ҳалок бўлганларнинг жасадини таҳқирлама;рухсат олмасдан бегона уйга қадам босма; бу уйда яшаётганларнинг мулкини тортиб олма; ҳатто сени ёки ҳукмдорларингни ҳақоратлаётган бўлса ҳам, аёлларга зиён келтирма; ва доимо Худони ёдда тут, Унинг шафқатига мушарраф бўлиш имконига эга бўлишга интил.*

*ХАЛИФА АЛИ ИБН АБУТОЛИБ*

7-слайд

**Қуролли можаро пайтидаги чекловлар**

*Хоинликдан, ўта шафқатсизликдан ва таҳқирлашдан ўзингни тут; ҳеч қачон болаларни, қарияларни ёки аёлларни ўлдирма; ҳеч қачон хурмо дарахтларини чопма ва ёқма, ҳеч қачон мевали дарахтларни кесма; қорнингни тўйғазиш мақсадидан ташқари, ҳеч қачон эчки, сигир ёки туяларни ўлдирма. Намоз ўқиётган кишилар ёнидан ўтаётган бўлсанг, уларга халақит берма.*

*ХАЛИФА АБУ БАКР АЛ-СИДДИҚ*

8-слайд

**Қуролли можаро пайтидаги чекловлар**

| |
|---|
| ***XII аср - Япония***<br>*Бусидо таълимотининг учинчи аҳкоми инсонпарварлик, яъни бошқаларга муҳаббат, сабр-тоқатлилик ва ҳамдардликдир. Бу хислатлар зодагонлар ва императорг хос. Жанг майдонида кучсизлар ва мағлубларга нисбатан инсонпарварлик кўрсатиш жангчининг олийжаноб ахлоқи сифатида мақталган.*<br>*БУСИДО КОДЕКСИ* |

9-слайд

**Қуролли можаро пайтидаги чекловлар**

| |
|---|
| ***XII аср - Нидерландия***<br>*Халқаро ҳамжамият – бу давлатлар ва уларнинг раҳбарлари ихтиёрида бошқа давлатларга, уларнинг раҳбарларига қўллаш мумкин бўлган қонунлар мавжуд деган тушунча бирлаштириб турган ҳамжамиятдир. Бу миллатлар қонуни барча одамлар ва барча давлатларни бошқаради, шаклланган удумлари бўлган мамлакатларда эса бу қонун ёзма битим кўринишида мавжуддир.*<br>*Г.ГРОЦИЙ* |

10-слайд

Уруш ҳаракатлари олиб бориш усул ва воситаларини чекловчи баъзи бир шартномалар

- Портловчи ва ёндирувчи ўқлардан фойдаланишни тўхтатиш тўғрисидаги Санкт-Петербург деклорацияси (1868 й.);
- Қуруқликдаги уруш қонун ва удумларига таалуқли Гаага конвенцияси (1899 й.);
- Урушда буғувчи заҳарловчи ёки бошқа шунга ўхшаш газларни ва бактериологик воситаларни қўллашни тақиқлаш тўғрисидаги Женева протоколи (1925 й.);
- Бактериологик ва заҳарли қуролларни яратиш, ишлаб чиқариш ва заҳираларини тўплашни тақиқлаш тўғрисидаги конвенция (1972 й.);
- Оддий қуролнинг ҳаддан ортиқ жароҳат етказувчи ёки нишон танламайдиган ҳисобланувчи конкрет турларини қўллашни тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисидаги Конвенция ва унинг

протоколлари (1980 й.);
- Кимёвий қуролларни яратиш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва қўллашни тақиқлаш ҳамда уларни йўқ қилиш тўғрисида конвенция (1993 й.);
- Кўзни кўр қилувчи лазер қуролига оид Протокол (1995 й.);
- Пиёдаларга қарши миналарни ишлаб чиқариш, бошқаларга бериш, заҳираларини тўплаш ва қўллашни тақиқлаш ҳамда уларни йўқотиш тўғрисидаги конвенция (1997 й.).

11-слайд

Маданият объектлари ва табиий муҳитни уруш ҳаракатларидан ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар

- Қурлли можаро юз берганда маданий қадриятларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Гаага Конвенцияси ва Протоколи (1954 й.);
- Табиий муҳитга ҳарбий ёки ҳар қандай душманларга таъсир қилувчи воситаларни ишлатишни тақиқлаш тўғрисидаги Конвенция (1976 й.);
- Қуролли можаро юз берганда маданий қадриятларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги иккинчи Протокол (1999 й.).

12.4-Илова

**2-ўқув вазифа**

1-гуруҳ

***Қўқон хони Умархон зулм оловини ёқиб қандай мақсадларга интилган эди ва оқибатда, нимага эга бўлди:***

| Ҳукмдор | Мақсад | Воситалар | Натижа |
|---|---|---|---|
| Умархон | | | |

2-гуруҳ

***Қўқон хони Муҳаммад Али зулм оловини ёқиб қандай мақсадларга интилган эди ва оқибатда, нимага эга бўлди:***

| Ҳукмдор | Мақсад | Воситалар | Натижа |
|---|---|---|---|
| Муҳаммад Али | | | |

3-гуруҳ

***Бухоро амири Насрулло зулм оловини ёқиб қандай мақсадларга интилган эди ва оқибатда, нимага эга бўлди:***

| Ҳукмдор | Мақсад | Воситалар | Натижа |
|---|---|---|---|
| Насрулла | | | |

12.5-Илова

**3-ўқув вазифа**

**Жадвални тарихдан олинган мисоллар билан тўлдиринг:**

| Шафқатсизликка мисол | Реакция шаклига мисол | Қаршилик кўрсатишнинг оқибати |
|---|---|---|
| | | |
| Ўта шафқатсизликка мисол | Реакция шаклига мисол | Қаршилик кўрсатишнинг оқибати |

| | | |
|---|---|---|
| | | |

Қуйидагилар ҳақида ўйлаб кўринг

*а) Ўта шафқатсизлик қилинишини қандай изоҳлаш мумкин?*
*Ўта шафқатсизлик қилинишини оқлаш мумкинми?*
*У қандай оқибатларни вужудга келтиради?*

*б) Нима учун жадвалга кирган кўпгина мисоллар оқлаб бўлмайдиган ҳатти-ҳаракатлар, деб таърифланади?*

*в) Шафқатсизлик ўта шафқатсизликни қандай қилиб вужудга келтириши мумкинлигини тушунтириб беринг.*

| 13-<br>дарс | ИНСОН ВА ЖАМИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИ. |
|---|---|

## 13 . Дарснинг таълим технологияси

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | “Дельфи” техникасидан фойдаланилган ҳолда билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган назарий машғулот. |
| *Мавзу режаси* | 1. Маънавиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни.<br>2. Мустақиллик ва халқимиз маънавиятининг қайта тикланиши.<br>3. Диннинг инсон ҳаёти ва жамиятдаги ўрни. Диний экстремизм ва фундаментализм ҳавфи.<br>4. Ҳуқуқий онг ва жамият. |
| *Дарснинг мақсади:* Инсон ва жамиятнинг маънавий ҳаёти тўғрисида яхлит тасаввурни шакллантириш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Маънавиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида гапириб беради. | Маънавият инсоннинг онги, туйғуси, ҳиссиёти, билими ва эътиқоди эканлигини тушунтирадилар. |
| Мустақиллик ва халқимиз маънавиятининг қайта тикланиши изоҳлаб беради. | Мустақиллик йилларида қайта тикланган маънавий қадриятларни санаб берадилар, тушунтирадилар. |
| Диннинг инсон ҳаёти ва жамиятдаги ўрни, диний экстремизм ва фундаментализм ҳавфининг моҳиятини ёритиб беради. | Дин – ижтимоий ҳодиса эканлигини тушушниб етади, диний экстремизм ва фундаментализм тушунчаларини характерлаб берадилар. |
| Ҳуқуқий онг ва жамият тушунчаларининг моҳиятини очиб беради. | Ҳуқуқий онг ва жамият тушунчаларига таъриф беради. |
| *Ўқитиш усуллари* | Топшириқлар амалий ишлаш учун, баҳс – мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, Дельфи технологияси. |
| *Ўқитиш воситалари* | Лазерли проектор, визуал материаллар. |
| *Ўқитиш шакллари* | Жамоавий, фронтал ва гуруҳларда ишлаш. |

| | |
|---|---|
| *Ўқитиш шароитлари* | ТСО билан ишлашга мослаштирилган ҳона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз – ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида баҳолаш. |

**Дарснинг технологик харитаси**

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (15 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини ўтказиш учун ўқувчиларнинг тайёргарлигини назоратдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўради. |
| | 1.2. Ўтилган мавзуни такрорлаш мақсадида саволлар беради:<br>1.”Инсонийлик” ва “Шафқатсизлик” тушунчаларининг моҳиятини очиб беринг?<br>2.Кишиларнинг ўзаро муносабатла-ридаги инсонийлик ҳатти ҳаракат ҳақида гапириб беринг?<br>3.Замонавий уруш усул ва воситаларини чеклаш деганда нимани тушунасиз?<br>Уйга берилган топшириқ, яъни “Инсонпарварлик – энг олий қадрият” мавзусида ёзилган энг яхши эссе муаллифини аниқлаб, назоратдан ўтказади. | Савол жавобга қатнашадилар. Уйга берилган вазифани ўқиб беради. |
| | 1.3. Ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириб, фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали баҳолайди. Ўқувчи – талабаларни кичик гуруҳларга ажратади. | Тинглайдилар. Гуруҳларга ажраладилар. |
| II босқич. Асосий (70 минут) | 2.2. Янги мавзуни эълон қилади. Янги мавзунинг режаси, таянч ибора ва тушунчаларига изоҳ беради. Ҳар бир ўқувчига мавзу бўйича тарқатма материаллар тарқатади. | Ёзадилар. Тарқатмалардан фойдаланадилар. |
| | 2.2. Маънавиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни масаласини “Ақлий ҳужум” техникасидан фойдаланил- | “Ақлий ҳужум” техникасидан фойдаланилган ҳолда |

| | | |
|---|---|---|
| | ган ҳолда ёритиб беради. Ўқувчи – талабаларга “Маънавият деганда нимани тушунасиз?” деб савол билан мурожаат қилади. | мулоҳазалар билдирадилар. |
| | 2.3. Ўқувчи-талабаларнинг фикрларини умумлаштириб бўлгач, саволни тўлиқ ёритади, сўнгра “Маънавият қандай ҳодисаларни ўз ичига олади?”- деб савол билан мурожаат қилади, ҳамда Концептуал жадвални тўлдиришни сўрайди. Агар ўқувчи-талабалар бу жадвални тўлдиришга қийналса, ўқитувчи уларга кўмаклашади. (1-илова). | Ёзиб оладилар, жадвални тўлдирадилар. |
| | 2.4. Мустақиллик ва халқимиз маънавиятининг қайта тикланиши мавзусини слайдлар ёрдамида ёритиб беради. (2-илова, слайдларда кўргазмали фотосуратлар акс эттирилиши лозим). | Тинглайдилар, муҳим жиҳатларини ёзиб оладилар. |
| | 2.5. Диннинг инсон ҳаёти ва жамиятдаги ўрнини сўзлаб беради. Диний экстремизм ва фундаментализм хавфини ҳаётий мисоллар билан ёритиб беради. | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. |
| | 2.6. Учинчи масалани умумлаштириб бўлгач, тўртинчи масалага ўтади. “Ҳуқуқий онг” ва “Ҳуқуқий маданият” тушунчаларига алоҳида тўхталиб ўтиб, изоҳ беради. “Дельфи” технологиясидан фойдаланилган холда “Кишилар-нинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш омилларини кўрсатиб беринг”, - деб номланган топшириқ беради. (3-илова). | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Кичик гуруҳларда топшириқ устида ишлайдилар. |
| | 2.7. Ўқувчи-талабаларга топшириқ устида ишлашга кўмак беради. Баҳолаш мезони ва кўрсатгичлари билан таништиради. (4– илова). | Жадвални гуруҳ бўлиб тўлдирадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | 2.8. Ватман – қоғозларига чизилган жадвалларни назоратдан ўтказиб, ўқувчи-талабаларнинг тақдимотини тинглайди. Иш якунларини чиқаради. Гуруҳларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради. | Тақдимот ўтказади. Баҳс-мунозара юритади. |
| III босқич. Якуний. (15 минут) | 3.1. Ўқувчи-талабаларни қай даражада янги мавзуни ўзлаштирганлигини аниқлаш мақсадида саволлар беради:<br>1. Маънавият деганда нимани тушунасиз?<br>2. Маънавий соҳани ривожлатириш учун қандай вазифаларни бажариш лозим?<br>3. Диний экстремизм ва фундаментализм деганда нимани тушунасиз?<br>4. Жамиятнинг маънавиятини юксалтириш учун нималар керак?<br>Ўқувчи-талабаларнинг жавобларини умумлаштириб, умумий хулоса чиқаради. | Саволларга жавоб берадилар. |
| | 3.2. “Маънавият жамият тараққиётининг мезони бўла оладими” мавзусида эссе ёзиб келишни уйга вазифа қилиб беради. | Эшитади, аниқлайди, ёзиб олади. |

13.1-Илова

## 1-ўқув вазифа

***Концептуал жадвал:*** Ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, қараш, мавзу ва шу кабиларни икки ва ундан ортиқ жиҳат бўйича таққослаш имконини беради. Тизимли мушохада қилиш, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

Концептуал жадвал тузиш қоидалари билан танишилади.Таққоланадиган нарса аниқланади, таққослаш амалга ошириладиган тавсифлар ажратилади.

-Якка тартибда ёки мини – гуруҳларда концептуал жадвал қурилади ва у тўлдирилади;
- вертикал бўйича-таққослаш талаб этиладиган нарсалар (қарашлар, назариялар)жойлаштирилади;
-горизонтал бўйича –таққослашни амалга оширишдаги ҳар хил тавсифлар жойлаштирилади.

Иш натижаси тақдимоти.

## Концептуал жадвал

***Савол:*** Маънавият қандай ҳодисаларни ўз ичига олади?

<table>
<tr><td rowspan="2">... га ёндашувлар,<br>... тушунчалари</td><td colspan="4">Таклифлар, тоифалар, ажралиб турадиган белгилар ва шу кабилар</td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
</table>

13.2-Илова

## Визуал материаллар

1-слайд

Маънавият → (арабча, маънолар мажмуи) кишиларнинг фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуини ташкил этади.

2-слайд

“Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкам-лайдиган, виждонини ўйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан“

Ислом Каримов

3-слайд

***Маънавият*** инсоннинг онги, туйғуси, ҳиссиёти, билими ва эътиқодида мужассамлашган руҳий сифат бўлиб, у шахс камолоти ва баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Чунки фуқаролари маънавий баркамол жамиятгина ижтимоий-иқтисодий жиҳҳатдан юксак чўққиларга кўтарилади

4-слайд

Ижтимоий онг → Табиий ва ижтимоий воқе-ликнинг инъикоси, жамиятнинг муайян даврига ёки қисмига тегишли бўлган умумий ҳис-туйғулар, кайфиятлар, қарашлар, ғоялар, назариялар мажмуидир.

5-слайд



6-слайд




7-слайд



8-слайд

**Мамлакатимизда маънавий ҳаёт соҳаларида ҳозирги пайтда бажарилиши керак бўлган вазифалар**

а) халқнинг маънавий-маданий меросини ўрганиш;
б) шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш;
в) жамиятдаги соғлом кучлар – юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш;
г) миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашни, ёшларни Ватанимизнинг ҳар томонлама етук фарзандлари руҳида тарбиялаш ва уларни истиқлол ишининг фаол давомчилари бўлиб етишишларини таъминлаш;
д) маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий тараққиёт йўналишлари билан боғлиқ омилларни, миллий давлатчилик қадриятларини ўрганиш ва оммавийлаштириш;
е) умумбашарий қадриятлардан фойдаланиш мақсадида мамлакат ва дунёдаги хилма-хил мафкура, эътиқод, ғояларни ўрганиш, соғлом дунёқарашни ҳамда сиёсий маданиятни шакллантириш;
ж) жамоат бирлашмалари, илмий, ижодий муассаса ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш;
з) ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлигини қарор топтириш;
и) жамиятнинг ахлоқий ҳаётини яхшилаш.

9-слайд

Дин → Ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, кишилик жамияти тараққиёти жараёнида маълум босқичда пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларидан биридир

10-слайд

Миллий, этник, тил, ирқ, туғилган жойи, фуқаролик каби хусусиятларидан қатъий назар бутун ер юзи бўйлаб ёйилган жаҳон динлари қуйидагилардир:

| Динлар номи | Мамлакатлар | Аҳоли сони |
|---|---|---|
| Христиан | 254 | 2 миллиард |
| Ислом | 172 | 1,3 миллиард |
| Буддавийлик | 86 | 700 миллион |

11-слайд

Ўзбекистонда динга, диндорларга нисбатан давлат муносабати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Таълим тизими диндан ажратилган.

12-слайд

Диний экстремизм → Экстремизмнинг дин ниқобида намоён бўлиш шакли бўлиб, у мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ўта кескин чора-тадбирларни, фикр-қарашларни ёкловчи назария ва амалиётни англатади

13-слайд

Ислом фундамента-лизми → соф ислом асосларига қайтиш, анъанавий ислом ақидаларига риоя қилишга қайтиш демакдир.

14-слайд

“Ҳизбут-таҳрир"чилар

"Демократия куфр низоми, буни ҳаётга татбиқ қилиб бўлмайди, халифаликни тиклаш билан ҳақиқий исломий ҳаётни қайтариш мумкин",- деб даъво қиладилар.

15-слайд

Ваҳҳобийлар

Динни Пайғамбаримиз (с.а.в.) давридаги "асл ҳолати"га келтириш лозим, деган ниқоб остида ҳаракат қилиб, шу йўлда кураш олиб борадилар.

16-слайд

"Ислом фан, таълим ва маданият ташкилоти" нинг Жидда шахрида бўлиб ўтган конференциясида 2007 йилда Тошкент шахри " Ислом маданияти" маркази деб эълон қилинди.

17-слайд

***Ҳуқуқий онг***

Кишилар ўзаро муносабатларининг, уларнинг мавжуд ижтимоий ҳодисаларга, муассаса, ташкилот ва шу кабиларнинг фаолиятига муносабатларининг ҳақлик ёки ноҳақлик, қонунга мувофиқлик ёки номувофиқлик, тўғрилик ёки нотўғрилик нуқтаи назаридан акс этишидир.

18-слайд

**Ҳуқуқий маданият** → фуқароларнинг етуклиги ва онглилигини кўрсатувчи мезон.

19-слайд

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, жамиятнинг маънавий ҳаёти ва Ўзбекистонда маънавий янгиланиш масалалари юқорида кўрсатиб ўтилганидек кишиларнинг маънавий оламини ривожлантиришга, жамиятнинг маънавий қиёфасини яхшилашга ва у билан ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришга, пировард натижада Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган.

13.3-Илова

**2-ўқув вазифа**
**«Дельфи» технологияси**

“Дельфи” технологияси муаммони ҳал этишнинг жамоали баҳолаш ва танлаш имконини беради.

Гуруҳнинг ҳар бир иштрокчиси муҳимлик даражаси бўйича таклиф этилган альтернативаларни тақсимлайди (1-энг муҳим, n-муҳимлиги энг паст) ва натижаларни рўйхатнинг “Р” қаторига киритади.

↓

Альтернативаларнинг ҳар бири мақбуллик, самарадорлик, тежамлилик даражаси ёки бошқа кўрсаткич бўйича 10 баллик тизимга мувофиқ, баҳоланади (1-энг юқори балл, 10-энг кам ). Натижалар “Б” қаторига киритилади.

↓

“Р” ва “Б” қаторлари натижалари қайта кўпайтирилади ва натижа якуний “П” қаторгак киритилади

↓

Якуний баҳолаш вароғи тузилади. Кўпайтиришлар йиғиндисининг энг кам натижаси альтернативаларнинг энг қулайини кўрсатади.

**Қарама-қарши фикрларнинг баҳолар йиғиндиси жадвалини тўлдиринг.**

| Талабалар-нинг исми ва шарифи | Кишиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш омилларини кўрсатиб беринг | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1. | | | 2. | | | 3. | | |
| | Д | Б | К | Д | Б | К | Д | Б | К |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| **Кўпайтма йиғиндиси** | | | | | | | | | |

Д – даражали баҳо.
Б – муқобил баҳо.
К – Д ва Б кўпайтмаси

1-энг юқори балл.
10-энг паст балл.

13.4-Илова

**Гуруҳларнинг машғулотдаги фаоллигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари**

| Топшириқлар, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари | I-гуруҳ | II-гуруҳ | III-гуруҳ | IV-гуруҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1-топшириқ: (1,5 балл) | | | | |
| - мавзу ёритиб берилди (0,5 балл) | | | | |
| - аниқ ва мантиқан тўғри баён этилди (0,5 балл) | | | | |
| - гуруҳ фаол қатнашди (0,5 балл) | | | | |
| 2-топшириқ: (1,5 балл) | | | | |
| - аниқ хулоса чиқарилди (0,5 балл) | | | | |
| - мисоллар келтирилди (0,5 балл) | | | | |
| - регламентга эътибор қаратилди (0,5 балл) | | | | |
| Жами: (3 балл) | | | | |

0,5 балл – «аъло».
0,4 балл – «яхши»
0,3 балл – «қониқарли».

2,5 – 3 балл – «аъло».
1,9 – 2,4 балл – «яхши».
2,3 – 1,8 балл – «қониқарли».

| 14-<br>дарс | **ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР – ЖАҲОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КЎЗГУСИ. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА.** |
|---|---|

**14 . Дарснинг таълим технологияси**

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Ахборот дарс, визуализация. |
| *Мавзу режаси* | 1. Халқаро муносабатлар ва уларнинг ҳуқуқий жиҳатлари.<br>2.Ўзаро муносабатларни барқарор-лаштиришда халқаро ташкилотларнинг роли.<br>3.Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимида. |
| *Дарснинг мақсади:* Халқаро муносабатлар ва уларнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида билимларни шакллантирриш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Халқаро муносабатлар ва уларнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида гапириб беради. | Давлатлар ва халқларнинг бир-бирига ишончи – ҳозирги халқаро муносабатларнинг ўзаги эканлигини айтиб бера олади. |
| Ўзаро муносабатларни барқарорлаштиришда халқаро ташкилотларнинг ролини тушунтириб беради. | Ўзаро муносабатларни барқарорлаштиришда халқаро ташкилотлар ва уларнинг асосий вазифалари ҳақида гапириб бера олади. |
| Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, унинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий , сиёсий ва маданий алоқаларининг ҳозирги босқичи ва истиқболларини ёритиб беради. | Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва унинг халқаро нуфузи ҳақида мулоҳаза юритади. |
| *Ўқитиш усуллари* | Макъруза визуализация, балиқ секелети, график ташкил этувчиси , ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, Пинборд. |
| *Ўқитиш воситалари* | Лазерли проектор, визуал материаллар. |
| *Ўқитиш шакллари* | Индивидуал, фронтал ва гуруҳларда ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | ТСО билан ишлашга мослаштирилган ҳона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз – ўзини |

| | |
|---|---|
| | назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида баҳолаш. |

**Дарснинг технологик харитаси**

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (15 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини ўтказиш учун ўқувчиларнинг тайёргарлигини назоратдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўради. |
| | 1.2. Ўтилган мавзуни такрорлаш мақсадида саволлар беради:<br>1.Маънавият деганда нимани тушунасиз?<br>2.У қандай ҳодисаларни ўз ичига олади?<br>3.Индивидуал ва ижтимоий онгнинг ўзаро муносабати уларнинг қандай шакллари орқали намоён бўлади?<br>4.Истиқлолнинг маънавий қадриятларимизни тиклашга таъсири ҳақида мисоллар келтиринг.<br>5.Диннинг маънавий ҳодисалар орасидаги ўрни қандай?<br>6.Ўзбекистонда кишиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасида амалга оширилаётган фаолият ҳақида гапириб беринг.<br>Уйга берилган топшириқнинг назоратини ўтказади. Энг яхши эссе муаллифини аниқлайди. | Савол жавобга қатнашадилар. Уйга берилган вазифани ўқиб беради. |
| | 1.3. Ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириб, фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали баҳолайди. Ўқувчи – талабаларни кичик гуруҳларга ажратади. | Тинглайдилар. Гуруҳларга ажраладилар. |
| II босқич. Асосий (70 минут) | 2.1.Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. | Диққат билан тинглайдилар. Ёзадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | 2.2. Таянч ибора ва тушунчаларни илова қилади (1-илова). “Пинборд услубидан фойдаланилган ҳолда тушунчалар билан ишлайди.(2-илова). | Тинглайдилар. Тушунчалар билан ишлайдилар. |
| | 2.3. Режа саволлари бўйича мавзуни гапириб беради. Ҳар бир саволни ёритиш жараёнида визуал материаллардан фойдаланилади (3-илова). | Ёзиб оладилар, тинглайдилар. |
| | 2.4. Талабаларни фаоллаштириш мақсадида қўйидаги жонлантирувчи саволлар беради:<br>1. Нима учун ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсати унинг ички сиёсати характери билан ҳам боғлиқ бўлади?<br>2. Халқаро муносабатларни тартибга солиш бўйича айрим қандай қоидаларни биласиз? | Саволларга жавоб берадилар. |
| | 2.5. Мавзуни қай даражада эаллаганликларини аниқлаш мақсадида “Балиқ секелети” график ташкил этувчисидан фойдаланилган ҳолда ҳар бир гуруҳга эксперт қоғозларини тарқатади (4-илова). | График ташкил этувчини тўлдирадилар. |
| | 2.6. Ҳар бир саволни умумлаштириб, мавзунинг асосий жиҳатларига эътиборини қаратади ва уларни ёзиб олишни таклиф этади. | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. |
| III босқич. Якуний. (15 минут) | 3.1. Фаол ўқувчи талабаларни рағбатлантиради. | Тинглайдилар. Ўзини қизиқтирган саволлар беради. |
| | 3.2. Инсерт техникасидан фойдаланилган ҳолда кейинги мавзуни ўқиб келишни уйга вазифа қилиб беради. | Эшитади, аниқлайди, ёзиб олади. |

14.1-Илова

**Таянч ибора ва тушунчалар**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Халқаро муносабатлар. | 13. | Шартномалар. |
| 2. | Икки ва кўп томонлама шартномалар. | 14. | БМТ. |
| 3. | Ратификация. | 15. | Жахон сиёсати. |
| 4. | Давлатларнинг мажбуриятлари. | 16. | Жахон ҳамжамияти. |
| 5. | Ички ва ташқи сиёсат. | 17. | Ташқи алоқалар. |
| 6. | Халқаро ҳуқуқ. | 18. | Ташқи сиёсат тамойиллари. |
| 7. | Халқаро ҳуқуқ тамойиллари. | 19. | Инсонпарварлик. |
| 8. | Мафкуравий омил. | 20. | Инсонпарварлик ҳуқуқи. |
| 9. | Умуминсоний қадриятлар | 21. | Гуманитар ҳуқуқ. |
| 10. | Халқаро ташкилотлар. | 22. | ХИҲ нинг манбалари. |
| 11. | Шарқ ва Ғарб муносабатлари. | 23. | Женева конвенцияси. |
| 12. | Халқаро нуфуз. | 24. | Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи. |

14.2-Илова

**“ПИНБОРД» техникаси бўйича топшириқ**



# ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ

**Пинборд техникаси**
(инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board – доска)
муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гуруҳлашни амалга оширишга, коллектив тарзда ягона ёки аксинча қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради

↓

Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарларини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий хужумнинг бошланишини ташкил қилади (рағбатлантиради)

↓

Фикрларни таклиф қиладилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч хулосавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар

↓

Гурух намоёндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

1) яққол хато бўлган ёки такрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;
4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз ва рақларидаги) гуруҳларга ажратадилар;
5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: коллективнинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқилади.

14.3-Илова

## Визуал материаллар.

1-слайд

Халқаро муносабат-лар →

Давлатлар ва давлатлар тизимлари, халқаро миқёсда фаолият кўрсатувчи асосий сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа ташкилотлар ва ҳаракатлар ўртасидаги ўзаро сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий, дипломатик, ҳарбий ва бошқа муносабатлар йиғиндисидир.

2-слайд

Халқаро ҳуқуқ →

Халқаро муносабатларнинг тинчлик ва давлатлар ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида бошқариб турувчи юридик нормалар тизимидир.

3-слайд

Халқаро ҳуқуқнинг асосий манбалари

***Халқаро шартнома-*** икки ёки ундан ортиқ давлатнинг халқаро муносабатларининг муайян масаласи бўйича ёзма келишув. Халқаро шартнома конвенция, пакт, келишув, статут, низом, деклорация ва бошқа нормаларда аталиши мумкин. Унинг номи халқаро шартниманинг юридик кучига таъсир этмайди.

***Халқаро одат ( таомил)*** –доимий амалиёт натижасида давлатлар ҳатти-ҳаракатининг мажбурий деб тан олинган ёзилмаган қоидалари. Халқаро одатлар йиғиндиси халқаро одатий ҳуқуқ деб аталади.

4-слайд

Халқаро ҳамжамият учун энг муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий тамойиллар

Давлатларнинг суверен тенглиги.

Халқаро муносабатларда куч ишлат-маслик ёки куч ишлатиш ҳақида пўписа қилмаслик.

Давлат чегараларининг дахлсизлиги.

Давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги.

Халқаро низоларнинг тинч йўл билан ҳал қилиниши.

Ички ишларга аралашмаслик.

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш.

Халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш.

Ҳамкорлик.

Халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш.

5-слайд

Ратификация → Имзоланган халқаро шартномалар, давлат ҳокимияти олий органи томонидан тасдиқланган.

6-слайд

Денонсация → Шартномани бекор қилиш.

7-слайд




8-слайд




9-слайд



10-слайд

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)

Тинчлик ва хавфсизликни сақлаш бўйича 1945 йил ташкил этилган. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, бунинг учун тинчликни бузувчиларга қарши биргаликда чоралар кўриш, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили асосида барча миллатлар ўртасида дўстона муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва инсоний характердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш БМТнинг асосий мақсадидир.

11-слайд

Европада хавфсиз-лик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)

1975 йил ташкил этилди ҳамда у кескинликни юмшатишнинг янги босқичига асос солди, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш тамойилларини мустаҳкамлаш борасида муҳим қадам бўлди. У "совуқ уруш" сиёсатининг бефойда ва зарарли эканлигини тасдиқлади ҳамда дунёда халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашдан иборат марказий вазифани ҳал этиш учун янги имкониятлар очиб берди ва бу соҳада сезиларли фаолият кўрсатмоқда.

12-слайд

Шимолий Атлантика иттифоқи (НАТО)

1949 йил 4 апрелда ташкил этилган бўлиб: дастлаб жаҳон социализм тизимига қарши кураш манбаи бўлсада, "совуқ уруш" тугагандан кейин халқаро кескинликни юмшатиш, террорчи ташкилотларга қарши кураш, диктаторлик режимларини тугатиш ишларида иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси НАТОнинг "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастури доирасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

13-слайд

Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў – эътиборини юксалиб бораётгани энг аввало

Юртимизда демократик ва бозор иқтисодиёти ислоҳотларини амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган улкан ижобий ўзгаришларда , уларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида мужассам бўлмоқда.

Бу - давлатимизнинг жаҳон ахлига яхши маълум бўлган, минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларнинг амалий самарасида ўз ифодасини топмоқда.

Бу - мамлакатимизнинг халқаро сиёсат майдонида олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташқи сиёсатининг натижаси сифатида намоён бўлмоқда.

14-слайд

Ташқи сиёсат қўйидаги вазифаларни бажаради

Муҳофаза қилиш вазифаси

У муайян давлат ва унинг фуқароларининг чет эллардаги ҳуқуқ ва манфакатларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ.

Ахборот ваколат вазифаси

У муайян органларнинг, давлатнинг халқаро майдонда ижобий тасаввур (умид)вужудга келтиришга йўналтирилган фаолиятида акс этади.

14.4-Илова

**«Балиқ скелети» техникаси**

| |
|---|
| Муаммонинг бутун доираси (майдони) ни ифода этиш ва унинг ечимини топишга имконият беради. Тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради. |



**Ўқув топшириқ.**

**“Балиқ секелети” техникасидан фойдаланилган ҳолда топшириқларни бажаринг.**

1-гуруҳ

Халқаро муносабатларда умуминсоний қадриятларнинг муҳимлигини кўрсатиб беринг

2-гуруҳ

Мамлакатимиз учун дунё миқёсида катта рол ўйнайдиган йирик давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини кўрсатинг.

3-гуруҳ

Инсонпарварлик кафолатлари ҳамда уларни амалга ошириш жараёнларини кўрсатинг.

| **6-бахс дарси** | **ДАВЛАТ ВА ФУҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРИ** |
|---|---|

## 15. Дарснинг таълим технологияси

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | “Мулоқат” техникасидан фойдаланилган ҳолда билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган амалий машғулот. |
| *Мавзу режаси* | 1. ХХ асрдаги қуролли низолар.<br>2. Давлат ва халқаро ҳуқуқ.<br>3. Давлатлар ўзларига ихтиёрий олган мажбуриятлар. |
| *Дарснинг мақсади:* Давлат ва фуқаро мажбуриятлари мавзуси бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| ХХ асрдаги қуролли низолар, инсоният учун янги хавф – ҳатарларнинг пайдо бўлиши ҳақида малумот беради. | Ҳозирги даврда ҳам дунёда қуролли низоларнинг йўқолмаганини ва унинг хавф - ҳатарини айтиб беради. |
| Ҳуқуқ ҳам давлатларга, ҳам дунё ҳамжамиятига таалуқли бошқариш тизими эканини тушунтириб беради. | Давлатлараро шартномалар тизими ва уларни бажариш иҳтиёрий ва зарурий ҳодиса эканини баён қилади. |
| Давлатлар ўзларига ихтиёрий олган мажбуриятларни таҳлил қилади. | Давлатлар ўзларига олган мажбуриятларни санаб беради. |
| *Ўқитиш усуллари* | Суҳбат, ақлий ҳужум, тақдимот, блиц-сўров. |
| *Ўқитиш воситалари* | Тарқатма материаллар, доска, бўр. |
| *Ўқитиш шакллари* | Фронтал, жамоавий ва гуруҳларда ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Теҳник таъминланган, гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудитория. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз – ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида. |

## Дарснинг технологик харитаси

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини ўтказиш учун ўқувчиларнинг тайёргарлигини назоратдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўрадилар. |
| | 1.2. Ўтилган мавзунинг такрорлаш мақсадида блиц – сўров ўтказади (1-илова), жавобларини умумлаштиради. | Савол – жавобларга қатнашадилар. |
| I босқич. Асосий (70 минут) | 2.1. Инсерт техникасидан фойдаланил-ган ҳолда кейинги мавзуни ўқиб келишни уйга вазифа қилиб берилган эди. Вазифадан келиб чиққан ҳолда қуйидаги саволларни беради.<br>1) Мавзудан келиб чиққан ҳолда нималарни билар эдингиз?<br>2) Қандай янги маълумотлар олдингиз.<br>3) Нима билганларингизга зид.<br>4) Қандай саволлар сизни ўйлантириб қўйди. | Эркин ўз фикрларини билдирадилар. |
| | 2.2. Юқоридаги жавобларни таҳлил қилган ҳолда янги мавзунинг баёнини бошлайди, мақсад ва вазифаларни тушунтиради. | Мавзуни ёзиб олиб тинглайдилар. |
| | 2.3. XX асрдаги қуролли низолар ва уларнинг оқибатларини слайдлар ёрдамида таҳлил қилади (2-илова). Ўқувчи талабаларни фаоллаштириш мақсадида савол беради:<br>– урушга мурожаат қилишнинг тақиқланганлигига қарамасдан нима учун қуролли можаролар рўй бермоқда? | Тинглайдилар, ёзиб оладилар, саволларга жавоб берадилар. |
| | 2.4. Давлат ва халқаро ҳуқуқ нормаларини амалий – топшириқ ёрдамида ёритиб беради. (3-илова). Иккинчи масалани мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги саволларни беради.<br>– халқаро ҳуқуқ, ҳалқаро шартнома ва халқаро одат тушунчаларига таъриф | Тинглайдилар, ёзиб оладилар, саволларга жавоб берадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | беринг? | |
| | 2.5. Суверенитет ва давлатнинг мажбуриятлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги<br>2.6. позицияси ҳақида маълумот беради. Иккинчи масалани мустаҳкамлаш мақсадида талабаларни 3 та гуруҳга ажратади. Ўқув вазифаларни тарқатади. (4-илова). Уларнинг тақдимотига кўрсатмалар беради. Фикрларини диққат билан тинглайди. | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Гуруҳларда ишлайдилар. Эркин ўз фикрларини билдирадилар. Тақдимот ўтказадилар. |
| III босқич. Якуний. (10 минут) | 3.1. Янги мавзунинг ҳар бир саволини умумлаштиради. Дарс якунини чиқаради. Фаол талабаларни баҳолайди. | Тинглайдилар. Қизиқтирган саволлар берадилар. |
| | 3.2. Уйга 294 – бетдаги топшириқни бажаришни вазифа қилиб беради. (5-илова) | Топшириқни ёзиб оладилар |

15.1-Илова

**Блиц – сўров**

| N* | Саволлар | Жавоблар |
|---|---|---|
| 1. | Давлатлар ва давлатлар тизимлари, халқаро миқёсда фаолият кўрсатувчи асосий сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа ташкилотлар ва ҳаракатлар ўртасидаги ўзаро сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий, дипломатик, ҳарбий ва бошқа муносабатлар йиғиндиси, бу .... | Халқаро муносабат-лардир |
| 2. | Икки ёки ундан ортиқ давлатнинг халқаро муносабатларининг муайян масаласи бўйича ёзма келишув, бу... | Халқаро шартномадир |
| 3. | Халқаро одат ( таомил) деганда нимани тушунасиз? | доимий амалиёт натижасида давлат-лар хатти- ҳаракати-нинг мажбурий деб |

| | | |
|---|---|---|
| | | тан олинган ёзилмаган қоидалари. Халқаро одатлар йиғиндиси халқаро одатий ҳуқуқ деб аталади. |
| 4. | Халқаро ҳуқуқнинг давлат ички ҳуқуқидан фарқи нимада? | У давлатлараро муносабатлар қатнашчиларининг ҳоҳиш истакларини мувофиқлаштирилиши асосида вужудга келади. |

15.2-Илова

**Визуал материаллар**

1-слайд

Халқаро ҳуқуқ тамойиллари ҳақидаги БМТ деклорацияси (1970 йил) → Халқаро ҳужжат.Унда ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий нормалари акс этган.Улар БМТ низомига мувофиқ келади ва давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликнинг асосини ташкил этади.

2-слайд

Дискриминация (камситилиш) → У ёки бу кишилар гуруҳи ҳуқуқларининг уларнинг муайян миллатга, иркга, жинсга, эътиқодига ва шу кабиларга кўра камайтирилиши.

3-слайд

Халқаро муносабатлар → Дунё халқларининг ва давлатларининг турли шакл ва даражадаги ўзаро муносабатлари. Тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичида бундай муносабатларнинг асосини давлатлар ўртасидаги муносабатлар ташкил қилади.

4-слайд

Жаҳон ҳуқуқ тартиботи → Муайян тарихий даврда халқлар ва давлатлар ўртасида таркиб топган муносабатларнинг халқаро тизими. Ҳозирги пайтда у давлатларнинг ўзларига қабул қилган мажбуриятларни сўзсиз ва виждонан бажарилишини, халқаро шартномаларнинг бир хил тушуниши ва қўлланилиши, халқаро муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг устиворлигини билдиради.

5-слайд

Ратификация → Муайян давлат номидан имзоланган халқаро шартноманинг ушбу давлат ҳокимияти олий органи томонидан тасдиқлаш.

6-слайд

Репрессалийлар → Низодаги томонларнинг бирининг бошқасига нисбатан қасос сифатида қўллаётган мажбурий ҳаракатлари.

7-слайд

Суверенитет → Давлатнинг ички сиёсатида устиворлиги ва ташқи сиёсатда мустақиллиги.

8-слайд

Ҳуқуқий кафолатлар → Кишининг унга нисбатан қўйилаётган айбловнинг мазмуни билан унга тушунарли тилда танишишга ҳақлилиги; ишнинг беғараз одил суд томонидан кўриб чиқилишига ҳақлилиги; айби судда исбот қилингунча айбсиз ҳисобланишига ҳақлилиги.

9-слайд

## Иккинчи жаҳон уруши ҳақида баъзи кўрсаткичлар

| Кўрсаткичлар | Кўрсаткичлар |
|---|---|
| Давом этиши | 6 йил |
| Қатнашган мамлакатлар сони | 60 дан ортиқ |
| Урушган давлатлар аҳолисининг сони | 1,7 млрд.кишидан ортиқ |
| Ҳарбий ҳаракатларнинг умумий майдони | 22 млн.кв.км. |
| Қуролли кучларга жалб қилинганлар сони | 110 млн. кишидан ортиқ |
| Ярадор ва майиб бўлганлар сони | 90 млн. кишидан ортиқ |
| Шу жумладан, соф ҳарбий харажатлар | 1117 млрд.доллар |

10-слайд

## Ўзбекистон ва иккинчи жаҳон уруши

**1941 йил** – Ўзбекистон аҳолиси – **6,5 млн.** киши.
**1941-1945** йилларда **263055** ўзбекистонлик ҳалок бўлган.
**132670** киши бедарак йўқолган.
**60456** киши ногирон бўлиб қолган.
**400** минг оила ўз боқувчисидан ажралган.

11-слайд

## Биринчи ва иккинчи жаҳон урушларида ҳалок бўлганларнинг умумий сони

1914-1918
10 миллиондан. ортиқ

1939-1945
50 миллиондан. ортиқ

12-слайд

Иккинчи жаҳон урушидан кейин жаҳонда 150 катта ва кичик урушлар содир бўлган.

15.3-Илова

1-ўқув вазифа

Жадвални тўлдиринг

| Ижтимоий муносабатларни бошқарувчи сифатида ҳуқуқнинг ютуқлари | Ижтимоий муносабатларни бошқарувчи сифатида ҳуқуқнинг камчиликлари | Ижтимоий муносабатларни бошқарувчи сифатида ахлоқнинг ютуқлари | Ижтимоий муносабатларни бошқарувчи сифатида ахлоқнинг камчиликлари |
|---|---|---|---|
| | | | |

15.4-Илова

2-ўқув вазифа

**АМАЛИЙ ЎЙИН**

Бунинг учун катта размердаги қоғоз (ватман), фломастер ва гуруҳда ишлаш талаб этилади. Ўйин икки босқичда ўтади: биринчи босқич – маҳалла учун фаолиятни режалаштириш; иккинчи босқич – жаҳон ҳамжамияти учун фаолиятни режалаштириш.

**I босқич. Маҳалладаги қоидалар.**

**Топшириқ**: кўз олдингигизга келтирингки, сиз маҳалла қўмитасининг вакилисиз. Сиз биргаликда яшашнинг ўнта қоидасини ишлаб чиқишингиз ва уларга риоя қилишнинг муҳимлигини асослашингиз керак.

Ўзингиз ишлаб чиққан қоидаларни аудиторияда ҳимоя қилишда қуйидагиларга эътибор беринг:

- маҳалла – бу яшаш жойининг умумийлиги белгисига кўра *оилаларнинг* бирлашмаси;
- ҳар қандай оила, шунингдек оилаларнинг ҳар қандай аъзоси сиз таклиф этаётган қоидаларни бузиши мумкин;
- сизнинг қоидаларингиз бошқа маҳаллалардаги қоидаларга мос келмаслиги мумкин.

Қуйидаги саволга жавоб беринг: сиз таклиф этаётган қоидалар маҳалладагиларнинг барчасини қониқтиришига қандай эришиш мумкин?

**II босқич. Дунё ҳамжамияти учун қоидалар.**

**Топшириқ:** Учинчи баҳс дарсида сиз "Халқаро Конгресс" ўйинида иштирок этгансиз. Бугун сиз яна бир бор ўзингизни XXI асрда давлатлар орасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш қоидаларини ишлаб чиқиш учун йиғилган давлат вакиллари сифатида ҳис қиласиз. ҳар бирингиз давлатларнинг ўзаро муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид ўнтадан қоида ишлаб чиқинг. Фикрингизни асослашингизда:

- давлатлар ўзаро муносабатларини тинч даврда ҳам, қуролли низолар пайтида ҳам амалга оширишини ҳисобга олинг;
- ҳар бир давлат, у кичик бўладими, катта бўладими, саноати ривожланганми ёки иқтисодий имкониятлари торми, бундан қатъий назар – суверенитетда тенг эканлигига эътибор беринг;
- халқаро муносабатларга таъсир этувчи омилларнинг турли-туман эканлигини (масалан, давлатнинг катта ёки кичик ҳудуддалиги ва ундаги аҳоли миқдори, глобал ва минтақавий муаммолар ва уларнинг хавфи, давлат бошқарув шакллари ва шу кабиларни) ёдда тутинг.

Қуролли низода қатнашаётган томонлар бўлмиш давлатларнинг ўз мақсадларини амалга ошириш учун халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи нормаларини бузаётганини оқлаб бўладими? Шуни оқлайдиган (оқламайдиган) далилларни келтиринг.

15.5-Илова

3-ўқув вазифа

Эътиборингизга қуролли низо билан боғлиқ бир неча вазиятни ҳавола қиламиз. Бу каби ҳикоя-вазиятлар "Одамлар уруш ҳақида" деган Умумжаҳон сўровномасининг асосини ташкил этган эди. У ХҚХҚ томонидан 1949 йилги Женева конвенциялари қабул қилинишининг 50 йиллигига бағишлаб 1999 йилда ўтказилган.

Вазиятларда иштирок этувчилар ХИҲнинг Асосий қоидаларига мувофиқ қандай ҳатти-ҳаракат қилиши кераклигини тушунтириб беринг.

**1-вазият.**

*Олға юришга ҳаракат қилаётган бир гуруҳ аскарлар ва уларнинг командири 12 соат мобайнида ифлос ерда ётишгач душманни қуршаб олдилар. Ёш аскар шундай эслайди: "Нафратим чексиз эди. Мен уларнинг қўл гранаталаридан ҳалок бўлган икки ўртоғим учун қасос олишга тайёр эдим. ҳалок бўлганлардан бири менинг энг яқин дўстим эди. У икки ҳафта илгари менинг ҳаётимни сақлаб қолганди. Командиримиз душманга қуролларини ташлаш, таслим бўлиш ва яширинган жойларидан чиқишни буюрди. Аммо мен улар кўринишлари ҳамон уларга граната ташлашга тайёр эдим".*

**2-вазият.**

*Қочоқ аёлнинг ҳикояси: " Шундай воқеа ҳам бўлган эди... ҳарбий кийимдаги бу кишилар қишлоғимиздан йигирма кишини - қариялар, аёллар ва ёш болаларни гаровга олганидан кейин бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Мен Сизнинг мамлакатингизга қочиб ўтишга мажбур бўлдим, шунинг учун уларга нима бўлганини билмайман. Мен холамдан хат олдим. Унда айтилишича, қишлоғимиз ёнидаги қуролли тўқнашувлардан кейин хотиржамроқ ҳаёт бошлангач, ҳамқишлоқларим ўрмондан одамларни гаровга олишга буйруқ берган ўша командирни ушлаб олишибди. Ҳамқишлоқларимнинг қарори шундай бўлди..."*

**3-вазият.**

*Ярадор аскарнинг ҳикояси: "Душман патрули йўлда мени ва менинг ярамни боғлаётган санитарни ушлаб олди. Бизнинг батальонимиз чекинаётган эди ва биз ўзимизникилардан қолиб кетгандик. Душман офицери бизга йўл бўйлаб пастга юришга буйруқ берди. Биз пастга тушгач душманнинг ҳарбий-тиббий хизмати офицери менинг ёнимга келди, ярамга қаради ва шундай деди: ... "*

| 16-дарс | ХАЛҚАРО ИНСОНПАРВАРЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ. |
|---|---|

## 16. Дарснинг таълим технологияси

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Б/Б/Б техникасидан фойдаланилган ҳолда мнформацион – кўргазмали маъруза |
| *Мавзу режаси* | 1. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг сарчашмалари.<br>2.Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг моҳияти.<br>3. Инсон ҳуқуқларининг “ўзгармас мағзи” ва ХИҲ нинг Асосий қоидалари. |
| *Дарснинг мақсади:* Ўқувчилар онги ва дунёқарашига халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши ҳақидаги билим ва кўникмаларни сингдириш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг сарчашмалари ҳақида гапириб беради. | Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг тамойилларини айтиб бера олади. |
| Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг моҳияти тушунтириб беради. | Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг асосий вазифалари ҳақида гапириб бера олади. |
| Инсон ҳуқуқларининг “ўзгармас мағзи” ва ХИҲ нинг Асосий қоидалари ёритиб беради. | Инсон ҳуқуқларининг “ўзгармас мағзи” ва ХИҲ нинг Асосий қоидаларини санаб беради |
| *Ўқитиш усуллари* | Маъруза, ҳамкорликда ўқиймиз, Б/Б/Б техникаси. |
| *Ўқитиш воситалари* | Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор. |
| *Ўқитиш шакллари* | Жамоа, тўғридан-тўғри ва жуфт-жуфт бўлиб ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Техник воситалар билан таъминланган аудитория. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз – ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида баҳолаш. |

## Дарснинг технологик харитаси

| *Иш жараёнлари вақти* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I-босқич. Мавзуга кириш. (10 минут) | 1.1. Машғулотнинг мавзусини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсад ва вазифаларини тушунтиради. | ЎУМга қарайдилар |
| | 1.2. Ҳар бир талабага мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади. | Тарқатма материалларни кўриб чиқади. |
| II-босқич. Асосий (60 минут) | 2.1. Экранга Б/Б/Б жадвали ва у билан ишлаш қоидалари чиқарилади. Б/Б/Б жадвалини ишчи дафтарларга кўчириб олишни талаб қилади. | Жадвални чизиб оладилар. |
| | 2.2. Маъруза режасини эълон қилади, асосий таянч тушунча ва иборалар билан таништиради. Маъруза режаси ва таянч ибораларга асосланган ҳолда Б/Б/Б жадвалининг иккинчи устунини тўлди-ришни вазифа қилиб беради. (1-илова). | Б/Б/Б жадвалининг иккинчи устуни тўлдирилади. |
| | 2.3. «Инсерт» техникасидан фойдаланилган ҳолда, маърузада белгиланган белгилар асосида талабаларга қуйидаги саволларга жавоб беришни таклиф қилади:<br>1) Нимани улар билишади? (яъни мустақил гапира олишади);<br>2) Нима тушунарсиз бўлиб қолди ва ўзлаштирилмади?<br>3) Қандай қўшимча маълумот талаб қилинади?<br>Юқоридагилардан келиб чиқиб, учинчи ва тўртинчи устунни тўлдириш таклиф этилади, таянч сўзларнинг тартиб рақамлари қўйиб чиқилади. | Учинчи ва тўртинчи устунни тўлдирадилар. |
| | 2.4. Блиц-сўров орқали бир неча жавоб-лар тингланади ва жуфт-жуфт бўлиб ишлашни таклиф қилади | Натижаларни ўқийди. |
| | 2.5. Талабаларнинг жавобларини умум-лаштириб, жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун топшириқлар беради:<br>1) Б/Б/Б жадвалининг тўртта | Топшириқни бажаради. Жавоб беради. |

| | | |
|---|---|---|
| | устунидаги жавобларни таҳлил қилинг;<br>2) ўзлаштирилмаган саволларни умум-лаштиринг;<br>3) биргаликда манбалардан жавоблар излаб топинг;<br>4) жавоб беришга тайёргарлик кўринг. | |
| | 2.6. Жавоблар тинглаб бўлингач, слайдлар ёрдамида ўқув машғулотининг ёритилмаган қисмлари тушунтирилади (2,3-илова). | Тинглайдилар, ёзадилар. |
| | 2.7. Таянч иборaларга қайтмади, талабалар иштирокида улар яна бир бор так-рорланади. Б/Б/Б жадвалининг бешинчи устунини тўлдиришни айтиб ўтади. | Ҳар бир таянч тушун-ча ва ибораларни муҳокама қилади. Жадвал тўлдирилади. |
| III-босқич. Якуний босқич. (10 минут) | 3.1. Мавзунинг ҳар бир саволига умумий якуний хулоса беради. | Эшитади. |
| | 3.2. Талабаларнинг фаолияти баҳолаш мезонлари орқали баҳоланади. | Ўзини қизиқтирган саволлар беради. |
| | 3.3. Уйга вазифа беради: ХИҲ нинг асосий қоидаларини ёзиб келинг. | Ёзиб оладилар. |

16.1-Илова

**1-ўқув топшириқ**

**Б/Б/Б жадвали**

| № | Мавзу саволлари | Биламан | Билишни истайман | Билиб олдим |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг сарчашмалари. | | | |
| 2. | Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг моҳияти. | | | |
| 3. | Инсон ҳуқуқларининг “ўзгармас мағзи” ва ХИҲ нинг Асосий қоидалари. | | | |

16.2-Илова

## Таянч ибора ва тушунчалар

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Халқаро муносабатлар. | 13. | Шартномалар. |
| 2. | Икки ва кўп томонлама шартномалар. | 14. | БМТ. |
| 3. | Ратификация. | 15. | Жахон сиёсати. |
| 4. | Давлатларнинг мажбуриятлари. | 16. | Жахон ҳамжамияти. |
| 5. | Ички ва ташқи сиёсат. | 17. | Ташқи алоқалар. |
| 6. | Халқаро ҳуқуқ. | 18. | Ташқи сиёсат тамойиллари. |
| 7. | Халқаро ҳуқуқ тамойиллари. | 19. | Инсонпарварлик. |
| 8. | Мафкуравий омил. | 20. | Инсонпарварлик ҳуқуқи. |
| 9. | Умуминсоний қадриятлар | 21. | Гуманитар ҳуқуқ. |
| 10. | Халқаро ташкилотлар. | 22. | ХИҲ нинг манбалари. |
| 11. | Шарқ ва Ғарб муносабатлари. | 23. | Женева конвенцияси. |
| 12. | Халқаро нуфуз. | 24. | Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи. |

16.3-Илова

## Визуал материаллар.

1-слайд

Халқаро инсонпарвар-лик ҳуқуқи →

Бу уруш ёки қуролли можаро пайтида ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмаётган, унда иштирок этишни тўхтатган кишиларни ҳимоя қилувчи ҳамда уруш олиб бориш усуллари ва воситаларини чекловчи қоидалар тўпламидир.

2-слайд

Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи нормалари шартли равишда 4 гуруҳга ажратиш мумкин бўлган халқаро шартномаларда ўз аксини топган:

- урушдан жабрланганларни ҳимоя қилиш ҳақидаги шартномалар;
- баъзи қурол турларини тақиқлаш ёки уларни қўллашни чеклаш ҳақидаги шартномалар;
- баъзи объектларни ҳимоя қилиш ҳақидаги шартномалар;
- халқаро юрисдикция (суд қилиш ҳуқуқи) ҳақидаги шартномалар.

3-слайд

ХИҲнинг асосий тушунчалари ҳақида

*"Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи", "Халқаро гуманитар ҳуқуқ", "Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқи" ва "Уруш ҳуқуқи" тушунчалари бир маънони англатувчи тушунчалардир.*

*"Уруш", "қуролли можаро", "халқаро қуролли можаролар", "халқаро бўлмаган қуролли можаролар", "комбатант" тушунчалари ХИХ соҳасида энг кўп қўлланиладиган тушунчаларидир.*

**Уруш** - давлатлар ўртасида, давлатлар ва миллий-озодлик ҳаракатлари ўртасида бўладиган, тинчлик муносабатларининг бузилиши билан кечадиган ҳарбий ҳаракатлардир.

**Халқаро қуролли можаро.** Хуқуқий тушунча сифатида «халқаро қуролли можаро» илк бор 1949 йилдаги Женева конвенциясининг 2-моддасида уруш тушунчаси билан бир қаторда тилга олинган.

**Халқаро бўлмаган қуролли можаро.** Халқаро бўлмаган қуролли можароларни (эскираётган атамаларда – фуқаролик урушлари) давлатларнинг ички иши деб ҳисоблаш анъана бўлиб қолган ва улар доирасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш учун халқаро ҳукуқ меъёрлари қўлланилмаган. Бундай қуролли можаролар давлат ҳудуди ичида унинг қуролли кучлари ва уларга қарши турган қуролланган гуруҳлар ўртасида (ёки фақат шундай гуруҳлар ўртасида) бўлиб ўтади ва, демакки, давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига таҳдид солади.

**Комбатант** (фр. combattant – жангчи, аскар) - қуролли кучлар таркибига кирувчи ва уруш ҳаракатларида бевосита қатнашиш ҳуқуқига эга шахс.

4-слайд

Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг вужудга келиши тарихидан

*Қуролли тўқнашувлар пайтида қўлланиладиган одатлар энг оддий инсонпарварлик қоидаларидан иборат бўлиб, улар барча халқларда мавжуд.*

Бобил - Хаммурапи (э.о. 1792-1750 йилларда ҳукмронлик қилган) қонунлари: "Мен бу қонунларни қудратлилар заифларни забун этмасин, деб жорий қилдим".

Хиндистон - Моний қонунлари:"Сафдан чиққан ва таслим бўлганларни ўлдириш ман қилинади".

- ***Амир Темур "Тузуклари"дан:"***Агар ғаним сипоҳидан бирор кимса ўз валинеъматига сидқидилдан хизмат қилиб, уруш кунларида менга қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундай одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим. Қошимга (паноҳ истаб) келганда, уни қадрлаб, ишончини қозондим, вафодорлиги ва ҳақиқат билан хизмат қилишига ишондим.
- Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз эгасидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим".
- "Тузуклар"дан:"Қайси бир сипоҳий ҳаддидан ошиб, қўл остидаги кишига зулм ўтказар экан, уни тутиб мазлум қўлига топширсинлар, токи унинг жазосини зулм кўрганлар берсин".
- "Ғаним тарафдан қўлимизга ҳар қандай сипоҳий асир тушиб қолса, уни ўлдирмасинлар. Унга ихтиёр берилсин. Агар навкарликни қабул қилса, навкар бўлсин; йўқ деса уни озод этсинлар".
- Тузуклар"дан:"Ғаним сипоҳийларидан қайси бири ўз давлатининг тузини оқлаб, бизга қарши қилич чопган, сўнгра ихтиёрий равишда, ёки мажбур бўлиб, паноҳимизга келса, бундай аскарга ишониб, уни азиз тутсинлар. Чунки у ўз соҳибига вафодорлик қилиб, еган туз ҳақини оқлаган".

***Ш.Монтескье*** (1689-1755):"Забт этиш якунига етгач, ғолиб томон бошқа

қирғин қилмаслиги лозим, чунки бундан буён унинг ўз жонини сақлаш ва ҳимоя қилишдек табиий ҳуқуқини амалга оширишига ҳожат қолмайди".

***Ж.Ж.Руссо*** (1712-1778):"Уруш - одамлар ўртасидаги эмас, балки давлатлар ўртасидаги муносабатдир. Бунда одамлар бир бирлари билан тасодифан, одам зоти ва ҳатто фуқаролиги учун эмас, балки аскарлиги, яъни ўз мамлакатининг фуқароси эмас, балки ҳимоячиси эканлиги учун душман бўлиб қолади... Агар урушдан мақсад душман давлатини яксон қилиш бўлса, унда токи ўша давлатнинг ҳимоячилари қўлида қурол тутиб турар экан, иккинчи томон уларни қиришга ҳақли. Бироқ ҳимоячилар қуролини ташлаб таслим бўлган заҳотиёк душман ёки душман қўлида восита бўлишдан тўхтайди ва яна оддий одамга айланиб қолади. Уларнинг жонини олишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ".

***Анри Дюнан*** (1828-1910):"Наҳотки уруш вақтида ярадорларга ёрдам кўрсатувчи ёки ғамхўрлик кўрсатишни ташкил қилувчи ихтиёрий жамиятлар тузиш мумкин эмас?..."

5-слайд

***Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқига мувофиқ:***

- ҳарбий ҳаракатларда қатнашмаётган ва унда қатнашишни тўхтатган кишиларга ҳужум қилиш тақиқланади;
- жанг қатнашчилари ва тинч аҳолини бир-биридан ажратмай сафдан чиқарувчи қуроллардан, шунингдек ҳаддан ортиқ ҳалокат ва/ёки жароҳат етказувчи урушиш усуллари ва қуроллардан фойдаланиш тақиқланади.

6-слайд

| ЖЕНЕВА ҲУҚУҚИ |
|---|
| **1864 йил.** *Ҳаракатдаги армиялар ярадорлари ва касалларининг қисматини яхшилаш ҳақидаги* ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯСИ (I) **1907 йил.** *Денгиз қуролли кучлари сафидаги ярадорлар, касаллар ва кема ҳалокатига учраган кишиларнинг қисматини яхшилаш ҳақидаги* ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯСИ (II) **1929 йил.** *Ҳарбий асирлар билан муносабат ҳақидаги* ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯСИ (III) **1949 йил.** *Уруш пайтида тинч аҳолини ҳимоя қилиш ҳақидаги* ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯСИ (IV) |

| |
|---|
| **1977 йил.** *1949 йилги Женева конвенцияларига халқаро қуролли можаролардан жабрланганларни ҳимоя қилишга тааллуқли бўлган* ҚЎШИМЧА ПРОТОКОЛ (I)<br>**1977 йил.** *1949 йилги Женева конвенцияларига халқаро бўлмаган қуролли можаролардан жабрланганларни ҳимоя қилишга тааллуқли бўлган* ҚЎШИМЧА ПРОТОКО Л (II) |

7-слайд

| ГААГА ҲУҚУҚИ |
|---|
| **1868 йил.** *Портловчи ва ёндирувчи ўқлардан фойдаланишни тўхтатиш ҳақидаги* САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ<br>**1899 йил.** *Қуруқликдаги уруш қонунлари ва одатларига доир* ГААГА КОНВЕНЦИЯСИ *Тарихда илк бор уруш олиб бориш усуллари ва воситаларининг тартибга келтирилиши*<br>**1925 йил.** *Урушда буғувчи, заҳарли ёки шунга ўхшаш газлардан ва бактериологик воситалардан фойдаланишни тақиқлаш ҳақидаги* ЖЕНЕВА ПРОТОКОЛИ<br>**1972 йил.** *Бактериологик (биологик) ва токсин қуролларни тадқиқ қилиш, ишлаб чиқариш, заҳираларини тўплашни тақиқлаш ва уларни йўқотиш ҳақидаги* КОНВЕНЦИЯ<br>**1980 йил.** *Оддий қуролларнинг ҳаддан ортиқ жароҳат етказадиган ва танламайдиган характерда деб ҳисобланувчи конкрет турларини қўллашни чеклаш ёки тақиқлаш ҳақидаги* ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯСИ<br>I Протокол – *илғаб бўлмайдиган осколкалар ҳақида;*<br>II Протокол – *миналар, тузоқ-миналар ва бошқа қурилмаларни қўллашни чеклаш ёки тақиқлаш ҳақида;*<br>III Протокол – *ёндирувчи қуролни қўллашни чеклаш ёки тақиқлаш ҳақида.*<br>**1993 йил.** *Химиявий қуролни тадқиқ қилиш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва қўллашни тақиқлаш ва уни йўқотиш ҳақидаги* ПАРИЖ КОНВЕНЦИЯСИ<br>**1995 йил.** *Кўр қилувчи лазер қуролига тааллуқли* ЖЕНЕВА ПРОТОКОЛИ *(1980 йилги конвенцияга IV Протокол бўлиб қўшилди)*<br>**1997 йил.** *Пиёдаларга қарши миналарни ишлаб чиқариш, (бошқаларга) бериш, заҳираларини тўплаш ва қўллашни тақиқлаш ва уларни йўқотиш ҳақидаги* ОТТАВА КОНВЕНЦИЯСИ |

| 7-бахс дарси | АНЪАНАЛАР ВА ЎЗАРО ЁРДАМНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ |
|---|---|

## 17. Дарснинг таълим технологияси

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Муаммоли вазият теҳникасидан фойдаланилган ҳолда билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган амалий машғулот. |
| *Мавзу режаси* | 1. Анъана ва одатлар шахс ижтимоийлашуви жараёнинг таркибий қисмлар сифатида.<br>2. Ёрдам кўрсатишга оид анъаналарнинг жамият ҳаётидаги роли ва ўрни.<br>3. Муҳтожларга ёрдамлашиш анъаналари. |
| *Дарснинг мақсади:* Ўзаро муносабатларда ҳурмат, ўзаро ёрдам, ҳамжиҳатлик каби хислатларнинг аҳамиятини ўқувчилар онгига сингдириш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Анъана ва одатлар шахс ижтимоийлашуви жараёнинг таркибий қисмлари эканлигини ёритиб беради. | Анъана, одатлар ва ижтимоийлашув каби тушунчаларга изоҳ беради. |
| Ёрдам кўрсатишга оид анъаналарнинг жамият ҳаётидаги роли ва ўрни билан таништиради. | Жамиятдаги ҳимояга энг муҳтож бўлган қатламларнинг аҳволини таҳлил қилади. |
| Муҳтожларга ёрдамлашиш анъаналари билан таништиради. | Ҳимояга муҳтожларга нисбатан инсоний муносабатлар ҳақида баён қилади. |
| *Ўқитиш усуллари* | “Каскад”, “Муаммоли вазият” ва кичик гуруҳларда ишлаш. |
| *Ўқитиш воситалари* | Кўргазмали материаллар, лазерли проектор. |
| *Ўқитиш шакллари* | Индувидиал, фронтал ва гуруҳларда ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Теҳник таъминланган, гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудитория. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз – ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими |

| | |
|---|---|
| | асосида. |

**Дарснинг технологик харитаси**

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини ўтказиш учун ўқувчиларнинг тайёргарлигини назоратдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўрадилар. |
| | 1.2. Ўтилган мавзунинг такрорлаш мақсадида саволлар беради:<br>1. Нима учун инсоният тарихида тинчлик давридан кўра уруш ва тўс-тўпалонлар даври кўпроқ бўлган?<br>2. Тарихда уруш хавф-хатарларини чеклашга бўлган интилишларни тушунтириб беринг.<br>3. "Қиличлар ишга тушганда қонунлар жим туради" деган фикрни қандай изоҳлайсиз?<br>4. Ислом динида қайси пайтларда урушиш ва қон тўкиш ман этилади? Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқига таъриф беринг.<br>5. Анри Дюнан ўз тарихий хизматлари учун тинчлик бўйича биринчи Нобель мукофоти билан тақдирланганини биласизми?<br>6. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг ҳужжатлари қандай гуруҳларга ажратилади?<br>7. Женева ва Гаага ҳуқуқининг бир-биридан фарқи нимада?<br>8. Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Халқаро ҳаракатининг таркибий қисмларини санаб беринг.<br>9. Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Халқаро ҳаракатининг асосий тамойиллари қайсилар?<br>Уйга вазифа сифатида “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз” мавзусида ёзилган энг яхши эссе муаллифини | Саволларга жавоблар берадилар. Эсселардан намуналар ўқийдилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | аниқлайди. | |
| | 1.3. Ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириб, фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали баҳолайди. Ўқувчи – талабаларни кичик гуруҳларга ажратади. | Тинглайдилар. Гуруҳларга ажраладилар. |
| I босқич. Асосий (70 минут) | 2.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. | Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар. |
| | 2.2. Таянч ибора ва тушунчаларни илова қилади (1-илова). | Тинглайдилар. Ёзиб оладилар. |
| | 2.3. Биринчи масала баёнини “Каскад” теҳникаси билан бошлайди (2-илова), сўнгра слайдлар ёрдамида ёритиб беради. “ҳашар” тушунчасига алоҳида тўҳталиб ўтади. (3-илова). | Тинглайдилар. Ёзиб оладилар. Фикр билдирадилар |
| | 2.4. Ўқувчи – талабаларга 2–ўқув вазифани тарқатади. (4-илова). Ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириб ёрдам кўрсатишга оид анъаналарнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида гапириб беради. | Вазифа устида ишлайди. |
| | 2.5. Иккинчи масалани мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларга (5-илова) 3 – ўқув вазифани тарқатади. Тақдимотини диққат билан тинглайди. Ўз фикрларини билдиради. | Топшириқлар устида ишлайди. Тақдимот ўтказадилар. |
| | 2.6. Учинчи масала, яъни “Маҳалладаги ҳашардан бутун ер юзидаги ҳашар сари” деб номланган тушунчани слайдлар ёрдамида ёритиб беради. | Тинглайдилар. Ёзиб оладилар. |
| III босқич. Якуний. (10 минут) | 3.1. Фаол ўқувчиларни рағбатлантиради. | Тинглайдилар. Қизиқтирган саволлар берадилар. |
| | 3.2. Ўқув қўлланмадаги 311 - бетдаги топшириқни бажаришни уйга вазифа қилиб беради. | Ёзиб оладилар |

17.1-Илова

**Иборалар асосида визуал материаллар**

| | |
|---|---|
| 1. Ижтимоийлашув. | 8. Кўнгилли ёрдам. |
| 2. Одатлар. | 9. Қизил Хоч. |
| 3. Анъаналар. | 10. Қизил Ярим ой кўнгилли жамиятлари. |
| 4. Ўзаро ёрдам. | 11. Уруш ва инсонийлик. |
| 5. Халқчил анъаналар. | 12. Ҳашар. |
| 6. Ёрдам. | 13.Ахлоқий нормалар. |
| 7. Жамиятнинг заиф қатламлари. | 14.Ҳуқуқий мавқе. |

17.2-Илова

**«Каскад» техникаси**

Ушбу технология ғоялар тизимини ишлаб чиқишга кўмак беради: Асосий мақсади: аниқ ва ижодий фикрлаш қобилиятини фаоллаштириш.

**1-Ўқув топшириқ**



17.3-Илова

## Визуал материаллар

1-слайд

**Инкультур ация** → Ўз маданиятининг анъаналари, одат удумлари, қадриятлар ва меъёрларни ўзлаштиришдан иборат бутун умр бўйи давом этадиган жараён.

2-слайд

**Аккульту-рация** → Бошқа маданият анъаналари ва қадриятларини фақат қисман ўзлаштириш билан кечаётган жараён.

3-слайд

**Ассимил-яция** → Индивуид ўз маданиятининг анъаналари ва қадриятларини унитиб, бошқа маданиятга тўлиқ киришиб кетадиган жараён.

4-слайд

**Анъаналар** → Билим олиш ва узатишнинг энг ишончли ва манбаларидан бири анъаналардир, чунки донолик асрлар оша айнан уларда жамланади.

5-слайд

**Одатлар** → Инсоннинг жамиятдаги ҳаёти ҳамиша муаммоларга бой: атрофдаги воқеликка қандай мослашиш мумкин, оғир ёки фаровон тақдир меваларини қандай баҳам кўриш керак, бошқа одамларга қандай мутаносиб бўлиш керак ва ҳоказо.. Ҳар бир киши бу муаммоларни ҳал этишга имкони борича интилади. Муваффақиятли ёки муваффақиятсиз уринишлар давомида турли ижтимоий гуруҳлар ва умуман жамият секин-аста юриш-туришнинг самарали намуналарини шакллантиради. Бу намуналар жамият аъзоларига ҳам атроф муҳит билан, ҳам бир-бири билан муроса қилиш имконини беради.

6-слайд

**Ахлоқий меъёрлар** →

Ахлоқ меъёрлари деганда биз маълум ҳаракатларни содир этишни талаб қилиб, бошқаларини тақиқлайдиган тўғри ва нотўғри ахлоқ ҳақидаги ғояларни тушунамиз. Улар авлодлардан авлодларга амалий манфаатлар тизими эмас, балки бузилмас «муқаддас» абсолютлар тизими сифатида ўтади.

7-слайд

**Наврўз** →

“Наврўз” Шарқ халқларининг, шу жумладан Ўзбекистон халқининг энг қадимий ва азалдан нишонланиб келаётган байрамларидан биридир. ҳозирга келиб у баҳор ва табиатнинг уйғониши, янгиланиш ва ёшариш рамзига айланди. Байрам кунлари одамлар фаолроқ меҳр-шафқат кўрсатишга интиладилар, эзгу амалларни бажарадилар ва жамиятдаги муҳтож кишиларга ёрдам қўлини чўзадилар. Маълумки, қадимда одатларга кўра “Наврўз” байрами кунларида уруш қилаётган томонлар ўртасида вақтинча тинчлик сулҳи тузилган ва қон тўкишлар тўхтатилган.

8-слайд

Ҳашар →

Кишиларнинг меҳнатдаги кўнгилли ўзаро ёрдами. Кўп асрлик бу анъана Марказий Осиё халқларида мавжуд бўлиб, ўзбек ва тожиклар орасида жуда кенг тарқалган. Ўтмишда ҳашар, одатда, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва ирригация каби соҳаларга оид кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни бажариш учун қўлланилган.

17.4-Илова

**2-Ўқув топшириқ**
**(**ўқув дарсликнинг 303 - бетига қаранг)

***Одатда кимни ҳашарга чақирадилар? Ҳашарга таклифсиз келинса, нима бўлади?***
***Қуйида келтирилган сўзларнинг қайси бири, сизнинг фикрингизча, «ҳашар» сўзи билан боғланади:***
*ўзаро ёрдам;*
*хизмат;*
*бирдамлик;*
*бурч;*
*фойда;*
*ҳурмат;*
*ғараз;*
*бирлик;*
*манфаатлар.*
***Сизнингча, «кўнгилли» ёрдам нимани билдиради? Ўз ҳаётингиздан ёрдам кўрсатишдан бош тортган ҳолатингизни ёдга олинг ва ҳашардан бош тортишнинг барча мумкин бўлган сабабларини таҳлил қилиб чиқинг.***
***Ҳашарда нима муҳим:***
***самимий иштирок этиш;***
***номига иштирок этиш;***
***ишнинг битиши?***
***Ҳаётимиздан ҳашарсиз иш битиши мушкул бўлган тадбирлар ёки ҳолатларни айтиб беринг.***

17.5 -Илова

**3-Ўқув топшириқ**

Ўқув дарсликнинг 304 – бетидаги расмларга қаранг.

**ЎЙЛАБ КЎРИНГ!**
Атрофимизда ёрдамга муҳтожлар анчагина. Сиз ўз атрофингиздаги ушбу кишиларга қанчалик даражада эътибор берасиз?

***Расмларда ифодаланган кишиларнинг рўйхатини сиз уларга қандай кетма-кетликда ёрдам бериш истагингизга қараб тузинг. Қарорингиз қандай мезонлар ва сабабларга асосланганлигини тушунтириб беринг.***

***Ушбу вазиятлардан бирига тушиб қолмаслигингизга ишончингиз комилми? Нима сабаб билан?***

***Одамлар шундай вазиятларга тушиб қолган ҳолларни биласизми? Шулар ҳақида ҳикоя қилиб беринг. Улар сиздан қандай ёрдам кутган эдилар ва қанақа ёрдам уларни таҳқирлар эди?***

***Жамият бундай одамларга ёрдам қилиб, қандай манфаат кўради?***

***Бизнинг жамиятимиз уларни эътиборсиз қолдира оладими?***

***Борди-ю эътиборсиз қолдирилгудек бўлса, уларни қандай оқибатлар кутади?***

| 18-дарс | XXI АСР ВА ЖАМИЯТНИНГ КЕЛАЖАГИ ҲАҚИДАГИ ПРОГНОЗЛАР. |
|---|---|

**18 . Дарснинг таълим технологияси**

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Информацион маълумотга эга бўлган баҳс-мунозарали дарс. |
| *Мавзу режаси* | 1. Олдиндан кўриш ва ижтимоий прогноз: моҳияти ва турлари.<br>2. Инсониятнинг келажаги тўғрисидаги оптимистик ва пессимистик прогнозлар.<br>3. Келажак кўринишлари. |
| *Дарснинг мақсади:* Ҳозирги давр ва келажак тўғрисидаги турли қарашлар ва уларнинг мазмуни ҳақида билимларни шакллантириш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Олдиндан кўриш ва ижтимоий прогноз: моҳияти ва турларини ёритиб беради. | Олдиндан кўриш ва ижтимоий прогноз: моҳияти ва турларини санаб беради. |
| Инсониятнинг келажаги тўғрисидаги оптимистик ва пессимистик прогнозларни изоҳлаб беради. | Инсониятнинг келажаги тўғрисидаги оптимистик ва пессимистик прогнозларни таҳлил қилиб беради. |
| Келажак тўғрисидаги турли қарашлар ҳақида тўлиқ маълумот беради. | Келажак тўғрисидаги турли қарашларни айтиб бера олади. |
| *Ўқитиш усуллари* | Маъруза, Б.Б.Б.техникаси ва Блиц – сўров |
| *Ўқитиш воситалари* | Маъруза матнлари, тақдимот учун вароғлар, маркер ва скотч. |
| *Ўқитиш шакллари* | Фронтал, жамоавий ва кичик гуруҳларда ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Керакли жиҳожлар билан таъминланган аудитория. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз – ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида баҳолаш. |

**Дарснинг технологик харитаси**

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |

| | | |
|---|---|---|
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (15 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини ўтказиш учун ўқувчи (талаба) ларнинг тайёргарлигини назоратдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўради. |
| | 1.2. Ўтилган мавзуни таянч иборалари асосида “Блиц-сўров” ўтказади: Ижтимоийлашув; одатлар; Анъаналар; ўзаро ёрдам; халқчил анъаналар; ёрдам; жамиятнинг заиф қатламлари; кўнгилли ёрдам; Қизил Хоч; Қизил Ярим ой кўнгилли жамиятлари; уруш ва нсонийлик; ҳашар; ахлоқий нормалар; ҳуқуқий мавқе. | Блиц-сўровда фаол қатнашадилар. |
| | 1.3. Ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириб, фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали баҳолайди. | Тинглайдилар. |
| II босқич. Асосий (60 минут) | 2.1.Янги мавзуни эълон қилади. Янги мавзунинг режаси, таянч ибора ва тушунчаларига изоҳ беради. Ҳар бир ўқувчи -талабага мавзу бўйича Б.Б.Б. жадвалини тарқатади. Мавзу режаси асосида жадвалнинг иккинчи устунини тўлдиришни вазифа қилиб беради. (1-илова). | Тинглайдилар,ёзиб оладилар. Тарқатмалардан фойдаланадилар. Маъруза режаси асосида жадвални тўлдиради. |
| | 2.2. “Инсерт” техникасидан фойдаланилган ҳолда, маърузада белгиланган белгилар асосида укувчи – талабаларга қуйидаги саволларга жавоб беришни таклиф қилади:<br>1) нимани улар билишади? (яъни мустақил гапириб бера олишади)<br>2) нима тушунарсиз бўлиб қолди ва ўзлаштирилмади?<br>3) қандай қўшимча маълумот талаб қилинади?<br>Юқоридагилардан келиб чиқиб, учинчи ва тўртинчи устунни тўлдиришни ҳамда таянч тушунчаларнинг тартиб рақам-ларидан фойдаланишни таклиф | Учинчи ва тўртинчи устунларни тўлдирадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | этади. (2-илова) | |
| | 2.3. Блиц-сўров орқали бир неча жавоблар тингланади ва жуфт-жуфт бўлиб ишлашни таклиф қилади. | Тинглайдилар,ёзиб оладилар.Саволларга жавоб берадилар. |
| | 24. Талабаларнинг жавобларини умумлаштириб, Жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун топшириқлар беради:<br>1) Б.Б.Б. жадвалининг тўртта устунидаги жавобларни таҳлил қилинг;<br>2) ўзлаштирилмаган саволларни умумлаштиринг;<br>3) биргаликда манбалардан жавобларни излаб топинг;<br>4) Жавоб беришга тайёргарлик кўринг.<br>Жуфт-жуфт бўлиб ишлашга ёрдам беради. | Жуфт-жуфт бўлиб топшириқни бажарадилар. Баҳс-мунозара юритадилар. |
| | 2.5. Жавоблар тинглаб бўлингач, слайдлар ёрдамида ўқув машғулотининг ўрганилмаган қисмлари тушунтирилади. (3-илова) | Тинглайдилар, ёзадилар. |
| | 2.6. Таянч тушунча ва ибораларга қайтилади, талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади. Б.Б.Б. жадвалининг бешинчи устунини тўлдиришни таклиф қилади. | Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Жадвални тўлдирадилар. |
| III босқич. Якуний. (15 минут) | 3.1. Мавзунинг ҳар бир саволига умумий якуний хулоса беради. | Эшитади. |
| | 3.2. Ўқувчи – талабаларнинг фаоллиги баҳолаш мезонлари орқали баҳоланади. | Ўзини қизиқтирган саволлар беради. |
| | 3.3. Мустақил тайёргарлик кўриш учун уйга вазифа беради: ”Ҳар бир инсон ўзининг ҳаётдаги танлови учун шахсий жавобгар.” мавзусида эссе ёзиб келинг. | Топшириқни ёзиб оладилар. |

18.1-Илова

**1-ўқув топшириқ**

**БББ жадвали**

| № | *Мавзу саволлари* | *Биламан* | *Билишни истайман* | *Билиб олдим* |
|---|---|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** |
| 1. | Олдиндан кўриш ва ижтимоий прогноз: моҳияти ва турлари. | | | |
| 2. | Инсониятнинг келажаги тўғрисидаги оптимистик ва пессимистик прогнозлар | | | |
| 3. | Келажак кўринишлари. | | | |

## Визуал материаллар

18.2-Илова

**Иборалар асосида визуал материаллар**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Келажак ҳақидаги прогнозлар. | 5. | Халқаро стандартларга ўтиш зарурияти. |
| 2. | Прогноз турлари. | 6. | Умумий сиёсий-иқтисодий макон. |
| 3. | Оптимистик ва пессимистик башоратлар. | 7. | Саноатлашган жамият. |
| 4. | Технократик ва антитехнократик башоратлар. | 8. | Ахборот-компьютер инқилоби. |

18.3-Илова

1-слайд

Жамият тараққиётининг барча босқичларида инсон ўзининг кейинги ҳолати қанақа бўлишини, юз бериб турган ҳодиса ва воқеалар қандай ўзгаришларга олиб келишини билишга қизиққанлар. Нарса ва ҳодисаларнинг келгусидаги ҳолатини кўриб чиқишга ***олдиндан кўриш*** деб аталади.

2-слайд




3-слайд

Улардан ҳозирги пайтда кенг тарқалгани прогнозлаштириш ҳисобланади (грекча – олдиндан кўриш, олдиндан айтиш). Умуман олганда прогнозлаштириш деганда бирор-бир ҳодисанинг келажакда қандай бўлиши эҳтимоли ҳақида фикр чиқариш тушунилади.

4-слайд

- ***Илмий бўлмаган олдиндан кўриш*** фантастик, реал бўлмаган, сунъий ўйлаб чиқилган ўзаро алоқадорликларга таянади. Кўпинча эса бу "фолбиннинг" ўзигагина аён бўлаётган "ваҳийларга асосланади" - унинг ягона мақсади одамнинг қарашлари ва ҳатти-ҳаракатида аслида асоси бўлмаган сабабларни қидириб топиш ва унга ишонтиришдир.

5-слайд

- ***Илмий олдиндан кўриш*** илмий ғоянинг натижаси бўлган, илмий назариялар доирасида қонуниятларни системали равишда илмий-назарий таҳлил қилиш асосида олинган ва уларнинг амалга оширилиш шароитларига таянувчи олдиндан кўришга айтилади.

6-слайд




7-слайд

- ***Эмпирик олдиндан кўриш*** кишиларнинг кундалик тажрибасига, ўзаро боғланишларнинг реал ёки фараз қилинган (хаёлий) ҳолатларига ёки доимийлигига суянади, аммо у назарий асосларга, тажрибаларнинг баҳоланишига, ҳодисаларнинг қонуниятларини ўрганишга таянмайди.

8-слайд

***Илмий ва илмий бўлмаган олдиндан кўришнинг фарқлари.***

- **<u>Биринчидан,</u> прогноз реал мавжуд қонуниятлар ва ўзаро алоқадорликларга суянади, ноилмий шакллар эса фантастик, хаёлий, "ваҳий" асосларга таянади.**
- **<u>Иккинчидан</u>, авлиёлик, каромат қилиш ўз табиатига кўра абсолют, ўзгармас ҳақиқатлик, ягона ишончлилик даъволари билан чиқадилар. Прогноз эса ақлий ва жисмоний жараён натижаси бўлиб доимо ривожланиб, билмасликдан билишга, нотўлиқ билимдан тўлиқроқ билимга томон ҳаракатни ташкил қилади ва у ёки бу даражадаги эҳтимоллик билан исбот этилиб туради.**
- **<u>Учинчидан</u>, авлиёлик ва каромат қилишда худди утопиядаги каби тайёр, статик характердаги, қотиб қолган, ажралиб қолган ҳолатларнинг суратини таклиф қиладилар. Прогнозда эса, аксинча, воқеликнинг динамик, ўзгарувчан картинасини таклиф қилинади, бунда прогнозлаштирилаётган ҳолатлар ривожланаётган ягона ўзгарувчан воқеликнинг босқичлари сифатида чиқади, уларни эса реал шароитлар, зиддиятлар, ҳаракатлантирувчи кучлар ва қонуниятлар асосидагина тушуниш мумкин.**
- **<u>Тўртинчидан</u>, илмий олдиндан кўришда реал ўзаро боғланишлар ва жараёнлар амал қилади ҳамда улардан прогноз вужудга келади, утопияларда эса мустақил тарихий куч сифатида хоҳишлар, баҳолар, ахлоқий талаблар қонуний алоқадорликларнинг ўрнини эгаллайди. Шу маънода хаёлий олдиндан кўришда ахлоқий дунёқараш ва баҳолар, субъектив истаклар ва талабларнинг келажак воқелик сифатидаги картиналари олинади.**

9-слайд

- Илмий прогнозлаштиришни ҳозирги пайтда прогнозчилар ва футурологлар асосан икки типга ажратишади. Бундай ажратишнинг асоси келажакни ўрганиш қандай йўналишда олиб борилиши билан боғлиқ. Биринчи тип прогнозлар – **қидирувчи** (тадқиқ этувчи, тренд) **прогнозлаштириш**, иккинчи тип – **норматив прогнозлаштириш** дейилади.

10-слайд

- **Қидирувчи прогнозлаштириш** – кўзда тутилган вақт мобайнида ҳодисанинг мавжуд тенденциялари ўзгармаса ёки унга муайян бошқариладиган таъсирлар кўрсатилганда қандай ҳолатда бўлиш эҳтимолини таҳлил қилади. Бунда прогнозлаштирилаётган ҳодисанинг ўтмиш ва ҳозирги пайтдаги ривожланиш ҳолатини давом эттириш орқали келажакда қандай бўлиши ҳақида хулоса чиқарилади.

11-слайд

- **Норматив прогнозлаштириш** образли қилиб "тескари прогнозлаштириш" ҳам дейилади.

12-слайд

## Оптимистик прогнозлаштириш

- Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, оптимистик прогнозлар қаторига инсониятнинг ёруғ келажагини чизиб берган кўплаб утопистик характердаги назарияларни кўрсатишимиз мумкин: ёрқин истиқболни кўрсатган Абу Наср Форобий, Т.Мор, Т.Кампанеллаларнинг қарашлари, социалистик келажак ҳақидаги француз утопик социалистларининг фикрлари, коммунистик истиқболни нафақат фараз қилган, балки уни қуришнинг амалиётини ҳам синаб кўрган марксча-ленинча ғояларни оптимистик руҳдаги прогнозлар сифатида қараш мумкин.

13-слайд

## Пессимистик прогнозлар

Пессимистик прогнозларга эса инсониятнинг демографик ривожланиши ва уларни моддий таъминлашнинг боғлиқлигини геометрик ва арифметик прогрессиялар нисбати сифатида қараган Томас Роберт Мальтус ғоясини ва шу каби келажакни ҳалокат сари интилиш деб ҳисобловчи ва таназзул сифатида қарашларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

14-слайд

**XXI аср бошларида келажак кўринишлари**

- фаннинг технологик имкониятларининг кенгайиб, янгиликларнинг ҳаёт нормасига айланиб бориши;
- реклама таклифлари;
- иқтисодиётда ташкилий қайта қуришнинг рўй бериши;
- космик, биологик, ахборот технологияларини жорий қилувчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиб бориши;
- кишилар турмуш тарзининг ўзгариши, инсоннинг ўз билимлари ва касбий кўникмаларини такомиллаштириш зарурияти;
- компьютер ва ахборот технологияларининг инсонга дунё билан мулоқот қилиш имкониятларини кенгайтириши.

15-слайд

**Ҳозирги давр тараққиётидаги зиддиятлар**

- Африка ва Осиёда миллионлаб кишиларнинг қашшоқликда яшаши;
- ривожланиши суст давлатлар билан ривожланган давлатлар ўртасидаги технологик, иқтисодий ва ижтимоий фарқларнинг кучайиши;
- халқаро терроризм;
- жамиятда маънавий қашшоқликнинг кучайиши;
- коорупция ва жиноятчилик.

| 8-<br>баҳс<br>дарси | ШАХСНИНГ ХАТТИ - ҲАРАКАТИ ВА МАЪСУЛИЯТИ |
|---|---|

## 19. Дарснинг таълим технологияси

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | “Ақлий ҳужум” техникасидан фойдаланилган ҳолда билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган амалий машғулот. |
| *Мавзу режаси* | 1. Шахснинг муҳим хислатлари.<br>2. Ахлоқий ва ҳуқуқий жавобгарлик.<br>3. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқида шахсий жавобгарлик. |
| *Дарснинг мақсади:* Оилавий, маҳаллий, миллий, умуминсоний қоидаларга амал қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида билим ва кўникмалар бериш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Шахснинг муҳим хислатларини ёритиб беради. | Индивидуаллик, маъсулият, виждон ва жавобгарлик каби тушунчаларга таъриф бера олади. |
| Ахлоқий ва ҳуқуқий жавобгарлик каби тушунчаларнинг моҳиятини очиб беради. | Ахлоқий ва ҳуқуқий жавобгарлик каби турларини санаб беради. |
| Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқида шахсий жавобгарлик мезонлари билан таништиради. | Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқида шахсий жавобгарлик мезонларини санаб беради. |
| *Ўқитиш усуллари* | Ақлий ҳужум, гуруҳларда ишлаш. |
| *Ўқитиш воситалари* | Тарқатма материаллар, доска, бўр. |
| *Ўқитиш шакллари* | Фронтал, жамоавий ва гуруҳларда ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Теҳник таъминланган, гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудитория. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз – ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида. |

## Дарснинг технологик харитаси

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини ўтказиш учун ўқувчиларнинг тайёргарлигини назоратдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўрадилар. |
| | 1.2. Ўтилган мавзунинг такрорлаш мақсадида савол – жавоб ўтказади:<br>1. "Прогноз" ва "башорат" тушунчаларининг мазмунини тушунтиринг.<br>2.Илмий ва илмий бўлмаган прогнозлар ҳақида тушунча беринг.<br>3.Изланувчан ва норматив прогнозларнинг фарқи нимада?<br>4.Табиатшуносликка оид қандай прогнозларни биласиз?<br>5.Ижтимоий соҳага оид қандай прогнозлар мавжуд?<br>6.Прогнозлаштириш қамраб олиш вақтига кўра қандай турларга бўлинади?<br>7."Рим клуби"га тақдим этилган турли прогнозлар ҳақида нималарни биласиз?<br>8.Ягона халқаро норма, қоида ва стандартларга ўтишнинг зарурати нимада? | Савол – жавобларга қатнашадилар. |
| | 1.3. Ўқувчи (талаба)ларнинг жавобларини умумлаштириб, фаол талабаларни рағбатлантиради. | |
| I босқич. Асосий (70 минут) | 2.1.Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. Ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратади. | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. |
| | 2.2. Дарсни ақлий ҳужум техникасидан фойдаланилган ҳолда бошлайди (1-илова). “Инсон «ўз»лигининг таркибий қисмларини санаб беринг, ”- деб савол билан мурожаат қилади. Ўқувчи (талаба)ларнинг фикрларини умумлаштириб, “индивидуализм”, | Эркин ўз фикрларини билдирадилар. Тинглайдилар, Ёзиб оладилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | "маъсулият", "жавобгарлик" ҳамда "юридик жавобгарлик" деган тушунчаларга изоҳ беради. | |
| | 2.3.Мавзуни режа асосида ёритиб беради. Ўқувчи (талаба)ларга "Қоидасиз яшаб бўлмайдими?" деб савол билан мурожаат қилади (2-илова). Ҳар бир гуруҳга дарсликдаги 316-бетда жойлашган жадвални тўлдиришни таклиф қилади. Жадвални тўлдиришга ёрдам беради. Жавобларни диққат билан тинглайди, умумлаштиради. | Гуруҳларда ишлайдилар, саволларга жавоб берадилар. Тақдимот ўтказадилар. |
| | 2.4. "Диллема", "полилема" ва "компромис" каби тушунчаларга алоҳида тўхталиб ўтади. Сўнгра ҳар бир гаруҳга эксперт қоғозларини тарқатади.(3- илова). Ҳар бир гуруҳга топшириқ беради. Топшириқни бажаришга ёрдам беради. Жавобларни диққат билан тинглайди, умумлаштиради. "Ўз қарашларингизни асосланг",- деб савол билан мурожаат қилади.<br>Шу тариқа иккинчи саволни умумлаштиради. | Гуруҳларда ишлайдилар, саволларга жавоб берадилар. Тақдимот ўтказадилар. |
| | 2.5. "Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқида шахсий жавобгарлик " масаласини слайдлар ёрдамида ёритиб, янги мавзуга якун ясайди. (4-илова). | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Г |
| III босқич. Якуний. (10 минут) | 3.1. Янги мавзунинг ҳар бир саволини умумлаштиради. Дарс якунини чиқаради. Фаол талабаларни баҳолайди. | Тинглайдилар. Қизиқтирган саволлар берадилар. |
| | 3.2. Уйга 326– бетдаги топшириқни бажаришни вазифа қилиб беради. (5-илова) | Топшириқни ёзиб оладилар |

19.1-Илова

**“Ақлий ҳужум” техникасидан фойаланилган ҳолда “Инсон «ўз»лигининг таркибий қисмлари”ни санаб беринг.**

Инсон «ўз»лигининг таркибий қисмлари :

- жавобгарлик;
- сахийлик;
- индивидуализм;
- эзгулик;
- эҳтиёткорлик;
- прогматиклик;
- тажовузкорлик;
- виждонлилик;
- маъсулият.

19.2-Илова

**Қоидасиз яшаб бўлмайдими?**

Маҳаллангизда кўпроқ учрайдиган ҳамжиҳатликда яшаш қоидаларидан мисоллар келтиринг ва жадвални тўлдиринг:

| Қоидалар | Кишиларга фойдаси | Камчилиги | Риоя қилмаслик оқибатлари | Бузгани учун жазолаш |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |

- *Сизга тўғридан-тўғри фойдаси бўлмаса, бу қоидаларнинг қандай аҳамияти бор?*
- *Бордию, ушбу қоидаларга риоя қилиш жамиятнинг тазйиқи маъносида тасаввур қилиниб, бу ҳол сизнинг эркингизни камситиш сифатида тушунилса, сиз қандай қоидаларни тавсия этган бўлар эдингиз?*
- *Сиз таклиф қилган қоидалар атрофдагиларга қандай таъсир қилади?*
- *Сизнинг қоидаларингиз қандай қилиб бошқаларга зиён етказиши мумкин? Ўз шахсий ҳаётингиздан бунга мисоллар келтиринг.*
- *Қоидаларни бузиш қандай ҳолатларда зиён келтиради, қандай ҳолатларда фойда келтиради?*

19.3 -Илова

**Қоидаларга аниқ амал қилиш дилеммага олиб келиши мумкинми?**

Бу масалани ҳар бир гуруҳга эксперт қоғозларида кўрсатилган вазиятлар мисолида кўриб чиқиш тавсия этилади.

1-ЭКСПЕРТ ҚОҒОЗИ.

*Бир оила бор эди. Ота-оналари вафот этгач, ака ва ука орасида келишмовчилик пайдо бўлди. Унинг сабаби – аканинг болалари бор, лекин уй қуриш пули йўқ эди. Уканинг ҳам болалари бор эди. У акадан ўзига уй қуриб, чиқиб кетишни талаб қиларди.*

- Ўз ҳаётингиздан шу Сиз бу вазиятда қандай дилеммани қайд қиласиз ва уни қандай тарзда ҳал этиш мумкин? Албатта, бу вазиятда ёзилган ва ёзилмаган бошқа қоидалар ҳам мавжуддир.
- Оила аъзолари томонидан қайси қоидаларнинг бузилиши мана шундай мураккаб вазият пайдо бўлишига олиб келди?
- Агар ака-укалар сизга, маҳалла оқсоқоли ёки судья сифатида, мурожаат қилишса, сиз бу дилеммани қандай ҳал қилган бўлар эдингиз?
- каби қоидаларнинг дилеммага сабаб бўлганлигига оид бирор мисол келтиринг.

**Дилемманинг ҳал этилиши**

Келтирган мисолингизни таҳлил қилинг. Ана шу мисол асосида дилемманинг ҳал этилишини жадвалда кўрсатилган усулларда кўрсатиб беринг. (агар имкони бўлса, камида иккита қоидани ҳал қилишга ҳаракат қилинг).

| Ҳатти-ҳаракат | Ижобий оқибатлар | Салбий оқибатлар |
|---|---|---|
| Қоидаларни изчил бажараман | | |
| Қоидаларни писанд қилмайман | | |

2-ЭКСПЕРТ ҚОҒОЗИ.

*Сиз гуруҳ сардорисиз. Сизнинг ўқитувчингиз касал бўлиб қолди ва у сизга ўзининг йўқлиги пайтида ўқувчиларга кўз-қулоқ бўлиб туришни топширди. Ана шу пайтда гуруҳ ўқувчилари ўртасида жанжал чиқди, унда сизнинг*

*дўстларингиз нимжон бўлган гуруҳдошларингиздан бирини калтаклаймиз, деб пўписа қилишди.*
*Сизнинг бундай бўлишига йўл қўймасликка ҳаракат қилишингиз бекор кетди. Бундай шароитда сиз иккита ечимни кўряпсиз:*

| | |
|---|---|
| 1. | Ўша ўқувчининг соғлиғи яхши эмаслигини ва калтаклаш уни оғир оқибатларга дучор қилишини билсангиз-да, уларнинг бу ниятларига қарши чиқишга ҳаракат қилмайсиз. |
| 2. | Зўравонликка йўл қўймаслик учун қилган ҳаракатингиз беҳудалигини кўриб, коллеж директорига дўстларингизнинг ниятлари ҳақида хабар беришга қарор қиласиз, аммо бунда дўстларингиз билан ораларингда совуқчилик ва адоват муносабатлари вужудга келиш эҳтимоли туғилади. |

Ўз қарорингизни асосланг.

Келинг, уруш шароитида қоида ва қонунларни ҳурмат қилиш ва менсимаслик масаласини кўриб чиқайлик.

**Дилемманинг ҳал этилиши**

Келтирган мисолингизни таҳлил қилинг. Ана шу мисол асосида дилемманинг ҳал этилишини жадвалда кўрсатилган усулларда кўрсатиб беринг. (агар имкони бўлса, камида иккита қоидани ҳал қилишга ҳаракат қилинг).

| Ҳатти-ҳаракат | Ижобий оқибатлар | Салбий оқибатлар |
|---|---|---|
| Қоидаларни изчил бажараман | | |
| Қоидаларни писанд қилмайман | | |

3-ЭКСПЕРТ ҚОҒОЗИ.

Батальон командири шаҳарни қўлга киритиш топшириғини олган. У ўз батальонидаги аскарларнинг ушбу шаҳар аҳолисини ёмон кўришини билади.

-а) буни ҳисобга олиб, командир аскарларни огоҳлантиради:
-б) буни билиб туриб, командир аскарларни огоҳлантирмайди:

«Уруш қоидаларига асосан жанг қилинг: яъни болалар ва аёлларга тегманг, асирга олинган кишиларга марҳамат кўрсатинг».

Шаҳар қўлга киритилгач, командирга аёлларнинг таҳқирланганлиги, болаларнинг калтакланганлиги, асирларнинг отиб ташланганлиги аён бўлади.

- ***Ана шундай вазиятда юз берган ҳодиса учун командир жавобгар бўладими?***
- ***Командир аскарларга нисбатан қандай чоралар кўриши керак?***

**Дилемманинг ҳал этилиши**

Келтирган мисолингизни таҳлил қилинг. Ана шу мисол асосида дилемманинг ҳал этилишини жадвалда кўрсатилган усулларда кўрсатиб беринг. (агар имкони бўлса, камида иккита қоидани ҳал қилишга ҳаракат қилинг).

| Ҳатти-ҳаракат | Ижобий оқибатлар | Салбий оқибатлар |
|---|---|---|
| Қоидаларни изчил бажараман | | |
| Қоидаларни писанд қилмайман | | |

4-ЭКСПЕРТ ҚОҒОЗИ.

*Батальон қишлоққа келади. Йўлда аскарлар жуда чарчашган, уларнинг қорни оч ва мўлжалланган жойгача ҳали узоқ юришлари керак. Улар кириб келган қишлоқдагилар жуда камбағал бўлиб, аскарларга нисбатан душманларча туйғуларини яширишмайди. Батальон командири унинг аскарлари қишлоқ аҳолисига ҳужум қилиб, улардаги охирги озиқ-овқатлар ва уй ҳайвонларини тортиб олишлари мумкинлигини билади.*

Командирнинг қарори қандай бўлиши керак ва нима учун:
- аскарларга аҳолидан озиқ-овқатларни тортиб олишга йўл қўйиб бериш;
- қишлоқ аҳолисининг азият чекишига йўл қўймаслик учун батальонни бу ердан олиб кетиш;

**Дилемманинг ҳал этилиши**

Келтирган мисолингизни таҳлил қилинг. Ана шу мисол асосида дилемманинг ҳал этилишини жадвалда кўрсатилган усулларда кўрсатиб беринг. (агар имкони бўлса, камида иккита қоидани ҳал қилишга ҳаракат қилинг).

| Ҳатти-ҳаракат | Ижобий оқибатлар | Салбий оқибатлар |
|---|---|---|
| Қоидаларни изчил бажараман | | |
| Қоидаларни писанд қилмайман | | |

19.4-Илова

**Визуал материаллар**

1-слайд




| | |
|---|---|
| Дилемма → | Учинчисини инкор этувчи икки қарама-қарши ҳолатга эга фикр-мулоҳазаларнинг қўшилиши дилемма деб аталади |
| Полилемма → | Дилеммадан фарқли ўлароқ, тегишли равишда икки эмас, балки кўп тўхтамларга келиш имконияти билан характерланади |
| Компро-мисс → | Бу ўзаро ён бериш асосида муросага келишдир |

2-слайд

**ЭЪТИБОР БЕРИНГ**
**Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 152-модда.**
*«Тинч аҳолини ёки ҳарбий асирларни қийнаш, жисмонан қириб юбориш, тинч аҳолини мажбурий ишларга ёки бошқа мақсадларда ҳайдаб кетиш, халқаро ҳуқуқ билан тақиқланган уруш олиб бориш воситаларини қўллаш, шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларини беҳуда вайрон қилиш, мол-мулкни талон-тарож қилиш, шунингдек, бундай ҳаракатларни қилишга буйруқ беришда ифодаланган уруш қонун ва удумларини бузиш – ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».*

3-слайд

**ЭСЛАБ ҚОЛИНГ**
Миллий суд тизимлари Халқаро гуманитар ҳуқуқ қоидабузарликларини «сезмаган» ёки сезишни истамаган вазиятларда, қоидабузарлар бошқа давлатларнинг талаби билан халқаро суд томонидан амалга ошириладиган жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

4-слайд

**Халқаро жиноят суди**
XX аср охирида халқаро ҳамжамият доимий амал қилувчи халқаро жиноят судини (ХЖС) ташкил қилди. Доимий халқаро жиноят судига асос солиш ғояси ўнлаб йиллар давомида илгари суриб келинган эди. Узоқ муҳокамалардан сўнг 1998 йилда Римда бўлиб ўтган Халқаро дипломатик конференцияда Халқаро жиноят судининг Статути қабул қилинди. Статут 60 та давлат томонидан (унинг кучга кириши учун лозим бўлган миқдор) эътироф этилганидан кейин, Суд 2002 йилнинг 1 июлидан ўз ишини бошлади. 2004 йилнинг 15 майига келиб Статут жами 93 давлат томонидан эътироф этилди. Ўз статутига биноан халқаро жиноят суди геноцид жиноятларини, ҳарбий жиноятларни, инсонийликка қарши жиноятларни ва босқинчилик жиноятларини суд қилади.

5-слайд

**Геноцид жиноятлари**
Геноцид жиноятлари – бирорта миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳни тўлиқ ёки қисман йўқ қилиш ниятида содир этиладиган қуйидаги ҳатти-ҳаракатларнинг ҳар қайсиси:
- шундай гуруҳ аъзоларини ўлдириш;
- шундай гуруҳ аъзоларига жиддий жисмоний ёки руҳий шикаст етказиш;
- бирорта гуруҳ учун унинг тўлиқ ёки қисман қирилиб кетишига мўлжалланган ҳаёт шароитларини қасддан яратиш;
- шундай гуруҳ орасида атайлаб болалар туғилишининг олдини олишга қаратилган чоралар;
- болаларни бир одамлар гуруҳидан бошқа гуруҳга зўрлик билан бериш.

6-слайд

| **Ҳарбий жиноятлар** |
|---|
| Ҳарбий жиноятлар тушунчаси 1949 йилги Женева конвенцияларининг ҳомийлигидан халқаро хуқуқ томонидан белгиланган доирада фойдаланаётган шахслар ва мулкка қарши қаратилган қуйидаги ҳатти-ҳаракатларни ўз ичига олади:<br>- қасддан одам ўлдириш;<br>- қийноқлар ва ваҳшиёна муомала қилиш (шу жумладан биологик тажрибалар ўтказиш);<br>- қасддан кучли азоб бериш ёки жиддий тан жароҳати етказиш;<br>- уруш эҳтиёжлари тақозо қилмаган ҳолда мулкни кенг миқёсда вайрон қилиш ва ўзлаштириб олиш;<br>- Женева конвенциялари ҳомийлиги остидаги ҳарбий асирни ёки бошқа шахсни душман томон қуролли кучларида хизмат қилишга мажбурлаш;<br>- Женева конвенциялари ҳомийлиги остидаги ҳарбий асирни ёки бошқа шахсни адолатли ва меъёрларга мос тарзда суд қилиниш ҳуқуқидан маҳрум этиш;<br>- тинч аҳолини ноқонуний қувғин қилиш, сургун қилиш ёки кўчириш ёхуд ноқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш;<br>- кишиларни гаровга олиш. |

19.5-Илова

Жадвални тўлдиринг:

***Биров сизга зиён етказса, сиз қандай жавоб қиласиз?***

Гуманитар ҳуқуқ бузилган бўлса, қуйидаги амалларнинг оқибати қанақа бўлади:

| | Қурбонлар учун | қонунбузарлар учун | жамият учун |
|---|---|---|---|
| адолат излашнинг<br><br>унутиб юборишнинг | | | |

| 20-дарс | ДАВРНИНГ ОЛАМШУМУЛ МУАММОЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ. |
|---|---|

**20. Дарснинг таълим технологияси**

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 24 | *Вақти:* 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Синквейн, СВОТ-таҳлил техникасидан фойдаланилган информацион-кўргазмали маъруза дарс. |
| *Мавзу режаси* | 1. Оламшумул муаммолар тушунчаси, уларнинг мазмуни, белгилари ва турлари.<br>2. Халқаро терроризм ва диний экстремизм жаҳоншумул муаммо сифатида.<br>3. Ўзбекистон Республикасининг оламшумул муаммолар ечимига қўшаётган ҳиссаси. |
| *Дарснинг мақсади:* Даврнинг оламшумул муаммоларининг моҳияти, белгилари, келиб чиқиши ва турлари ҳақида яхлит тасаввурни шакллантириш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| Оламшумул муаммолар тушунчаси, уларнинг мазмуни, белгилари ва турларини ёритиб беради. | Оламшумул муаммолар тушунчаси, уларнинг мазмуни, белгилари ва турларини санаб беради. |
| Халқаро терроризм ва диний экстремизм жаҳоншумул муаммо сифатида эканлигини изоҳлаб беради. | Халқаро терроризм ва диний экстремизм жаҳоншумул муаммо сифатида эканлигини таҳлил қилиб беради. |
| Ўзбекистон Республикасининг оламшумул муаммолар ечимига қўшаётган ҳиссаси ҳақида тўлиқ маълумот беради. | Ўзбекистон Республикасининг оламшумул муаммолар ечимига қўшаётган ҳиссасини айтиб бера олади. |
| *Ўқитиш усуллари* | Маъруза, Синквейн, Ақлий ҳужум ва СВОТ – таҳлил. |
| *Ўқитиш воситалари* | Маъруза матнлари, такдимот учун вароғлар, маркер ва скотч. |
| *Ўқитиш шакллари* | Фронтал, жамоавий ва кичик гуруҳларда ишлаш. |
| *Ўқитиш шароитлари* | Керакли жиҳожлар билан таъминланган аудитория. |

| | |
|---|---|
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз – ўзини назорат қилиш, “5”балли рейтинг тизими асосида баҳолаш. |

**Дарснинг технологик харитаси**

| *Босқичлар, вақт* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Ўқувчи-талаба* |
| I босқич. Ўқув машғулотига кириш (15 минут) | 1.1 Ўқув машғулотини ўтказиш учун ўқувчи (талаба) ларнинг тайёргарлигини назоратдан ўтказади. Давоматни аниқлайди. | Дарсга тайёргарлик кўради. |
| | 1.2. Ўтилган мавзу бўйича берилган топшириқнинг назоратини ўтказади. | Уйга берилган топшириқларни тақдим қилади. |
| | 1.3. Ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириб, фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали баҳолайди. | Тинглайдилар. |
| II босқич. Асосий (60 минут) | 2.1.Янги мавзуни эълон қилади. Янги мавзунинг режасиига изоҳ беради. Ҳар бир ўқувчи -талабага мавзу бўйича “Ақлий ҳужум” усули орқали маълум тушунчаларни айтишни таклиф қилади. Барча айтилганларни доскага ёзади. Ушбу иш машғулот охирида тугатилишини айтади. | Тинглайдилар,ёзиб оладилар. |
| | 2.2. Мавзу бўйича асосий назарий тушунчалаарни Power Point орқали слайдларни кўрсатиш ва уларни шархлаш орқали тушунтириб беради (1-илова). Ўқувчи (талаба) ларни фаоллаштириш мақсадида уларга жонлантируви саволлар беради:<br>1. Оламшумул муаммолар деганда нимани тушунасиз?<br>2. Уларнинг қандай турларини биласиз? | Тинглайдилар, ёзиб оладилар, муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар. |
| | 2.3. Мавзунинг биринчи саволини слайдлар ёрдамида ёритиб беради (1-илова), хулосалар қилади, асосий жиҳатларига эътиборни қаратади, маълумотларни ишчи дафтарларига | Тинглайдилар,ёзиб оладилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | ёзиб қўйиш зарурриятини эслатади. | |
| | 24. Вазифа беради: *умумбашарий муаммолар; уларнинг белгилари; уруш ва тинчлик, экологик муаммолар; озиқ-овқат, демографик муаммолар; хом ашё ва энергия билан таъминланиш муаммолари; фан-техника инқилобининг оқибатлари; халқаро терроризм; халқаро ҳамкорлик зарурияти* каби терминлар ҳақида уйланг ва жуфтликларда муҳокама қилинг, "Синквейн" тузинг (2-илова). | "Синквейн" тузадилар, тузилган вариантларни ўқийдилар. |
| | 2.5.Жавоблар тинглаб бўлингач, слайдлар ёрдамида ўқув машғулотининг ўрганилмаган иккинчи саволи ёритилади. | Тинглайдилар, ёзадилар. |
| | 2.6.Учинчи саволни СВОТ- таҳлил техникасидан қойдаланилган ҳолда ёритиб беради (3-илова). Бажарилган ишни таҳлил қилади. СВОТ – таҳлил жадвалини жамоавий муҳокамаси ва қолган қисмларини тўлдиришни ташкил қилади. Вужудга келган саволлар ва қарама-қаршиликларни ажратади, фикрлар ва фикрлар курашини рағбатлантиради. Шу тариқа уинчи саволни умумлаштиради. | СВОТ – таҳлил жадвалини жуфт-жуфт бўлиб тўлдирадилар. Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар. |
| | 2.7. Мавзу бўйича доскага ёзилган таянч иборалар рўйхатига қайтишни таклиф қилади. Ўқувчи (талаба)лар билан биргаликда бу рўйхатни аниқлаштиради, такрорланадиган ва мавзуга алоқаси бўлмаган ахборотни ўчиради, зарур тушунча ва терминларни ажратиб, тагини чизиб қўяди. | Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларга диққатларини жалб қилади. |
| | 3.1. Мавзунинг ҳар бир саволига умумий якуний хулоса беради. | Эшитади. |

| | | |
|---|---|---|
| III босқич. Якуний. (15 минут) | 3.2. Ўқувчи (талаба)ларнинг фаоллиги баҳолаш мезонлари орқали баҳоланади. | Ўзини қизиқтирган саволлар беради. |
| | 3.3. Якуний назоратга мустақил тайёргарлик кўриш учун уйга ўтилган мавзулар бўйича такрорлашни вазифа қилиб беради. | Топшириқни ёзиб оладилар. |

20.1-Илова

**Визуал материаллар**

1-слайд

Ҳозирги пайтда инсон ва жамиятнинг табиий муҳит билан муносабатлари, шунингдек ижтимоий муносабатлар соҳасидаги муаммоларни қуйидаги белгиларга кўра оламшумул муаммолар қаторига киритиш расм бўлган:

а) таъсир доирасига кўра ҳақиқатан ҳам умумпланета, умумжаҳон характерига эга бўлиб, барча халқлар, давлатлар ва давлатлар гуруҳларининг ҳаммаси учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлса;
б) ечими топилмаган тақдирда бутун инсониятнинг, умуман барча цивилизацияларнинг мавжудлигига ҳалокатли таъсир қилса, энг камида ҳаёт кечириш ва ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг пасайишига олиб келса;
в) кечиктирмасдан ечими топилишини талаб қилса;
г) ечими топилиши учун барча мамлакатларнинг, барча халқларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб қилса.

2-слайд

Ҳозирги вақтда бутун инсониятни ташвишлантириб турган жаҳоншумул муаммоларга юқоридаги асослар бўйича назар ташланса асосан қуйидагилар киради:

а) инсониятни уруш хавфидан қутқариш;
б) инсониятнинг ҳаддан ортиқ кўпайиб кетиши – демографик муаммо;
в) ер юзидаги кўпгина мамлакатлар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси;
г) инсониятни хом ашё ва ресурслар билан таъминлаш муаммоси;
д) инсоният жамияти ва уни қуршаб турган табиий муҳит ўртасидаги

муносабатларда вужудга келган экологик муаммо;
е) дунё океани ресурсларидан ва космосдан фойдаланиш муаммолари;
ж) терроризм ва экстремизм хавфи муаммолари ва бошқалар.

3-слайд

Мустақиллик – бу бизнинг ҳаётимиз, тақдиримиз, дунёқарашимиз. ҳеч нарса – на террорчи ва экстремистларнинг ғаламисларча ҳаракати, на тинч аҳоли ва садоқатли юрт ҳимоячилари бўлмиш аскарларимиз ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг 1999 йил февралдаги ва 2004 йил март, июльдаги воқеаларда бевақт ҳалок бўлиши мустақиллик ишининг тўғрилигига бўлган ишончимизни сўндира олмайди. Мазкур мавзу сўнгида Президентимизнинг Ўзбекистон телевидениесига 2004 йил 28-30 март воқеалари муносабати билан берган махсус интервьюсидаги қуйидаги сўзларни келтирмоқчимиз: "Халқимиз бундай синовларни илгари ҳам бошдан кечирган ва уларни мардона енгиб ўтган. Шунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, қатъият билан ҳаракат қилишимиз, бизга аталган гўзал ва бетакрор юртимиз тинчлигини сақлашимиз зарур".

4-слайд

Мамлакатимиз экологик муаммоларни умуминсоният кучи билан ҳал қилиш заруриятини ҳис этган ҳолда мавжуд халқаро шартномаларга қўшилмоқда. Жумладан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон қуйидаги халқаро шартномаларга қўшилди

- Озон қатламини муҳофаза қилиш ҳақида Вена конвенцияси (18.05.93):
- Озон қатламини бузувчи моддалар ҳақидаги Монреал протоколи (18.05.93):
- Табиий муҳитга харбий ёки бошқа ҳар қандай душманларча таъсир этувчи воситаларни тақиқлаш ҳақидаги конвенция (26.05.93):
- Муҳитнинг ўзгариши ҳақидаги конвенция (20.06.93):
- Жиддий чўллашув ва/ёки қурғоқчиликни бошидан кечираётган мамлакатларда, айниқса Африкада, чўллашишга қарши кураш бўйича конвенция (31.08.95):
- Биологик турли-туманлик ҳақидаги конвенция (06.05.95):
- Жаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш ҳақидаги конвенция (22.12.95):
- Йўқолиш хавфи остида бўлган ёввойи фауна ва флора турлари билан

халқаро савдо қилиш ҳақидаги конвенция (01.07.97):

- Кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвонларни сақлаш бўйича конвенция (01.05.98):
- Озон қатламини бузувчи моддалар ҳақидаги Монреал протоколига Лондон қўшимчаси (01.05.98) ва бошқалар.

20.2 -Илова

“Синквейн “ техникаси

Мақсад – категорияга характеристика беринг

1-қатор - тушунча.
2-қатор - тушунчани характерловчи иккита сифат.
3-қатор – ушбу тушунча функциялари тўғрисидаги уч феъл.
4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги тўрт сўзли сўз бирикмаси.
5-қатор - ушбу тушунча синоними.

20.3 -Илова

СВОТ - таҳлил

СВОТ-SWOT-таҳлил (инглизча бош ҳарфлардан олинган)

S –кучли томон

W – кучсиз томон

O - имкониятлар

T- хавф-хатарлар

***Савол***: Ўзбекистон Республикасининг оламшумул муаммолар ечимига қўшаётган ҳиссасини СВОТ жадвали асосида таҳлил қилинг.

| | |
|---|---|
| C | O |
| B | T |

Муборак Ғаниева

# «ШАХС ВА ЖАМИЯТ» ФАНИ БЎЙИЧА ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Босишга рухсат этилди ...........08.
Бичими 60х90 1/16.Офсет босма. Таймс гарнитураси.
Шартли босма табоғи 11,6. Адади 300 нусха.
Баҳоси шартнома асосида.